

АБДУСАМЕДОВ А.Э.

ДИНЛАР ФАЛСАФАСИ

(МАГИСТРЛАР УЧУН УСЛУБИЙ ҚЎЛЛАНМА)

ТОШКЕНТ - 2010

Мазкур услубий кўлланма манбалар асосида тузилган бўлиб, унда миллий ва жаҳон динларида тарихий жараёнда шаклланган диний-фалсафий таълимотлар, қарашлар ҳамда уларнинг шахс ва жамият тараққиётидаги ўрни ўз ифодасини топган.

Настоящее методическое пособие составлено на основе источников, в котором нашли свое отражение религиозно-философские учения, взгляды формировавшиеся в историческом процессе в национальных и мировых религиях, а также место их в развитии личности и общества.

This methodical paper composed on the basis of sources reflected by Theo-philosophic studies and views formed in historical process in national and world religions. It also describes the role of these studies and views in personal and social development.

Муаллиф ф.ф.д., проф. Абдусмедов А.Э

Такризчилар: ф.ф.д., проф. И.Хўжамуродов, Ф.ф.н., доц. М.Усмонов

Масъул муҳаррир: ф.ф.н., доц. А.Ўтамуродов

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Илмий Кенгаши томонидан нашрга тавсия этилган (2009 йил 29 декабр. Баённома №5)

КИРИШ

Динни фалсафий жиҳатдан ўрганиш жуда қадимги даврлардан бошланган. Хусусан, халқимиз эътиқод қилган динлардан бири зардуштийлик ҳақидаги дастлабки фалсафий мушоҳадалар милоддан аввалги VII-VI асрларда бошланган. Шундай ҳолатни бошқа дин шакллари тарқалган қадимги Юнонистонда ҳам кузатиш мумкин.

Шарқда дин фалсафасининг ривожланиши ислом пайдо бўлган даврдан кейин, яъни VIII-X асрларда калом-фалсафасининг шаклланиши билан боғлиқдир.

Динлар фалсафаси ҳақида мушоҳада юритиш Шарқда анча олдин бошланган бўлсада, аммо фалсафада ўрганиш, тадқиқ қилиш асосан XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрда жиддий тус олди. Шу даврдан бошлаб, Европа олий ўқув юртларида бу фан ўқитила бошланди. XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб, «Динлар фалсафаси» МДҲ олий ўқув юртларининг фалсафа ва баъзи гуманитар факультетларида бу фан ўз ўрнини топа бошлади. Шу давр ичида Европа тилларида бир қанча дарсликлар ва монографиялар чоп этилди. Аммо ўзбек тилида «Динлар фалсафаси» ҳақида айрим мақолалардан ташқари дарслик ёки қўлланма яратилганича йўқ.

Ушбу матнни ёзишда кўпгина манбалардан, олимларнинг асарларидан, ўқув қўлланмалари ҳамда интернет материалларидан фойдаланилди. Жумладан, Абдулазиз Мансурнинг Ақоид матнлари (Тошкент Ислом университети - 2006); Основы религиоведения под редакции проф. И.Н.Яблокова (М.: Высш. шк. 2-е изд. 1998); Диншунослик. А.Мўминов ва бошқалар (Тошкент – «Мehnat» - 2004).

Ушбу «Динлар фалсафаси» қўлланмаси фалсафа факультети ва гуманитар олий ўқув юртларининг талабалари, магистрлари, аспирантлари учун мўлжалланган.

1=мавзу. Эътиқод ва диний бағрикенглик фалсафаси

Режа:

1. Эътиқод тушунчаси
2. Билим ва ғоялар эътиқоднинг муҳим элементлари
3. Диний бағрикенгликнинг фалсафий таҳлили

Эътиқод тушунчаси. Эътиқод ҳар бир ақли расо одамнинг онгли фаолияти билан боғлиқ фалсафий тушунчадир. Эътиқодни вужудга келишида инсон ўзлаштирган билимлар умумий асос вазифасини бажаради. Билимни эътиқодга айланиши учун-англаш сўнг уни тушуниб етиш, бу билимларнинг тўғри ёки нотўғрилигига ишонч ҳосил қилиш орқали қабул қилинган билимлар инсон онгида қайта ишлаб чиқилган, яъни ҳаётий синовдан ўтган, мақсадли йўналишларга мос билимларгина эътиқодни мустаҳкам бўлишини таъминлайди.

Одамнинг бир ёки бир неча эътиқод шаклига мойил бўлиши у шаклланган оила шароити, ижтимоий муҳит, жамоатчилик фикри ва тарбия тизимига боғлиқ бўлади. Бу омилларнинг қайси бири кучлироқ таъсирга эга бўлса, шу эътиқод тури ёш авлод онгида шакллана боради. Масалан, илмий муҳитга эга бўлган оилада тарбияланган бола онгида борлиқ ва ижтимоий ҳодисалар ҳақида (чуқур билимга эга бўлмаса-да) илмий қарашлар кенгроқ ўрин эгаллаб, эътиқоднинг бошқа тури таъсирига берилиши сезилмайди. Диний муҳитда тарбияланган кишилар онгида аксарият ҳолларда муайян диний эътиқодга мойиллик кучли бўлади.

Аммо шуни ҳам ҳисобга олиш лозимки, одамда шаклланган эътиқод ҳақида фикр юртганда эътиқод турлари орасига қатъий чегара қўйиб бўлмайди. Чунки, муайян эътиқодга эга бўлганлар онгида, унинг бошқа турлари ҳам бўлиши мумкин. Масалан, диний фундаменталистик ғояларни асос қилиб олган баъзи ёшларнинг эътиқоди диний бўлса-да, унда бузғунчилик, вайронкорлик майллари кучли бўлади. Ҳамма гап шундаки, одам қайси ўз ҳаёт тарзи мақсадли йўналишини муайян эътиқод асосида йўналтиради ва шунга асосан фаолият кўрсатади.

«Эътиқод» фалсафий категория бўлиб, унинг мазмун-маъноси қандай компонентлардан тузилган тўғрисида аниқ илмий асосланган тасаввурга эга бўлишимиз лозим. Олимларнинг фикрига кўра, эътиқодни яхлит бутунга бирлаштириб турган барқарор элементлардан бири - билимдир¹. Маълумки инсон ижтимоий ва онгли фаолиятида муайян билим турларини эгаллашга интилади. Бу билимлар назарий ёки эмпирик мазмундан ташкил топган бўлиши мумкин. Гап шундаки, олинган билимларнинг эътиқодга айланиши учун бир неча босқичларни ўтади. Дастлабки босқич англаш ҳолати бўлиб, унда билимнинг маъно-мазмунига тушуниб етилади. Сўнгга ўзлаштириб олинган билимлар, инсоннинг

¹ Қаранг: Чориев Анвар. Билимдан ғояга, ғоядан эътиқодга. // Ж. Мулоқот. – Тошкент, 2002. - № 2. – Б. 11-12

моддий ва маънавий эҳтиёжларига, айланади. Эътиқодга айланган билим инсон амалий фаолиятини такомиллаштиради. Шундай қилиб, инсон хулқ-атвори ва хатти-ҳаракатининг финомени бўлган эътиқод: билиш, баҳолаш, бошқариш каби функцияларни бажаради.

Динлар фалсафаси ҳақида илмий қарашларни шакллантириш учун, кишиларнинг қандай эътиқод турига мойиллигини ҳисобга олиш муҳимдир. Чунки, фалсафий таълимот каби динлар фалсафаси ҳам борлиқнинг мавжудлиги, ривожланиши, инсон ва унинг яшашдан мақсади, ижтимоий фаолияти ҳақида мушоҳада юритади.

Эътиқод ва диний бағрикенглик ўз мазмун-моҳияти билан фалсафий тушунчалар сифатида индивидуал ва ижтимоий онда муайян даражада шаклланади. Зеро, бу иккала тушунча ўзаро узвий боғлиқликда шаклланданига ижтимоий ҳаётда ўз ўрнига эга бўлади.

Кишилар эътиқодида диний қарашлар, хусусан диний фундаменталистик майллар кўпроқ бўлсаю, аммо диний бағрикенглик бўлмаса, турли конфессиялар орасида зиддиятли вазиятни келтириб чиқариши мумкин. Ҳаттоки, диний эътиқод туфайли миллатлар ўртасида келишмовчилик юзага келиб баъзан фожиали оқибатларни келтириб чиқаради.

Бу ғоят муҳим масала бўлгандан биринчи навбатда эътиқод, иймон, бағрикенглик каби тушунчалар мазмун-моҳиятини, шахс ва жамият ҳаётида тутган ўрнини илмий билиш ғоят муҳимдир.

Эътиқод арабча сўз бўлиб, ишонч, ихлос маъноларни билдиради. Аммо эътиқод даражаси, мазмун-моҳияти шахс, гуруҳ ва жамиятда ўзига хос маънода намоён бўлади. Демак, билим ва ғоялар инсоннинг ҳам ақли, ҳам қалби билан ўзлаштириб олинганига эътиқодга айланади. Умуман олганда одамларни ижтимоий ҳаётнинг фаол аъзосига айлантирувчи омил ҳисобланади. Бошқача қилиб айтганда, эътиқод билим ва ғояларнинг ўзлаштирган, ҳаёт синовларидан ўтказган, уларнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилган шахсни ўз қарашлари, тамойиллари ва дунёқарашига мувофиқ тарзда иш кўришга даъват этадиган тизимдир.

Билим ва ғоялар эътиқоднинг муҳим элементлари. Эътиқодга айланган билим ва ғояларнинг фалсафий таҳлил этганда, улар ижтимоий амалиётнинг натижаси, инсонни билиш борасидаги фаолиятининг ҳосиласидир. Эътиқод инсон дунёқарашининг асосий компоненти жамлигини унутмаслик даркор. Эътиқод билиш, баҳолаш, бошқариш каби функцияларни бажаради. Объектив воқеликдаги турли ходисалар, жараёнлар ҳақидаги билимлар эътиқоднинг билиш функциясининг билдирса, олинган билимларга таяниб содир бўлаётган ўзгаришлар, ҳодисалар моҳиятини тушуниб олиш баҳолаш функциясини ташкил этади. Унинг бошқариш функцияси эса, инсонни ўз шахсий ва ижтимоий фаолиятида хулқ-атвори, хатти-ҳаракатига кўрсатадиган таъсири, муайян мақсад томон йўналтириш қобилиятидан иборат.

Инсон ҳаётида мақсадлар кўп бўлиб, уларнинг айримлари ўзгариб туради. Фақат аниқ мақсадда бўлган ғоя атрофида бирлашганларни маслакдошлар дейлади. Маслак асосида муайян дунёқарашнинг бош ва асосий ғояларига ишонган одамлар жамоаси умумий феъл-атвори ётади. Демак, инсонларни маълум вазифаларни бажаришга сафарбар этадиган ғоявий бирлик маслак бўлиб, аниқ мақсадларни амалга ошириш йўлларини белгиловчи ирода – бу, эътиқоддир.

Инсон эътиқоди шаклланишига билим ва ғоялар хизмат қилишини билиб олганимиздан сўнг шунга эътибор қаратишимиз лозимки, инсон эътиқодсиз, ғоясиз, фикрлашсиз яшолмайди. Инсон ва жамиятни мақсад (маслак)сари етаклайдиган, ҳаракатга келтирадиган куч ғоядир. Демак, ғоя инсон тафаккурида вужудга келадиган, ижтимоий характерга эга бўлган, руҳиятга кучли таъсир ўтказиб, жамият ва одамларни ҳаракатга келтирадиган, уларни мақсад-маслак сари етаклайдиган фикрдир.

Умумлаштириб айтганда, муайян мақсадлар йўлида бирлашиб ҳаракат қилишга олиб келувчи, кўпчиликнинг эътиқодига айланган асосий маслак ғоядир.

Диний эътиқод ўзига хос муайян дунёқараш (ғоя) сифатида умуминсоний табиатга эга. Дин инсон зотида хос бўлган руҳият, маънавий ҳолатдир. Диннинг асосий моҳиятини белгиловчи ғоя илоҳий зот-яратувчига ишониш ва унга сиғинишдир. Турли диний анъана ва қадриятларга риоя қилиш, шу йўл билан нариги дунёда жаннатга тушиш, дўзаҳ азобидан ҳалос бўлиш мақсадидир. Дин яратганга, тақдирга, охиратга худо белгилаб берган андозалардан чиқмасдан ишонишдир. Бу маънавий андозалар-меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, адолатлилик, иймонлилик, инсофлилик, одамларнинг бир-бирига ишончи ва ҳурматидир.

Дин-инсон маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим омилларидан биридир. Қуръон, ҳадислардаги ғояларда ва шариат аҳкомларида шаклланган мусулмонларнинг бурч ва вазифалари деб тан олинган фикрлар орқали кишиларда иймон, виждон, эътиқод орқали ҳаёт тарзини ҳал этишга чорлаган. Бунинг учун ҳар бир мусулмон ўзи руҳан, виждонан пок, иймонли ва ҳалол бўлиши керак, деган даъват ислом таълимотида катта ўрин олган.

Хўш, диний иймон нима? Бу шахс учун асосий орзу диний ибодатлар, маросимларни бажариш, диний кўрсатмалар асосида ҳаёт йўналишини белгилаб, реал дунёда бахтиёр бўлиш ва охиратда жаннатдан жой олишдир. Илмий ҳақиқатлар атрофида иймон шаклланган шахслар учун эса асосий идеал (юксак орзу) ҳаётнинг маъноси реал, бирдан-бир дунёда чинакам инсоний муносабатлар, умумий фаровонлик ва адолатни қарор топтириш учун курашда бахтиёрликка, эл-юртнинг иззат-икромига сазовор бўлиб, ҳаётда ўзидан яхши ном қолдириб, авлодлар қалбида уларни давом эттириш ва ижтимоий абадийликка мушарраф бўлишдир.

Инсоннинг икки моҳиятида келиб чиқадиган ва доимо бир-бири билан ёнма-ён мавжуд бўлиб турадиган жисмоний (физиологик) ва руҳий ҳолатни асло эътибордан соқит қилиб бўлмайди. Шу туфайли инсонда поклик ёки нопоклик, саҳийлик ва очкўзлик, меҳр-шафқатлилиқ ёки тошбағирлик, инсофлилиқ ёки ноинсофлик, виждонлилиқ ёки виждонсизлик, эзгулик ёки ёвузлик каби маънавий-руҳий ҳолатлар намоён бўлади.

Муайян вазият тақозоси билан бу ҳолатлар бир-бирига ўтиб туради. Гўё одамда икки қиёфа ва икки қалб бир вақтнинг ўзида мавжуд бўлиб туради. Физиологик машқлар туфайли ҳайвоний хирсларга эрк бериб юборилса, одам инсонийлик сифатларидан қадам-бақадам маҳрум бўлиб бораётганини ўзи ҳам англамай қолади. Бу хирсларнинг ёвуз руҳи қарор топиб қолмаслиги учун одам онги, қалби доимо изчил равишда эзгулик ҳиссидан озик олиб туриши лозим. Аслини олганда, илмий қарашлар ўз олдига одам моҳиятидаги ёвузлик ҳисларини бартараф этиб, эзгулик ҳиссини қарор топтириш мақсадларини назарда тутди.

Бундай эзгулик ҳиссини қарор топтириш аксарият ҳолларда эътиқодни иймон билан боғлаш, яъни имонли кишиларда ана шундай фазилатлар мужассам бўлади дейилади.

Иймоннинг фалсафий мазмуни ҳақида тадқиқот олиб борган олим Иброҳим Каримов «Вера как духовное состояние»¹ (Иймон руҳий ҳолат сифатида) номли монографиясида илмий ва диний манбаларга суянган ҳолда иймон инсон (жамиятлашган индивид) – онгининг нодир ҳодисаси эканини исботлаган. Демак иймон нафақат диний, айти чўғда у фалсафий қадрият ҳам эканлигини тарихийлик ва мантиқийлик методи асосида далиллаган².

Аксарият ислом илоҳиётчилари иймон ҳақида фикр юртганда уни эътиқод қиладиган динга хос феномен сифатида тушунадилар. Таниқли илоҳиётчи олим Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф “Имон”³ номли китобида иймон инсониятнинг табиати билан боғлиқ нарса деб қарайди. У шундай деб ёзади: «Қуръон оятлари ҳам Аллоҳга иймон келтириш учун ақлий далилларга суянишга чақирган». Бу фикрнинг мазмуни муаллиф қуйидагича изоҳлайди: «Аслида инсон борлиқни яратувчиси ва бу яратувчи ягона эканлигига ишонадиган бўлиб туғилади». Муаллиф яна фикрни давом эттириб шундай деб ёзади: «Инсон оғир ҳолатга тушганда беихтиёр худодан ёрдам сўраб қолади. Мана шунинг ўзи ҳам инсоннинг асли табиатида диндорлик борлигига далилдир».

Ҳақиқатан ҳам шундай, аммо бу ерда фақат диний иймон ҳақида фикр юритилмоқда. Бу фикрга бошқа томондан ёндашадиган бўлсак иймон-эътиқод фалсафий категория эканлигини ҳам унитмаслик даркор.

¹ Қаранг: Каримов Иброҳим. Вера как духовное состояние. Т.: «Фан», 1991. – 150 с.

² Каримов Иброҳим. Вера как духовное состояние. Т.: «Фан», 1991. – 47 с.

³ Муҳаммад Содик Муҳаммад Юсуф. Имон: (Ислом, Қуръон, одоб-ахлоқ). – Т.: «Камалак», 1991. – 160 б.

Шу нуқтаи назардан, ҳар кишининг ўзига хос ва ўзига мос иймон-эътиқоди мавжудки, шунга асосланиб ҳаракат қилади.

Иймон, эътиқод, одоб-ахлоқ масалалари бўйича диний ва илмий қарашларнинг қай бирини танлаш, маъқуллаш, ҳар бир кишининг виждонига ҳавола бўлиб қолиши табиийдир.

Диний бағрикенгликнинг фалсафий таҳлили. Диний бағрикенглик (толерантлик) муаммоси ижтимоий ҳаётда муҳим ва мураккаб масала бўлиб, унинг замирида жамият аъзоларининг ҳуқуқи, демократия, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчалар ётади.

Диний бағрикенглик тушунчаси бу-сабр-тоқатлилик, чидамлилик, бардошлилик ҳамда инсон, жамият, дунё ҳақидаги қарашларнинг ўзаро мубоҳаси усулидир.

Исломий қадриятларнинг халқимиз ижтимоий-маънавий ҳаётда тутган бундай аҳамияти ҳақида Президентимиз И.А.Каримов шундай деб ёзади: «Шарқ фалсафасининг муҳим бир қисми бўлган ислом маданиятининг ўзбек халқи маънавияти тарихида тутган муҳим ўрни шундаки, у одамларни ахлоқий покликка, маънавий баркамолликка ундаган. Умуминсоний ва маънавий ахлоқий мезонларга таянган ҳолда кишиларни ҳамкорликка, тотувликка, адолатга, меҳр-мурувватга, саховатга, сабр-бардошликка чақирган.»¹

Маълумки, динларнинг келиб чиқиши бир бўлишига қарамай жаҳондаги халқлар турли динларга, ҳаттоки бир миллат вакиллари ҳар хил динларга эътиқод қилиши ҳам мумкин. Диний таълимотлардаги мавжуд эзгу фикрлар асосида турли динларга эътиқод қилувчи халқлар ўртасида бағрикенглик тамойили ҳукм суради. Чунки, диний таълимотлардаги Худога сиғиниш, кишилар ўртасидаги тотувлик, инсонпарварлик, меҳр-оқибатлилик, виждонийлик, ҳалоллик, покизалик, инсоф-диёнатлилик каби талаблари шахс, гуруҳ ва жамият аъзолари ҳаётида муҳим рол ўйнайди.

Бағрикенглик дунё ҳодисаларга муносабатларда, ўтмиш ва маънавий қадриятларни баҳолашдаги мезонларда, ҳаттоки турли динлараро муҳим масалаларнинг ечимини топишда ўз ифодасини топади.

Ислом манбаларида Қуръон, ҳадис, ижмо ва қиёс асосида ишлаб чиқилган қадриятлардаги диний бағрикенглик ғоялари асрлар давомида мусулмон халқлари, хусусан ўзбек халқи ижтимоий-маънавий ҳаётида муҳим ўрин эгаллаб келган. Зеро, ислом динининг ақидавий, ижтимоий-ҳуқуқий, ғоявий, маънавий-ахлоқий, кўрсатмалари мазмунида диний бағрикенглик тамойиллари алоҳида ифодасини топган:

биринчидан, Қуръонда инсоларнинг турли миллатларга ва динларга мансублиги бир-биридан фарқ қилишлари табиий эканлиги, аммо бу нарса улар ўртасидаги адоват, низо ва урушлар учун сабаб бўлаолмаслиги ҳақида

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. – Т.: Ўзбекистон, 1999 – 336.

кўпгина оятлар келтирилган. (қаранг: Юнус сураси 19, 193 оятлар, Шуаро сураси 8 оят; Хужрат сураси 13 оят, Нахл сураси 125 оят; Моида сураси 32 оят; Нисо сураси 75-76 оятлар). Масалан, Юнус сураси 99 оятда «Агар Раббингиз хоҳласа эди, Ер (юзи) даги барча кишилар ёппасига иъмон келтирган бўлур эдилар. Бас, Сиз одамларни мумин бўлишга мажбур қиласизми?!» Бу ва бошқа оятларда Ислом динида мажбурлаш йўқлиги ва бошқа ғайридин вакилларига нисбатан адоват қилиш йўқлиги каби диний бағрикенглик масалалари ўз аксини топган;

иккинчидан, ислом манбаларидан бири бўлган ҳадисларда ҳам бошқа диндаги кишиларга нисбатан адоват қилиш зулум ўтказиш, айниқса, одам ўлдириш у қандай миллатга ва динга мансуб бўлишидан қатъий назар ката гуноҳ ҳисобланиши ҳақида қатор ҳадислар келтирилади. Бундай гуноҳ оддий инсонийлик нуқтаи назаридан ўта ёвузлик, вахшийлик, ҳуқуқий жиҳатдан эса жиноят ҳисобланади. Демак, одам ўлдириш фақат бу дунёда одамлар томонидан кечириб бўлмайдиган жиноятгина эмас, балки охирада Аллох томонидан кечириб бўлмайдиган гуноҳдир. Ҳозирги диний экстремистарнинг бундай ёвузликларини талабаларга тушунтиришда ҳадислардан намуналар келтириш мақсадга мувофиқдир;

учинчидан, диний мурасасозлик ва бағриенгликнинг ҳуқуқий асослари ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, улар асрлар давомида халқимиз ҳаётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Жумладан, мусулмон қонунчилиги бўйича мусулмон давлатига тижорат ёки бошқа бирор сабаб билан кирган ғайридин давлатининг фуқароси худди шунингдек, мусулмон давлати фуқароси бошқа ғайридин мавжуд бўлган давлатларга борганда омонлик, яъни ҳимояга кафолат олиши шарт ҳисобланган. Бу ва шунга ўхшаш диний бағрикенглик билан боғлиқ ҳуқуқий қонунлар ал-Марғинонийнинг Хидоя асарида ишлаб чиқилган. Бу диний ҳуқуқий асослар асрлар давомида мусулмон ва ғайридин мамлакатлари ўртасида тинчлик-осоишталик ўрнатиш, ижтимоий-иқтисодий ва тижорат ишларини йўлга қўйишга хизмат қилган. Шу билан бирга турли динларга мансуб давлатлар, халқлар ўртасида ишонч, дўстона мунособатларни ва диний бағрикенглик ришталарини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш ишига ўз хиссасини қўшган.

ЮНЕСКО бағрикенглик муаммосига алоҳида эътибор бериб, 1995 йили Бирлашган Миллатлар Ташкилотида муҳокама қилиниб, 16 ноябрни эса, ҳар йили ЮНЕСКО аъзоларидан 185 давлат иштирокида Парижда Бағрикенглик Тамойиллари Декларацияси куни деб қабул қилинди. Бу тарихий ҳужжат жаҳон халқлари ҳаётида динлараро бағрикенгликни таъминлашда катта аҳамиятга эга бўлди.

Бугунги Ўзбекистонда 136 миллат, элатлар вакиллари истиқомат қилиб исломдан ташқари яна 15 та диний конфессиялар мавжуддир. Халқлар турли динларга эътиқод қилишидан қатъи назар, улар ўртасида дўстлик, ҳамкорлик, диний бағрикенглик ҳукм сурмоқда.

Турли динларга эътиқод қилувчи инсонлар ҳаётида муайян мақсадлар бўлиб, уларнинг айримлари ўзгариб туради. Фақат инсонда муайян мақсадни амалга ошириш учун ҳосил бўлган ишончга маслак дейилади. Демак, инсонларни маълум вазифаларни бажаришга сафарбар этадиган рухий бирлик маслак бўлиб, унда диний бағрикенглик мавжуд бўлмаса аниқ мақсадларни амалга ошириш йўлларини белгилаш қийин кечади.

Дин инсон зотига хос бўлган руҳият, маънавий ҳолатдир. Диннинг асосий моҳиятини белгиловчи ғоя илоҳий зот-Яратувчига ишониш ва унга сифинишдир. Турли диний эътиқодга эга бўлган кишилар руҳиятида диний бағрикенглик ғояси ҳукм сурса, у ҳолда диний эътиқод ўзига хос муайян ғоя сифатида умуминсоний табиатга эга бўлади.

Дин инсон маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Қуръон, ҳадислар ва шариат аҳкомларида шаклланган мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқлари деб тан олинган фикрлар орқали кишиларда иймон, виждон, эътиқод орқали дунёвий муаммоларни ҳал этишга чорланган. Бунинг учун ҳар бир мусулмон ўзи руҳан, виждонан пок, иймонли ва ҳалол бўлиши керак деган даъват ислом таълимотида катта ўрин эгаллайди.

Мустақиллик йилларида диний бағрикенглик тамойилларига зид ҳолда ҳалқимизнинг тинч ҳаётига раҳна солувчи сиёсий кучлар, диний ҳаракатлар ҳам кириб келди. Халқаро терроризм билан диний экстремизм ҳозирги кунга келиб жиддий муаммога айланди. Ана шундай шароитда ҳам Ўзбекистон ҳукумати диний бағрикенглик сиёсатини собит қадам билан амалга оширмоқда.

Мустақиллигимизнинг биринчи кунлариданоқ дин ва диний ташкилотлар ва динга эътиқод қилувчиларга нисбатан давлатнинг адолатли муносабатини ўзида ифода этган «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар туғрисида»ги Қонун қабул қилинди.

Умуман олганда эътиқод ва диний бағрикенгликни фалсафий таҳлил қилиш, мазмун-моҳиятини илмий асосланган аҳамияти шундаки, кишилар дунёқаранининг асосий компонентларидан бўлган бу тушунчаларга тўғри ёндошиш ҳамда тўғри йўналтириш шахс ва жамият тараққиётида муҳим ўрин тутади.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Эътиқод тушунчаси?
2. “Эътиқод” маъноси қандай компонентлардан иборат?
3. Иймоннинг қандай изоҳлари бор?
4. Эътиқоднинг фалсафий таърифи нима?
5. Диний эътиқод нима?
6. Диний бағрикенгликни қандай тушунасиз?

Таянч сўзлар:

Бағрикенглик, виждон эркинлиги, дин, динлар фалсафаси, дунёқараш, дўзах, индивидуал онг, ижтимоий онг, иймон, конфессия, эътиқод, ғоя.

2=Мавзу. Виждон эркинлиги ва ислом маънавиятига қизиқишнинг ортиши

Режа:

1. Ўзбекистонда виждон эркинлигининг конституцион таъминланиши
2. Ислом маънавиятининг дунёқарашлик мазмуни
3. Ҳозирги замон динларида бағрикенглик масаласи

Ўзбекистонда виждон эркинлигининг конституцион таъминланиши. Виждон эркинлиги кишиларнинг бирор динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқидир. Шунинг учун бу муаммо ижтимоий ҳаётда тарихан муҳим ва мураккаб масала бўлиб келган. Виждон эркинлиги ҳуқуқи шахснинг динга бўлган муносабатидан ташқари унинг демократик, адолатпарварлик ва инсонпарварлик каби катта ижтимоий, сиёсий, ҳуқуқий ва ахлоқий тушунчаларни ҳам қамраб олади.

Виждон эркинлиги шахснинг руҳий оламига, унинг соғлом ва баркамоллигига бевосита таъсир кўрсатади. Шунинг учун ҳам, бу масаланинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва бажарадиган вазифаси ғоят муҳимдир. Унинг мазмуни ва даражаси ҳар бир ижтимоий тузумда тутган ўрни билан белгиланган. Мамлакатимиз фуқароларининг виждон эркинлиги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 31-моддаси билан ифодаланган, яъни “Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади. Ҳар бир инсон хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга. Диний қарашларни мажбуран сингдиришга йўл қўйилмайди”.

БМТ Уставидан тортиб, барча халқаро ҳужжат ва шартномаларда мамлакатларнинг Конституцияси ва қонунларида виждон эркинлиги масаласи ўз ифодасини топган. 1948 йилда қабул қилинган инсон ҳуқуқлари умумий Декларацияга мувофиқ ҳар бир инсон фикрлаш, виждон ва диний эркинлиги ҳуқуқига эга. Бу ҳуқуқ ўз дини ёки эътиқодини ўзгартириш эркинлиги, ўз дини ёки эътиқодига ,ўзича, шунингдек бошқалар билан биргаликда амал қилиш кафолатини , ибодат қилишда ва диний маросимларларда яқка тартибда ва одамлар орасида бирга қатнашиш эркинлигини ўз ичига олади.

Яна бу Декларацияда турли дунёқараш, эътиқодда бўлган кишилар ўртасидаги, давлат билан дин, диний ташкилотлар билан давлат

ўртасидаги муносабатларнинг амалда ҳуқуқий таъминланишини ҳам назарда тутди.

Мамлакатимизда қарор топган сиёсий ва диний бағрикенглик, виждон эркинлиги динга ишонувчиларни мажбуран ўз эътиқодидан қайтариб, динни маъмурий тарзда таъқиқлаб қўйишнинг ҳар қандай амалий ва назарий кўринишларига чек қўйди. Шунингдек, у жамиятдаги барча конфессиялар, яъни динлар, черков ва диний бирлашмалар, турли динларга эътиқод қилувчи кишиларни тенг ҳуқуқли деб билади, бирон бир диний имтиёзини бошқа динлардан устун қилиб қўймайди. Шу билан бирга жамиятда шахс камолотида илмий дунёқараш қарор топишини виждон эркинлигининг амалда намоён бўлиш белгиларидан бири деб ҳисоблайди.

Мустақиллик йиллари ижтимоий–иқтисодий ва маънавий-маданий ҳаётда амалга оширилган улкан ислохотлар, ўзгаришлар, янгиланишлар қатори виждон эркинлиги, давлат ва дин, динга ишонувчилар ва ишонмайдиганлар ўртасидаги муносабатда ҳам давлатнинг адолатли сиёсати ўрнатилди. Диннинг мамлакатда сиёсий бағрикенгликни таъминлашдаги ўрни ва ролини ҳисобга олиб, яна бир бор виждон эркинлигига эътибор қаратиш лозим деб топилди.

1998 йил биринчи майда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг ўн биринчи сессиясида жамият ривожига дин билан боғлиқ муаммоларга аниқлик киритиш ва турли хавф-хатарларнинг олдини олиш учун виждон эркинлиги қонунининг янги таҳрири қабул қилинди. Унда 1991 йилда қабул қилинган Қонунга муайян вазиятдан келиб чиқиб, қисман ўзгартиришлар киритилди. Бу диний бағрикенгликни таъминлаш масаласини мустақамлади. Унда: биринчидан, «Вояга етмаган болаларни диний ташкилотларга жалб этиш, шунингдек уларнинг ота-оналарнинг ёки уларнинг боқувчи шахслар ихтиёрига зид тарзда динга ўқитишга йўл қўйилмайди» (3-модда, 2-қисм);

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида таълим тизими диндан ажратилган. Таълим тизимининг ўқув дастурига диний предметлар киритилишига йўл қўйилмайди (7 модда);

учинчидан, диний таълим махсус ўқув юртларида амалга оширилади; тўртинчидан, диндан сабоқ берувчилар, мураббийлар тегишли пухта билимга ва уни ўқитиш ҳақидаги махсус рухсатномага эга бўлишлари шарт;

бешинчидан, қонун хусусий тартибда диний таълим беришни ман этади (9 модда);

олтинчидан, диний ташкилот юридик шахс ҳуқуқига эга бўлиш учун Ўзбекистон Республикасининг 18 ёшга тўлган ва Республика ҳудудида доимий яшаётган 100 нафардан кам бўлмаган фуқаролар ташаббуси билангина тузилади;

еттинчидан, диний ташкилотлар Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ёки унинг жойлардаги органларда рўйхатдан ўтказилганидан сўнг юридик шахс мақомига эга бўлади, деган фикрлар ўз ифодасини топган.

Қонуннинг кейинги бобларида эса фуқароларнинг диний эътиқод, урф-одат ва маросимларда қатнашиш билан боғлиқ бўлган ҳуқуқлари кўрсатилган.

Мамлакатимизда дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг таъминланиши натижасида кўп миллатли диёримизда ҳеч қайси дин вакиллариининг диний нафсониятлари камситилмайди; диний ҳиссиётларни авж ҳам олдирмайди; дин фуқароларнинг шу жумладан, ёшларнинг ҳам маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Диний бағрикенгликда шахснинг эътиқоди алоҳида ўрин эгаллайди. Эътиқод ва бағрикенгликнинг ўзаро алоқадорлиги шахсни ўз қарашларига ва дунёқарашига мувофиқ тарзда амалий фаолият кўрсатишга кўмаклашади. Зеро, иймон-эътиқод ва диний бағрикенглик динлар фалсафасининг категория ва тушунчаларидан бўлиб, шахс ва жамият муносабатлари ҳамда тараққиёт босқичларида муҳим аҳамият касб этади.

Ислом маънавиятининг дунёқарашлик мазмуни. Ўзбекистон республикаси Президенти ислом Каримов “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида маънавиятнинг юксалиши билан узвий боғлиқ бўлган маҳим меъзон-муқаддас ислом динимиз ҳақида тўхталиб шундай деган эди: “барчамизга маълумки, дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотни юксак идеалларга, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу армонларни ўйда мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустаҳкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир”.¹

Ҳақиқатан ҳам дин маънавий маданиятнинг таркибий қисми сифатида асрлар давомида халқлар учун нафақат диний таълимот, эътиқод вазифасини ўтаган, балки турмуш тарзига айланиб, ўзининг муайян қадриятларини кишилар онги ва шуурига сингдириб келган ўзига хос дунёқараш ҳамдир.

Дин-эзгулик манбаи. У инсон, жамият, табиат ва бутун борликни яратган, инсоният учун бирдан бир тўғри, одил, ҳаёт йўлини кўрсатадиган илоҳий қудратга ишонишни бир бутун тизимга айлантирган таълимотдир. Бу таълимотнинг қадриятлари мазмунини, эзгулик ва покликка даъват этувчи кишилар дилига солади. Жумладан, ислом дини ва унинг қадриятлари инсон маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Қуръон ва шариат аҳкомларида шаклланган мусулмончиликнинг ҳақ-ҳуқуқлари деб тан олинган фикрлар орқали кишиларда иймон, виждон, муайян дунёқараш шаклланади. Бунинг учун ҳар бир мусулмон ўзи руҳан,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008.-36 б.

виждонан пок, иймонли ва ҳалол бўлиши керак деган даъват ислом таълимотида ва унга асосланган ислом маънавиятида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, инсон ва жамиятнинг покланишида диний эътиқод, исломий қадриятларнинг ўрни алоҳидадир.

“Биз, - дейди И.А Каримов-мусулмончиликнинг улуғ маданий қадриятлари ҳуқуқини қайта тикладик. Бинобарин, қалбимиз бу бебаҳо хазинани чуқурроқ идрок қила боргани сайин халқнинг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан поклароқ бўла боради.”¹

Ҳақиқатан ҳам ислом дини минг йиллар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаётининг асоси вазифасини ўтаб келди. Ўзбек халқи маънавий мероси ва муқаддас қадриятларининг жуда катта қисмини, яъни “бебаҳо хазинанинг” исломий маънавият ва маърифат, ислом манбалари: Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, тафсирилар, фикҳ, шариат аҳкомлари ва бошқа диний ва дунёвий китоблар ташкил этади.

Бу манбалар ислом дини маънавиятининг шаклланиши ва ривожланишида асос вазифасини ўтаб, халқлар турмуш тарзи, маънавий-ахлоқий ҳаётида муносиб ўринга эга бўлиб келган, ҳозир ҳам шундай. Бу қуйидагиларда намоён бўлмоқда:

-биринчидан, ислом дини минтақа халқлари маънавияти ва ахлоқий қадриятлари шаклланишида пойдевор вазифасини ўтаган. Жаҳонга машҳур мутафаккир, аллома олимларнинг шу пойдеворга таяниб, олий даражали, бой илмий маънавий меросни яратганлар. Бу мерос нафақат Шарқ халқлари маънавиятининг, балки бошқа ноисломий динларга мансуб давлатларининг маънавиятини ривожланишида ҳам ўзига хос ўрнига эга бўлмоқда.

Дин, хусусан ислом дини инсоният учун руҳий билим ва эътиқод бўлиши билан бир қаторда унинг дунёқарошига боғлиқ, фикрий мушоҳадасини мунтазам бойитиб борувчи муайян таълимот ҳамдир. Шу нуқтаи назардан қараганда инсон, жамият, табиат ва бутун борлиқни ўрганишда фан ютуқлари билан бирга диний таълимотдан ҳам фойдаланади. Яъни, фан ва дин бир-бирини тўлдириб, баъзи масалалар дин ёрдамида ҳал қилинади. Шу тариқа инсон онгида ҳам илмий ҳам диний қарашлар ўз ифодасини топиши мумкин;

иккинчидан, юртбошимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда маънавий ҳаёт икки-дуёвийлик ва динийлик асосида ривожланиши керак. Шу нуқтаи назардан кўпқиррали фаолиятларни ўз ичига олувчи мураккаб ижтимоий жараён бўлмиш халқимиз маънавиятининг шаклланиши ва ривожланиши фақат диний таълимотлар билан чегараланиб қолмасдан аксинча, дунёвий (фалсафий) билимлар уйғунлигида амалга ошади. Қуръони каримнинг бир неча сура ва оятларида ҳам одамларни илм олишга, илм билан шуғулланишга даъват

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3.-Тошкент: Ўзбекистон, 1996.-283 б.

этилган. Зеро, “бу икки зоҳирий ва ботиний билимларни эгаллашга ва уларни бир-бирига боғлай олгандагина, инсон чин ҳақиқатни англаб етади, бахтга, саодатга элтувчи йўлни билиб олади.”¹

Илмий билимларсиз халқлар маънавиятини шакллантириш иложсиз эканлигини тушунган машҳур аждодларимиз, мутафаккир-олимларимиз ислом маънавиятини янги билимлар билан бойитиб тарихий жараёндан одамлар имон, эътиқодини, дунёқарашини шакллантиришга ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшганлар. Шунинг учун миллий маънавиятимиз, исломий қадриятларимиз ахлоқ-одобни мазкур таъсирчан тарғибот воситаларидан кенг фойдаланиш миллий ғоя ва мафқурани шаклланишига, жамиятимиз аъзоларини замонимиз талаб қилаётган юксак маънавият руҳида тарбиялашга ёрдам беради;

учинчидан, ислом маънавиятида шахс эркинлиги эътиқод эркинлигига кенг имконият яратилган. Қуръони каримнинг Бақара сурасининг 256-оятида “Динда зўрлик йўқ”² деб ёзиб қўйилган. Дин ва унинг қадриятларини қабул қилиш ихтиёрий ҳисобланиб, мажбурлашга йўл қўйилмайди. Аммо илмий қарашлар билан бир қаторда дин ҳар бир онгли киши учун оламни ундаги воқеа ходисаларни идрок эта олувчи одамнинг табиий эҳтиёжидир. Шундай эҳтиёжга эга бўлган инсон учун дин одам маънавияти ва ахлоқини шакллантирувчи муҳим омилдир;

тўртинчидан, ислом маънавияти мазмун-моҳияти жиҳатидан шахс ва жамиятга нисбатан байналминаллик характериға эға. Унинг учун халқлар терисининг ранги, тили, ирқи, жамиятда, ҳаётда тутган мавқеи, миллатларнинг аҳамияти йўқ, барчаси ягона Аллоҳнинг бандаси ҳисобланади. Ислом фалсафаси ва қадриятларида байналминалликка оид фикрлар: миллатлараро, динлараро тотувлик, дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам кабилар ҳар бир мўмин-муслмон маънавиятининг таркибий қисми ҳисобланган. Ислом фалсафасида инсонларни бир-бириға бўлган муносабатларида меҳр-оқибатли бўлиш, шахс ва жамиятнинг ўзаро илиқ, ҳурматға сазовор муносабатларда бўлишиға чорлайдиган маънавий-ахлоқий фикрлар кенг ўрин олган. Улардан бирида шундай дейилади: “Бир-бирингизни орангизни бузманг, бир-бирингизни орқангиздан айб қидирманг, бир-бирингизни ёмон кўрманг, бир-бирингизға ҳасад қилманг”. Бундай миллий ахлоқий фазилатлар ва исломий қадриятлар асрлар давомида халқимиз қалбидан ўрин олиб, улар маънавиятини шалланишиға хизмат қилган. Бу фазилатларнинг айниқса, ҳозирги ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамияти қуриш жараёнида муҳим аҳамият касб этади;

бешинчидан, ислом маънавиятининг яна муҳим жиҳатларидан бири муслмон ахлида ижтимоий адолат руҳида тарбиялаш бўлган. Қуръонда адолат сўзи 57 марта тилға олинган. Бунинг сабаби исломдан олдинги

¹ О. Самандархон ўғли, М.Хусан ўғли. Маърифатға бағишланган умр.-Т.: Янги аср авлоди, 2002. -9 б.

² Қуръони карим. Таржима ва тафсир муаллифи. Абдулазиз Мансур. -Т.: Тошкент ислом университети, 2007. -42 б.

“жоҳилия” даврида одамларга ижтимоий ҳаётининг иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий соҳаларида жуда кўп адолатсизликлар ҳукм сурган. Шунинг учун ислом таълимоти ва маънавиятида уни тинчлик ва адолатни сеवучи, инсонларни ардоқловчи дин деб қаралиб, адолат дейилганда фақат меъёрий-ўлчов, тош-тарозу тушунилмайди, балки адолат ва адолат мезонлари орқали исломий меҳр-мурувватлик, кишилар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган қадрият деб қаралиб, бу тушунчага ижтимоий моҳият берилади.

Қуръони карим оятларида адолат ва яхшилик учун, ноҳақликка йўл қўймасликка, кучлилар заифларга адолатли муносабатда бўлишликка чорлайдиган фикрлар кўплаб келтирилган. Айни пайтда ҳеч бир адолатсизлик жавобсиз қолмаслиги уқтирилади. Қуръоннинг Иброҳим сураси 51-оятда “Албатта, Аллоҳ тез-тез ҳисоб-китоб қилувчидир”¹ – дейилган. Диний манбаларда қайд этилган адолат мезонларига амал қилиш халқлар маънавиятидан ўзига хос ўрин олган ва жамиятнинг ижтимоий ҳаётини ривожлантиришда аҳамияти бўлган.

Ўзбекистонда янги бунёд этилаётган фуқаролик жамиятида интеллектуал, салоҳиятли, билимдон, меҳр-мурувватли ёшларни тарбиялашда мустақиллик шароитида қабул қилинган қонунларга таяниб адолат ва унинг ислом маънавиятида шаклланган адолат тушунчалари ва талаблари муҳим аҳамиятга эга бўлади;

олтинчидан, исломнинг назарий асослари, қадриятлари ва руҳий билимлар Марказий осийда, шу жумладан Ўзбекистонда маданий-маърифий ишларни, айниқса бадиий адабиёт (проза, поэзия, фолклор), санъат турларини, илм-фан соҳасида-фалсафа, ислом фалсафаси, тарих, табиий фанларнинг ривожига катта хисса қўшди. Шунингдек, араб тили грамматикаси ва ёзувини, риторика, ҳусниҳат, китобларни муқовалаш ва безаш, хусусан тасвирий санъатни ривожланишига ўз таъсирини ўтказди. Айни замонда маънавий маданиятнинг моддий маданият билан уйғунлашуви, яъни кийиниш маданиятида янги дизайнерлик ҳаракатида масжид, мадраса исломий обидаларнинг қуришда, шахсий уйларни қуриш, безаш, жиҳозлаш ва бошқаларда ўз ифодасини топди. Булар ҳалқимиз маънавий ва моддий ҳаётдан муносиб ўрин олиб, ҳозиргача давом этиб келмоқда.

Хулоса шуки, “муқаддас динимиз маънавиятнинг таркибий “ маънавиятни шаклантиришдаги асосий мезонларидан бири сифатида ижтимоий тараққиётда, жамият тараққиётининг ички ва ташқи муносабатларида ўз ўрнига эга бўлган. Зеро, ислом маънавиятидаги

¹ Қуръони карим. Таржима ва тафсир муаллифи. Абдулазиз Мансур. –Т.: Тошкент ислом университети, 2007. -261 б.

мезонлар: инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллатлар ва динлараро тотувлик, етимпарварлик, халқпарварлик ҳамда меҳр-оқибат, мурувватлилик, ҳамжихатлилик, ахлоқ-одаб каби фазилатларнинг шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ҳозирги мустақил Ўзбекистонда бунёд этилаётган ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамиятини қуришда бошқа омиллар қатори муқаддас динимиз маънавияти ва исломий қадриятлардан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Ҳозирги замон динларида бағрикенглик масаласи. Тараққиётнинг глобаллашув жараёни кетаётган ҳозирги шароитда динларнинг, айниқса, жаҳон динларида, диний бағрикенглик масалаларини таҳлил қилиш ва омма онгига етказиш ижтимоий маънавий ҳаётнинг устувор йўналишларидан бирига айланмоқда. Зеро, халқлар, давлатлар ўртасидаги тинчлик, барқарорликни таъминлашда диний бағрикенглик жуда таъсирчан восита вазифасини ўташи мумкин.

Халқлар ва миллатлар тарихидан маълумки, диний қадриятлар билан миллий ва умуминсоний қадриятлар ёнма-ён яшаб келмоқда. Айни вақтда бу қадриятларни бир-биридан ажратиш ёки фарқлашга уриниш беҳуда эканлигини ҳаётий тажриба кўрсатди. Демак қайси миллат вакиллари қайси динга эътиқод қилишига қараб аксарият ҳолларда ўз миллий қадриятларини ўша дин билан боғлиқ ҳолда тасаввур қилади. Қайси давлат ва халқларда диний бағрикенглик масаласи яхши ривожланган бўлса, шунчалик турли динларга эътиқод қилувчи бир давлатда яшовчи халқлар, миллатлар ўртасида тотувлик ҳукм суради.

Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга қаратилган маънавий омиллар тобора биринчи ўринга чиқиб бораётган ҳозирги шароитда халқимизда хусусан ёшларни дин ва ундаги реал қадриятларга маънавий маданиятнинг бир қисми сифатида қараш шаклланмоқда. Бу жараён диний бағрикенглик асосида амалга оширилмоқда.

Президентимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, «Диннинг халқимиз маънавиятига, руҳиятига ўтказаетган ҳаётбахш таъсирини кўриб турибмиз. Диннинг тарбиявий аҳамияти янада кўпроқ бўлиши лозим. Ҳар бир инсон ўз эътиқодига ва динига амал қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқига эга». Бу тамойил Конституциямизда ўз ифодасини топган. Демак бу ерда диний бағрикенглик томойилига амал қилинган.

Ўзбекистон диний бағрикенгликни йўлга қўйишда ўзига хос бой тажриба орттирган мамалакатлардан бўлиб, асрлар мобойнида турли маданиятлар, миллий анъаналар ва диний эътиқодлар мулоқотга киришган табаррук замин бўлиб келган. Миллий ва диний бағрикенглик ўзбек маданияти ва менталитетининг ажралмас қисмига айланган.

Мустақиллик йиллари Ўзбекистон давлатининг динга нисбатан амалга оширилган адолатли сиёсати мамлакатимизда диний бағрикенглик тамойилларини янада мустаҳкамлади.

Ҳозирги замон глобаллашув ва ахборатлашув даврида дунёнинг диний манзараси ўзгариб бормоқда. Бу ўзгаришлар натижасида ҳар бир миллат ва жаҳон динлари ўзига хос фаолият кўрсатиш жараёнида жамият тараққиёти ва кишилар ҳаётида содир бўлаётган ижтимоий-иқтисодий, маънавий-ахлоқий хусусиятларни ҳисобга олишга ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирги вақтда жаҳонда қарийб 1,5 миллиард киши исломга эътиқод қилади. Шундан: Индонезияда-210 млн, Покистонда-150 млн, Бангладешда-110 млн, Нигерияда – 80 млн, Эрон ва Туркияда – 65 млн, Мисрда – 60 млн, марокаш ва жазоирда – 30 млн, Саудия Арабистонида 17 млн дан зиёд, Хиндистонда – 140 млн киши исломга эътиқод қилади. Булардан ташқари Кавказ, Россия, Индонезия, Хабашистон, Болгар, Марказий осиеда ислом динига эътиқод қилувчилар кўпчиликини ташкил этади.¹

2009 йил 1 январгача бўлган маълумотлар: - Исломий ташкилот, жумладан, 2037 та масжид, Тошкент ислом институти, 9 та билим юрти, 179 та ноисломий диний ташкилот-Православ, Протестант семинариялари фаолият кўрсатмоқда. Православияга 215 млн киши эътиқод қилади. Бугунги кунда 15 та антекафель (мустақил) ва 3 та автоном мақомга эга бўлган православ черковлари мавжуд.

2009 йил 1 январгача Ўзбекистон ҳудудида 1 та марказ, 1 та семинария, 3 моностир ва 32 та черков-жами 37 та православиёга мансуб диний ташкилот рўйхатга олинган бўлиб, улар эркин фаолият кўрсатмоқдалар.

Республикаимизда диний бағрикенгликни тарғиб қилиш ва мустаҳкамлаш йўлида кўпгина халқаро ва республика конференциялари мунтазам ўтказилиб келинмоқда. Жумладан, «Бир само остида» халқаро христиан-мусулмон конференцияси (1995); Марказий Осиёдаги ягона Евангеллютеранлар жамоасининг 100 йиллиги (1996); шунингдек, диний уламо ва олимларнинг юбилейлари: Баҳоуддин Нақшбанднинг 675-йиллиги (1993); Хожа Ахрор Валийнинг 590-йиллиги (1994); аз-Замахшарийнинг 920-йиллиги (1994); Нажмиддин Кубронинг 850-йиллиги (1995); Имом ал-Бухорийнинг 1225-йиллиги ва Аҳмад Фарғонийнинг 1200-йиллиги (1998); Имом ал-Мотуридий таваллудининг 1130 йиллиги ва Бурхониддин Марғиноний таваллудининг 910 йиллиги (2000) тантаналари ўтказиб келинмоқда. Ана шундай диний бағрикенглик йўлида ўтказилган ва оламшумул аҳамиятга эга бўлган тадбирлардан бири 2000 йилнинг

¹ Қаранг: А.Очилдиев, Ж.Нажмиддинов. миссионерлик: моҳият, мақсадлар, оқибатлар ва олдини олиш йўллари (юз саволга-юз жавоб).- “Тошкент ислом университети” нашриёти бирлашмаси. –Т.: -2009. –Б.17-18.

сентябр ойида Президентимизнинг ташаббуси ва ЮНЕСКО раҳномалигида Тошкент ва Самарқанд шаҳарларида «Дунё динлари тинчлик маданияти йўлида» мавзусида халқаро илмий конференция ўтказилиши бўлди. Унда 90 га яқин таниқли давлат ва дин арбоблари қатнашдилар.

Бу тадбирларнинг тарихий аҳамияти шундаки, биринчидан, халқимизда нафақат диний таълим ва унинг қадриятларига, нисбатан ҳурмат ҳисси, балки ижтимоий онгда диний бағрикенглик тасаввурлари шаклланади; иккинчидан, миллий ва диний қадриятларнинг узвий боғлиқлигини, уларнинг ижтимоий, маънавий ва ахлоқий ҳаётда тутган ўрнини чуқурроқ тушуниб етади; учинчидан, ҳар бир дин вакиллари бошқа динларнинг таълимоти, қадриятларни ҳурматлаб, миллатлар, диний конфессиялар орасида ўзаро ҳамкорлик, ҳурмат ҳиссиётлари шаклланади; тўртинчидан, диний бағрикенглик ғоясининг халқлар онгида шаклланиши мамлакат ичида ва ташқарисида тинчлик ва ҳамкорликни таъминлашга хизмат қилади.

Мамлакатимизда дин ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқининг таъминланиши натижасида кўп миллатли халқимизда ҳеч қайси дин вакиллари диний нафсониятлари камситилмайди; диний ҳиссиётларни авж ҳам олдирмайди; дин фуқароларнинг шу жумладан, ёшларнинг ҳам маънавий-ахлоқий фазилатларини шакллантиришга хизмат қилади.

Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК) таркибидаги муассасалардан бири – таълим, фан ва маданият масалалари бўйича ислом ташкилоти Айсеско (ISESCO) томонидан Тошкент шаҳри 2007-йилда «Ислом маданияти пойтахти» деб эълон қилинди. Азим шаҳримизнинг ана шундай юксак обрў-эътиборга сазовор бўлиши мамлакатимиз ҳаётидаги улкан маданий-маънавий воқеадир.

Президент Ислом Каримовнинг «Туркистон-пресс» нодавлат ахборот агентлиги муҳбирига берган интервьюсида ислом тарихи, маданияти-маънавияти юзасидан мамлакатимизда амалга оширилган ва мустақиллик йиллари таълим, фан ва исломий қадриятларни тиклаш ҳамда ривожлантириш соҳасидаги амалга оширилаётган ишларни қайд қилиш билан бир вақтда азим шаҳримизни «Ислом маданияти пойтахти» деб номланиши юзасидан иккита масалага эътибор қаратди: биринчидан, Тошкент «Ислом маданияти пойтахти» деган тушунча ўзида қандай маъно-мазмунни ифода этиши; иккинчидан, бундай юксак эътирофга сазовор бўлиш учун қандай мезон ва тамойиллар асосий сабаб бўлиши мумкинлиги ҳақида фикр юритиб, унга шундай жавоб берилган: хусусан мамлакатимизнинг ислом дини билан боғлиқ тарихи қайд этилди. Шунингдек, мазкур халқ ҳаётидаги мусулмон динига хос қоида ва арконлар, қадимий анъана ва қадриятлар, ушбу юртни асрлар давомида ислом цивилизацияси ва маданиятига қўшган ҳиссаси, бу ерда қандай юксак тафаккур соҳиблари, буюк уламолар яшаб ўтган ва улар қолдирган илмий-маънавий мерос инобатга олинishi муқаррар. Шу билан бирга,

номзод мамлакат томонидан, бугунги кунда ана шу ноёб ва мўътабар меросимизни қай тарзда сақлаб, асраб-авайлаб келаётгани уни ҳар томонлама ўрганиш, кенг омма, айниқса, ёшлар онгига сингдириш, жаҳон жамоатчилигига тарғиб ва тараннум этиш юзасидан қилинаётган ишларга алоҳида баҳо бериш табиий.¹

Дарҳақиқат, мустақиллик шарофати билан унитилаётган аждодларимиз меросини, ислом маданияти ва маънавиятини тиклашга ва бу ноёб меросни асраб авайлаш инсонлар қалбидан ўрин олишига эришдик. Жаҳон ҳамжамияти тан олган мустақиллигимиз туфайли асрлар оша давом этган дахшатли таназул ва мустабид тузулмадан холос бўлинди. Ислам маданияти ва маънавиятида ўзининг чуқур ифодасини топган инсонни иймонли, эътиқодли, виждонли, ҳалол, пок, меҳр-оқибатли қилиш шарафига сазовор бўлдик.

Ислам маданияти ва маънавиятини тиклаш ва уни ҳаётга жорий этишда мустақил Ўзбекистон давлатининг адолатли сиёсати муҳим рол ўйнади. Мустақиллигимизнинг биринчи кунларидан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида бу масала асосланиб, муҳим қарор ва фармонлар қабул қилинди. Агар 1980 йили собиқ СССР бўйича 17 киши хаж сафарига борган бўлса, мустақиллик йиллари бу масалага алоҳида эътибор берилди. Натижада 1990 йилда – 350, 1991 йилда – 500, 1992 йилда – 500, 1993 йилда – 1500, 1994 йилда – 3000, 1995 йилда – 3000, 1996 йилда – 3675, 1997 йилда – 3670, 1998 йилда – 3850, 1999 йилда – 3870, 2000 йилда – 3841 ва 2001-2009 йиллари ҳар йили 4000-5000дан зиёд киши бундай хаж сафарига ўташга мушарраф бўлмоқда.

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримов Ўзбекистон давлатининг бошқа мамлакатлар билан ҳамкорлик ва дўстлигини мустаҳкамлашга ҳамма вақт ғамхўрлик қилиб келмоқда. Маккаи мукаррамга сафар қилган кунларида Каъбани зиёрат қилиш шарафига муяссар бўлдилар. Бу ҳақда шундай фикрни айтганлар: «Маккага сафар қилган чоғимда, Каъба ичига киришдек шарафга муяссар бўлганимизда, мен халқимизнинг бугунги ва келажакини бер, дея Худога илтижо қилдим. Кўнглимда бир ишонч бор эдики, биз бу ерга бежиз келмадик, бежизга бизни бу қадар эҳтиромга лойиқ кўришмади. Бизга кўрсатилган барча ҳурмат ва иззат – Аллоҳнинг буюк инояти. Мен Каъбатулло иноятида улуғ бир рамз кўрдим. Ўзбекистоннинг келажак муқаррар тарзда порлоқ бўлишига имон келтирдим»².

Муборак хаж сафарига Ўзбекистондан бориб келган минглаб кишилар ўзлари билан бирга ислом маданияти ва маънавиятини олиб келдилар. бу неъматлар фақат уларнинг ўзлари учун эмас, балки барча

¹ Президент Ислам Каримовнинг «Туркистон пресс» нодавлат ахборот агентлиги мухбирига берган интервьюси. Ўзбек халқининг ислом маданияти ва ривожига қўшган беқиёс хиссасининг юксак эътирофи эди. // Ж. Фуқаролик жамияти. – Тошкент, 2007. - №1 (95) – Б. 4.

² Ислам зиёси ўзбегим симосида – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёти, 2001. – Б. 26.

халқимиз учун, айниқса, ёшлар онгига ислом қадриятлари ва маънавиятини сингдиришга хизмат қилади.

1992 йилнинг феврал-март ойларида Ўзбекистон Республикаси БМТ ва ЁХХТ каби нуфузли халқаро ташкилотларга аъзо бўлиб, халқаро ҳамжамиятга ўзининг халқаро ҳуқуқ бўйича тан олинган меъёрларга ва БМТнинг инсон ҳуқуқлари бўйича асосий ҳужжатлари, шунингдек инсон ҳуқуқларининг турли жабҳаларига тааллуқли бўлган 38 та халқаро шартнома ва битимларга қўшилганлигини тасдиқлади¹.

Мамлакатларо ижтимоий-иқтисодий, хусусан илмий-маданий, диний алоқаларнинг ўрнатилиши мамлакатимизда маънавий-ахлоқий фазилатларнинг, шу билан бирга исломий қадриятларнинг ривожланишига хизмат қилмоқда. Жаҳон ҳамжамиятида Ўзбекистонда диний-маданий соҳада амалга оширилаётган ишларга исломий қадриятлардан ижтимоий ҳаётда фойдаланиш тажрибасига кундан-кунга қизиқиш ортмоқда.

Республикаимиз пойтахти азим Тошкент шаҳрида ислом маданиятини кенг ёйиш ва исломий қадриятларни халқлар айниқса, ёшлар онгига сингдириш юзасидан катта ишлар амалга оширилмоқда. Шулардан бири пойтахтимиз Тошкентда жойлашган халқимиз маънавий меросининг узвий бир қисми бўлган Хазрати Имом (Ҳастимом) юртимиз ва мусулмон оламида катта обрў-эътибор қозонган табаррук маскан ҳисобланади. Чунки, мажмуада Каффол Шоший мақбараси, Барақхон ва Мўйи Муборак мадрасалари, Тилла шайх ва Намозгоҳ масканлари каби тарихий обидалар жойлашган бўлиб, халқимиз уларни асрлар давомида асраб-авайлаб келган ва исломий ибодатлар қилинадиган муқаддас маскан бўлган.

Республикаимиз Президентининг қарори билан 2007 йилнинг биринчи ярмида ушбу мажмуа янги лойиҳа асосида ҳозирги замон архетектурасининг энг яхши ютуқларидан фойдаланган ҳолда қайта қурилиб гўзал ибодат марказига айлантирилди. Ундаги тарихий обидалар сақланган ҳолда қайта таъмирланди. Бу фақат Ўзбекистон мусулмонлари учун эмас, балки бутун мусулмон олами учун катта тухфа бўлди.

Ислом маданиятини кенг ёйиш, унинг юксак маънавий-маданий тамойилларини ривожлантириш ва диний меросдан ўринли фойдаланишда диний кадрларни тайёрлаш масаласига давлатимиз алоҳида эътибор бериб келмоқда. Агар мустақилликкача ҳудудимизда диний кадрлар тайёрлаш бўйича битта ўрта махсус билим юрти ва битта олий ўқув юрти бўлган бўлса ҳозирги кунда ўнта Ислом ўрта махсус юртлари, Тошкент Ислом университети ва Имом Бухорий номидаги Олий диний институт (Маъҳад) ишлаб турибди. Жумладан, 1991 йил сентябрдан эътиборан Ўзбекистон мусулмонлар идораси тасарруфида «Кўкўлдеш» (Тошкент шаҳри), «Мулла Қирғиз» (Наманган шаҳри), «Фахриддин ар-Розий» (Урганч шаҳри), номли ўрта махсус билим юртлари ишлай бошлади. 1992 йилда «Жўйбори

¹ Қаранг: Ўзбекистон республикаси Олий Мажлис ахборотномаси. – Тошкент, 1998. - № 3 – 6 – Б. 54.

Калон» (Бухоро шахри), «Хўжа Бухорий» (Қашқадарё вилояти), «Сайид Муҳиддин Махмуд» (Андижон вилояти), «Муҳаммад ибн Аҳмад ал-Беруний» (Нукус шахри) ва Ислом ўрта махсус билим юртлари 1993 йилдан эса «Хадичаи Кубро» (Тошкент шахри) номли аёл-қизлар Ислом ўрта махсус билим юрти фаолият кўрсата бошлади.

Бундан ташқари диний билим олиш ва малака ошириш учун Ўзбекистон фуқаролари чет элга бориш, шунингдек чет эллик талабаларини бу ерда диний билим бериш учун ўқишга қабул қилиш имконияти очилди. Шу ўтган давр ичида мустақиллик даврида ташкил этилган Ислом билим юртларини минглаб талабалар битириб чиқиб, ҳозирги вақтда улар республикамиздаги 70-80 фоиз масжид-мадрасаларда фаолият кўрсатмоқдалар. Улар томонидан олиб борилаётган маънавий-маърифий ишлар ислом маънавиятини юксалишига диний бағрикенгликни қарор топишига ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Таянч сўзлар:

Айсеско (ISESCO), Декларация, дунёвийлик, динийлик, ислом конференцияси ташкилоти (ОИК), конфессия, намозгоҳ масканлари, хаж, Хазрати имом (Хастимом)

Такрорлаш учун саволлар:

1. Виждон эркинлиги тушунчаси нима?
2. Виждон ва эътиқод эркинлиги Конституциянинг қайси моддаларида ифодаланган?
3. Диний бағрикенгликни қандай тушунасиш?
4. “Юксак маънавият-енгилмас куч” китобида ислом маънавияти қандай изоҳланган?
5. Дин-эзгулик манбаи эканлигини изоҳланг.
6. Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуришда ислом маънавияти қандай ўринга эга?

3-мавзу. Динлар фалсафасининг асосий йўналишлари

Режа:

1. Динлар фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиши
2. Христианлик ва диншунслик
3. Ислом ва диншунослик
4. Илоҳиёт (теология) фалсафаси

Динлар фалсафаси ўзининг ўрганиш предметиға эга бўлган фан соҳасидир. У борлиққа илоҳиётчилик методологияси тамойиллари асосида изоҳ берувчи назариялар (концепциялар), тамойиллар ва тушунчалар мажмуидир. Унга турли фалсафий оқимларининг муайян тамойиллари асосида ендашувлар мавжуд. Жумладан, экзистенциализм, феноменология,

герменевтика, прагматизм, позитивизм, лингвистик фалсафа ва психоанализ ва ҳаказо.

Динлар фалсафаси индивидуал ва ижтимоий онгдаги алоҳида дунёқараш шакли бўлиб, у яратилиши, ривожланиши, инсониятнинг яшашидан мақсади ва келажаги ҳақидаги ғояларига фалсафий таҳлил беради. Динлар фалсафаси бир томондан дуневий фалсафий таълимотлар билан узвий боғлиқ бўлиш билан бирга диншунослик фани билан ҳам яқин алоқададир. Диншуносликни эса динлар фалсафасидан ташқари: социология, психология, феноменология, дин тарихи фанлари ривожисиз тасаввур қилиш мумкин эмас.

Динлар фалсафасининг социология билан боғлиқлиги шундаки, диннинг жамиятда тутган ўрни, функциялари, пайдо бўлиши ва ривожланишининг ижтимоий қонуниятлари ҳамда тузилишини (структурасини) дин социологияси ўрганеди.

Дин феноменолияси индивиддаги тасаввурлар, ғоялар, мақсадларни амалий ҳаётга татбиқ этилишини қиёслаб, динни классификация қилиб беради.

Дин тарихи ўтмишда мавжуд бўлган ва ҳозиргача давом этиб келаётган дунёдаги турли-туман динлар мавжудлиги ҳақида маълумотларни тўплаб уни сақлаб бизга етказиб беради.

Шундай қилиб, динлар фалсафаси диний хусусиятларининг ички чуқур моҳиятини очиб берса, социология, психология, феноменология, дин тарихи уларнинг муайян конкрет шароитда тутган ўрни, даражаси, таъсири ҳақидаги маълумотлар билан бойитади.

Динлар фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиши. Динлар фалсафасининг шаклланиши ва ривожланиши фалсафий таълимотнинг вужудга келиши билан боғлиқ бўлган. Инсоният тарихидаги энг қадимий илмлардан бўлган фалсафанинг дастлабки элементлари қадимги Бобил, Юнонистон ва Римда милоддан аввалги VI-III асрларда вужудга келган бўлса, цивилизациянинг кейинги босқичларида у муайян тизим сифатида динга ўз муносабатини билдиришга ҳаракат қилган. Фалсафанинг предмети объектив олам ва унинг яшаши, ривожланиши ҳамда тараққиёти, ҳаёт ва инсон умрининг моҳияти ҳақида баҳс юритса, диний таълимотлар ҳам ана шу масалаларнинг ечимини ўзига хос ҳолларда муйаян дунёқараш шаклда талқин қилади. Шунинг учун фалсафа тарихининг муҳим масалаларидан бири диннинг мазмун-моҳиятини, инсоннинг шахсий ва ижтимоий ҳаётидаги тутган ўрнини аниқлаш ҳамда таҳлил қилиш бўлган.

Манбаларнинг далолат беришича, динлар фалсафаси ўз предметига эга бўлган мустақил фан сифатида XVIII-XIX асрларда шаклланган¹. Бу

¹ Қаранг: БСЭ.-М.: 1977, Т. 27. -С. 413; Основы философии. Под редакцией М.А. Ахмедовой и В.С. Хана.-Т.: «Мехнат», 2004. -С. 411; Литман А.Д. Современная индийская философия.-М.: «Миле», 1985; фалсафа: комусий луғат (тузувчи ва масъул муҳаррир Қ.Назаров) – Т.: «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2004.-112 б.

жараённинг тараққиёти ва мазмунини бойитиш учун шу даврда яшаган йирик файласуфлар ҳамда илоҳиётчи олимлар ўз ҳиссаларини қўшганлар. Зеро, XX асрга келиб, динлар фалсафаси мустақил фан сифатида ривожланишда давом этиб, кўпгина янги фан йўналишларига йўл очди.

Динлар фалсафаси шундай билим соҳасики, унда фалсафий муаммолар билан бир вақтда диншуносликнинг биргаликда ривожланиши кузатилади. Яъни икки фан йўналишининг тўқнашиши намоён бўлади. Бунда зиддиятли ҳолат кузатилмайди, аксинча, бири иккинчисини тўлдириш билан динлар фалсафаси мазмунини бойитади.

Жаҳон динларининг (буддавийлик, христианлик, ислом) вужудга келиши ва уларни дунё халқларининг онги ва турмуш тарзидан ўрин олиши жамият тарихий тараққиётида диний ақида ва таълимотлар ҳақида муайян фалсафий мушоҳада қилишга чорлаган. Бу ҳолат фалсафий диншуносликнинг шаклланишига замин бўлиб хизмат қилган. Буни биз христианлик ва ислом динлари тарихи мисолида кўриб чиқамиз.

Христианлик ва диншунослик. Динни тадқиқ қилишга бўлган кизиқиш христианлик дини пайдо бўлишидан анча олдин бошланган. Дастлабки асрлардаёқ черков раҳнамолари қадимдан мавжуд бўлган мажусийлар (бутпарастлик) дин вакиллари билан мулоқотга киришиб, замондошлари эътиқод қиладиган диний тасаввурларнинг моҳиятини тушунишга ҳаракат қилганлар. Кейинчалик, айниқса, XVII асрдан бошлаб христиан миссионерлари бу дин таълимотига зид бўлган диний ибодат хусусиятларини кўрсатиб, уларга қарши курашганлар.

Айниқса, Европада кейинги 300 йилда диннинг илоҳий ваҳйлиги ҳақидаги кўпгина теологик (илоҳиёт) анъанавий қарашларини фалсафий жиҳатдан талқин қилишга киришилди. Бу ҳолат Европада ўрта асрларда, ҳаттоки ҳозир ҳам давом этмоқда. Бундай фалсафий қарашларнинг давом этиши ва кенг тарқалишининг сабаби христиан дини илоҳий ёзувларидаги асосий моҳиятни (Худо мавжудлиги ҳақидаги фикр) ўзгартишга, фалсификация қилишга йўл қўйилмаслигидир.

Ўрта асрлардаги христиан дини илоҳиётчилари ва файласуфлари диний муаммоларни тадқиқ қилишни фақат битта дин-христианлик Библия таълимоти асосида бўлишни талаб қилдилар. Бошқа динлар ҳақида фикр юритиш ман қилинди, ҳаттоки ўрта асрларда шу талабни бажармаган кишиларни динсизликда айблаб, жиддий чоралар кўрилди.

Маърифатпарварлик даврига келиб, христианликни католик йўналиши Европа файласуфлари тамонидан танқид қилиниши бундай вазиятни ўзгартириб юборди. Бу даврда Англия, Франция ва бошқа Европа давлатларидан «табиий диннинг» инсон табиатидан постулат (фараз)ларини топишга кизиқиш фаоллашган эди. Бунинг учун файласуфлар бошқа динларга ҳам мурожаат қилишга мажбур бўлдилар. Натижада конфуцийчилик, даосизм, буддавийлик, ислом ва бошқа динлар

ҳақида билимлар тўпланди. Бу тадқиқотлар диншунослик фанининг шаклланиши ва ривожланишига ҳисса бўлиб қўшилди.

Христианлик таълимотидаги илоҳий ваҳйликнинг ҳаққонийлиги ва ўзгармаслиги моҳиятидан келиб чиққан христиан илоҳиётчилари ва файласуфларининг ўша даврдаги вазифаси Библия матнлари доирасидан четга чиқмасликдан иборат эди. Ҳозирги замон католик файласуфи Б. Лонерган эски догматик илоҳиёт (теология) тарихни тушунмаган¹, деб ёзган эди.

XVIII асрнинг иккинчи ярми ва XIX асрнинг биринчи ярмида бир қанча немис файласуфлари: Гердер, Шлегель, И.Кант, Гегель, Шлейермахер ва бошқалар тамонидан умумтарих ривожланиши концепцияси ишлаб чиқилди. Улар ёқлаб чиққан назариялари бўйича, динни ўрганишга тарихий ривожланиш нуқтаи назаридан қараб, уни жамият тараққиётидан ажралган ҳолда тадқиқ қилиш мумкин эмаслигини илмий асосладилар. Бу ҳолат кейинчалик диншунослик фанини ўрганишнинг асосий тамойилларидан бирига айланди.

Германияда XIX асрдан бошлаб диншуносликка қизиқиш илмий тус ола бошлайди ва бу борада немис олимлари бу фан соҳасини бошқариш (етакчилик) обрўсига эга бўлганлар. Файласуфлар тарихни илмий таҳлил қилиш мумкинми деган саволни ўз олдиларига қўйдилар ва бунга ижобий жавоб топилгандан сўнг улар дин тарихига эътиборни қаратдилар.

Шундай қилиб, XVIII аср ва XIX асрнинг биринчи ярмида тадқиқотчилар тамонидан тўпланган назарий маълумотлар гуманитар фанлар соҳасида янги фан-«диншунослик»² нинг шаклланишига олиб келди. XIX асрнинг иккинчи ярмида диншунослик фани фалсафа, антропология, этнография, археология, тилшунослик, қиёсий мифология ва фольклор каби фанлар билан тўқнашган ҳолда жаҳондаги динларни тадқиқ қилишга киришди.

Дин ҳақидаги янги фанни вужудга келтириш ҳаракати Европа клерикаллари (дин ҳимоячилари) тамонидан салбий қабул қилиниб, унга қарши танқидий фикрлар айтилди. Улар ўз эътирозларини ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилдилар. Уларнинг фикрича, динни рационал (ақлий) услубда ўрганиш мумкин эмас экан, чунки дин ўз мазмуни билан иррационал (ақлдан юқори) элементларга эга. Амалий жиҳатдан динни ўрганиш эса, яъни турли динларнинг қиёсий таҳлили диний қадриятларнинг ахамиятининг пасайишига олиб келади.

Бундай эътирозларнинг мавжудлигига қарамасдан Европа жамоатчилигида диншуносликка бўлган қизиқиш сўнмади. XIX асрнинг 70-йилларидан бошлаб динлар фалсафаси ва тарихи фанидан Англия,

¹ Қаранг: А. Second Collection-Papers by Bernard Sonergan-Philadelphia. 1975. P. 59.

² Тимохук А.С. пишет, что в англязычной литературе эта отрасль знания стала называться «The Sciene of Religion», во франкоязычной-«sa Sciene de Religion», в немецкоязычной- «Religionswissenschaft». См.: Тимохук А.С. sast update: 12 07 2005. 10: 06: 48.

Голландия, Германия, Франция, Италия ва бошқа мамлакатларнинг йирик университетларида маърузалар ўқиладиган бўлди.

Диншунослик фанининг фалсафаси шундаки, у диннинг пайдо бўлиши ва ривожланиш тарихини, унинг таълимоти, вужудга келиши ва шаклланишини ўрганишда фалсафий таълимотга суянади. Зеро, бу фан жамият тараққиёти жараёнида дин билан боғлиқ бўлган барча ижтимоий ҳодисаларни-мафкура ва ақидалар, урф-одат ва маросимлар, масжид ва диний ташкилотларнинг талаб ва тартибларини фалсафий таҳлил қилишни кўзда тутди.

Диншунослик, айниқса, динлар фалсафаси хурфикрлилик ғоялари билан ҳам узвий боғлиқликда ривожланган. Дастлабки хурфикрлилик ғоялари Марказий Осиёда – деизм, пантеизм, мўътазиллар, бу ўлкада яшаган, ижод қилган улуғ мутафаккирлар Форобий, Беруний, Ибн Сино, Умар Хайёмнинг ижтимоий-фалсафий қарашларида, Ибн Рушднинг «Икки ҳақиқат» таълимотида олға сурилган эди. XVII асрда Бобурнинг набираси Шоҳ Акбар, сўнгра XVIII асрда француз файласуфларининг динга, диний ташкилотларга муносабати XIX асрда илмий диншунослик хусусида янги оқим, йўналиш ва назариялар юзага келишига катта туртки бўлган. Бинобарин, XIX асрда мифологик мактаб (ака-ука Я ва В.Гримм, М.Мюллер); антропологик мактаб ва бошқа йўналишлар пайдо бўлган. XX асрда диншунослик янада янги назариялар билан бойиган. Бунда швейцариялик психолог К.Юнг ва айниқса, француз социологи Э.Дюркгеймнинг «коллектив онг» ҳақидаги таълимоти диққатга сазовордир.

Олимларнинг бу соҳадаги изланишлари натижасида XIX асрнинг охири XX асрнинг бошларида диншуносликда қатор нисбатан мустақил фан тармоқлари: динлар фалсафаси, дин тарихи, дин психологияси ва дин социологияси вужудга келди. Улар диннинг ўзига хос томонларини тадқиқ қилиш билан шуғулланлар. Бу фанлар тўплаган назарий ва амалий маълумотлар диншунослик ва динлар фалсафаси учун ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Ислом ва диншунослик. Маълумки, ислом VII асрнинг биринчи ярмида Арабистон ярим оролида пайдо бўлган жаҳон динларидан биридир. Янги динни ўз ватанида тарғиб, ташвиқ қилиш ва қарор топтириш билан бирга уни бошқа мамлакатларга ҳам ёйиш мақсад қилиб олинди. Шунинг учун VII-VIII асрларда ислом таълимоти ва маданиятини Арабистондан ташқари кўшни мамлакатларга тарқатиш, турмуш тарзига сингдириш бўйича катта ғоявий ва амалий ишлар қилиниб, натижада араб халифалиги таркибига кирган ҳудуд халқларида ислом мафкураси ҳукмрон диний мафкура ва дунёқарашга айланади.

Ушбу ҳолатнинг вужудга келиши жараёнида муайян қийинчиликлар ва қаршилиқларга ҳам дуч келинди. Чунки мазкур мамлакатларда исломдан бошқа динларнинг нафақат диний таълимотлари, балки диний-

фалсафий қарашлари мавжудлиги бу янги динга бўлган муносабатларни такомиллаштиришни кенгроқ фикр юритишни талаб қилди. Яъни, ислом таълимотини диний-фалсафий мушоҳада қилиш зарурияти туғила бошлади.

Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, араб - мусулмон ўрта аср фалсафасининг асосий мазмунини Шарқ перепатетиклар¹ кураши ташкил этган. Исломдаги фалсафий фикрларнинг шаклланиши муътазилийлар ва мутакаллимлар (калом фалсафаси) қарашлари билан боғлиқ бўлиб, у VIII асрнинг иккинчи ярмидан бошланган. Муътазилийлар ҳаракати Ўрта Осиёда ҳам кенг ёйилиб, илм-фан, фалсафий фикрлар ривожига олиб келди, оқибатда илмий марказлар вужудга келди. Муътазилийлар таъсирида вужудийўн диний фалсафий оқимлари шаклланди. Бу оқим вакиллари-Ал Киндий, Ибн Рушд, Ал-Маррий, Форобий, Ибн Сино, Умар Хайём ва бошқалар мавжудотни иккига-вужуди мумкин ва вужуди вожибга бўлганлар. Вужуди вожиб сабаб-оқибат алоқаларига эга бўлиб, унинг мавжудлиги бошқа нарсадан эмас, балки ўз моҳиятидан келиб чиқади.

Муътазилийликнинг қарашлари ва вужидийўн диний-фалсафий оқим ғоялари қўшҳақиқат тўғрисидаги катта назарий қоида шаклланишига сабаб бўлди. Бунга кўра, илоҳий ва дунёвий (илмий) ҳақиқатлар бор бўлиб, илоҳий ҳақиқатга фақат алоҳида одамлар-пайғамбарлар, азиз-авлиёлар етишиши мумкин. Дунёвий ҳақиқат эса ақл ёрдамида, илм-фан йўли билан уни қолган одамлар англаб оладилар.

Бундай фалсафий фикрлар, хусусан диний-фалсафий оқимларнинг шаклланиши ва ривожланиши диншунослик фани шаклланишидан бир неча асрлар олдин пайдо бўлганлигини кўрсатади. Бу ҳолат диний-фалсафий қарашларнинг ислом таълимоти тарихида дастлабки даврлардан бошлаб вужудга келганлигини ва бу жараён кейинчалик ҳам давом этганлигини кўрсатади. Муътазилийларнинг вужудийўн диний-фалсафий ғоялари, қадимги Юнон файласуфлари (Аристотель) қарашларидан озик олиб ривожланган Шарқ фалсафаси таъсирида исломда алоҳида оқим-тасаввуф вужудга келди.

Тасаввуф мураккаб диний-фалсафий оқим бўлиб, хилма-хил шакл ва йўналишларга эга. Унда иккита асосий-ғоявий йўналиш кўзга ташланади: биринчиси, бу дунё ўткинчи дунё бўлиб, мол-мулк, мансабга ихлос қўйиш Аллоҳни унитишга олиб келади; иккинчиси, бу дунё Аллоҳ-таоло томонидан яратилган, одамлар эса, шу дунёдаги эзгу ишлари билан у дунёда Аллоҳ висолига мушарраф бўла олиши уқтирилади.

XIX асрнинг 2-ярмидан бошлаб, Европа, Америка ва Россияда ислом, унинг тарихи ва манбаларини ўрганишга эътибор қаратилди. Айниқса, собиқ шўролар тузуми даврида Ўзбекистон, Қозоғистон, Тожикистон,

¹ Перепатетиклар (юнунча. Сўз бўлиб, луғавий маъноси “ сабр қилувчилар “ ни англатса ҳам , моҳият Аристотел изидан борувчи файласуфларни англатади.

Шимолий Кавказда ислом таълимоти, муқаддас ёзувларни ўрганиш ва таҳлил, тадқиқ қилишда кенг кўламда илмий изланишлар амалга оширилган.

Европалик олимлар эса исломшунослик фанини ўрганиш, ислом тарихи ва манбаларининг тадқиқоти йўлида кўп хизмат қилганлар. Бу борада рус шарқшунослигида ҳам баракали ишлар олиб борилган. В.Р.Розен асос солган машҳур «Рус академик шарқшунослиги»нинг вакиллари Н.А.Медников, Л.Э.Шмидт, А.Е.Кримский, В.В.Бартольд, И.Ю.Крачковский, Е.Э.Бертельс, А.А.Семенов ва бошқалар исломшунослик соҳасида қимматли асарлар яратганлар.

Исломнинг пайдо бўлиши ва унинг таълимотини илмий нуқтаи назардан ўрганиш, умуман исломшунослик масаласи XX асрнинг 30-йилларга келиб собиқ совет тузумида жиддий равишда ўртага қўйилди. Ўзбекистон олимлари эса ислом тарихи ва исломшунослик бўйича 50-60-йиллардан бошлаб илмий-тадқиқот ишларини олиб бордилар. Академик И.Мўминов раҳбарлигида тадқиқотчи олимлардан А.Ортиқов, М.Усмонов, С.Азимов, О.Сухарева ва бошқалар илмий ишлар олиб бордилар. 70-80-йилларга келганда ислом ва унинг таълимоти, исломшунослик соҳасида академик М.Хайруллаев, Н.Ибрагимов, олимлардан Ж.Бозорбоев, И.Жабборов, Иброҳим Каримов, А.Очилдиев, Т.Тошлонов, И.Хўжамуродов, И.Худойбердиев, О.Бозоров, А.Абдусамедов ва бошқалар динлар тарихи таълимоти ва диншунослик фанига муносиб ҳиссаларини кўшдилар.

Мустақиллик шарофати билан ислом, унинг таълимотини ўрганиш, исломшунослик ва диншунослик соҳасида илмий тадқиқот ишларини амалга ошириш учун кенг имкониятлар яратилди. Шу давр ичида Қуръони каримнинг ўзбек тилига иккита таржимаси тақдим қилинди ва кўплаб янги-янги асарлар, тўпламлар, мақолалар чоп этилмоқда.

Шундай қилиб, ислом таълимоти тарихида амалга оширилган назарий ва амалий ишлар Мовароуннаҳр, Хуросон ва Эронда, умуман Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ халқлари диний-фалсафий тафаккурида биринчидан, илмий-фалсафий, маданий аҳамиятга эга бўлди; иккинчидан, улар қолдирган илмий-маданий мерос диншунослик ва динлар фалсафаси фанларининг шаклланишига замин бўлиб хизмат қилди.

Илоҳиёт (теология) фалсафаси. Худо билан инсоннинг ўзаро алоқаси ҳақидаги тасаввурлар илоҳиёт фалсафасининг асосини ташкил этади. Илоҳиётчилар ўз қарашларида Худо, унинг сифатлари, белгилари ва хусусиятлари тўғрисидаги диний таълимотларни асослаб, уларни ҳимоя қилиш системасини яратиш билан шуғулланадилар. Илоҳиёт фалсафаси муқаддас ёзувлар ва ривоятларнинг илоҳий жамлигини, черковнинг илоҳий моҳиятга эгаллигини исботлашни ҳамда ибодатни бажариш билан боғлиқ бир қатор билимлар йиғиндисини ўз ичига олади.

Христианлик расмий илоҳиётининг асосий фалсафий манбаи Платон, Аристотель ва неоплатонизм таълимотларига бориб тақалади. Аммо бу қарашлар кейинги давр илоҳиётчи-файласуфлар томонидан бирмунча ривожлантирилди. Христианлик йўналишлари: православия, протестантизм ва католицизмларнинг ҳар бирининг ўзига хос илоҳиёт фалсафаси мавжуд. Уларнинг фалсафий таълимотларида муайян фарқлар бўлиши билан бирга умумийлик борлиги ҳам кузатилади.

Ислом динида илоҳиёт фалсафасининг шаклланиши даврига қадар хилма-хил илоҳиёт оқимлари вужудга келган. Масалан, жабборийлар, қадарийлар, муътазилийлар, мусжибийлар ва бошқалар вужудга келиб, уларнинг ҳар бири илоҳиёт масалаларини ўзига хос талқин қилган. Ортодоксал илоҳиёт оқими калом (кейинчалик ислом фалсафаси) деб ном олган. Бундан ташқари исломдаги барча йўналишлар ва мазҳабларда ҳам илоҳиётчилик таълимотлари мавжуд.

Ислом дунёсида фалсафий, шу жумладан илоҳиёт фалсафасининг вужудга келиши VIII-асрнинг иккинчи ярмида муътазилийлар ва мутакаллимлар фаолияти билан боғлиқдир. Муътазилийлар ғояларига эътирозли фикрларни ашъарийлар (уларни мутакаллимлар ҳам дейилади) илгари сурадилар. Абу Мансур Мотуридий (870-944) Абул-Ҳасан ал-Ашъарийлар (873,874-935, 936) калом илмининг тараққиётига улкан ҳисса қўшганлар. Бу оқимнинг йирик вакиллари: ал-Бақиллоний (1027 й.в.), Ибн Фурак (1015 й.в.), Абу Исҳақ ал-Исфараъиний (1085 й.в.), аш-Шахрстоний (1135) ва Фахриддин ар-Розийдир.

Бу оқим тарафдорлари табиатда сабаб ва оқибат категорияси мавжудлигини тан олмайдилар. Борлиқдаги барча нарса ва мавжудотларнинг яратилиши ва ривожланишини Худо ижоди ва каромати билан боғлайдилар. Ашъарийлар ақлни диний анъаначиликдан (нақлдан) устун қўяди ва мусулмонларнинг ҳаётини бошқарувчиси шариат деб ҳисоблайдилар¹.

Илоҳиёт билан шуғулланиш ва уни ривожлантириш. илоҳиётчи-олимлар томонидан ўрта асрлардан бошлаб ҳозиргача давом этмоқда. Бу ҳолат фақат ислом динидагини эмас, балки дунёдаги барча миллий ва жаҳон динларида мавжуд. Ҳатто қадимги Юнонистонда дин фалсафаси билан шуғулланилгани манбалардан маълум. Масалан, қадимги Юнонистонда мил. ав. VI-V-асрларда фалсафа дин билан жуда боғлиқ бўлиб, Худо ҳақидаги халқнинг оддий тасаввурларини танқид қилиш орқали файласуфлар унинг олий-илоҳий ҳолатини тиклашга интиланлар. Фалес, Гераклит Ефесский, Анаксимандр дин фалсафаси билан ҳам шуғулланган бўлсалар Пифагор диний реформатор ҳисобланган.

Жаҳон динларидан бири бўлган христианлик ва унинг уч йўналиши: католицизм, православия ва протестантизм илоҳиётчилари динни

¹ Қаранг: Хусниддинов Зухриддин. Ислом йўналишлари, мазҳаблар, оқимлар.-Т.: «Мовароуннаҳр», 2000.-21-б.

тушунтиришда бир-бирларига яқин фикрда бўлганлар. Яъни уларнинг фикрича, дин Худо билан инсоннинг ўзаро алоқаси натижасидир.

Христианлик йўналишларининг илоҳиёт фалсафасида янги фан диншуносликнинг шаклланиши даврига келиб, дин моҳиятини талқин қилишга икки хил ёндашув вужудга келди: биринчиси, супрнатурализм нуқтаи назаридан қараш; иккинчиси, илоҳиётдаги тарихий мактаб мавқеидан қарашдир. Супрнатурализм нуқтаи-назаридан христианлик илоҳиёт фалсафасида диннинг моҳиятини билишда унга асосланган «ғайритабиий» кучлар мавжуд бўлиб, у билан муносабатда бўлиш имконияти бор, деб қаралади.

Супрнатурализм ёндашуви христианликдаги «ғайритабиий ваҳйликка» асосланган бўлиб, унга етишиш фақат ваҳйлик орқали бўлиши мумкин. Илоҳиёт фалсафасидаги бундай ёндашув диннинг тарихий ривожланиш ҳолатидан ажралиб қолишига олиб келади. Шунинг учун бу борадаги иккинчи ёндашув вакиллари, яъни илоҳиёт фалсафасидаги тарихий ёндашув мактаби тарафдорлари супрнатурализмни чуқур таҳлил қилиб, унга нисбатан ўз қарашларини намоён қиладилар. Протестантлик йўналиши илоҳиётчиси, социолог ва тарихчи Э. Трёлъч (1865-1923) диннинг тарихий жиҳатдан таҳлил қилиб, шундай хулосага келдики, дин бир вақтда Худога муносабати жиҳатидан субъектив, тарихий воқеаликка нисбатан объектив ҳолатда бўлади.

Кейинчалик протестантлик илоҳиётчи ва файласуфи Р. Отто (1869-1937), православ руҳонийси ва файласуфи П.А. Флоренский (1882-1937), католицизм илоҳиётчиси ва социологи америкалик П.Л. Бергер (1929 йил туғ.), немис олими Т. Лукман (1927 йил туғ.), немис файласуфи ва социологи М. Вебер (1864-1910), француз социологи ва файласуфи Э. Дюркгейм (1858-1917) ва бошқалар диннинг моҳиятини (христианлик йўналишлари) ва инсоннинг динга муносабатлари масалаларини чуқур ва ҳар томонлама таҳлил қилиб, улардан фарқли равишда дин фалсафаси борасида муҳим назарий хулосалар чиқаришга муваффақ бўлдилар. Бу жараёндан илоҳиёт фалсафаси ҳам четда қолмади. Масалан, П.А. Флоренский динни қуйидагича таърифлайди: «динда агар антологик жиҳатдан бизнинг ҳаётимиз Худода ва Худо бизда бўлса, феномонологик жиҳатдан руҳимизни тинчлантирувчи ҳаракатлар ва кечинмалар тизимидир»¹.

Илоҳиётчи файласуфлар билан сациолог файласуфлар (М. Вебер, Э. Дюркгейм ва б.)нинг динга берган таърифларини фарқлаш лозим. Зеро, илоҳиётчи – файласуф олимлар бу масалага илоҳиёт нуқтаи назаридан ёндашсалар, социолог олимлар эса динни социологик соҳа деб баҳолаб, уни индивид, гуруҳ ва жамиятга таъсири жиҳатдан таҳлил қилиб, конструктив фикрларни шакллантиришга ҳаракат қиладилар.

¹ Қаранг: Флоренский П.А. Столп и утверждение истины.-М.: 1990, Т. 1 (II).-С. 818.

Илоҳиёт фалсафаси вакиллари дастлабки шаклланган даврдан бошлаб токи ҳозиргача дин ва унинг таълимоти ҳақида фалсафа, дин фалсафаси, диншунослик, социология, психология ва бошқа фанларнинг тадқиқот натижалари билан қизиқиб уларга муносабат билдирганлар ҳамда ўз қарашларининг ҳимоя қилганлар. Илоҳиёт фалсафаси бўйича олиб борилаётган тадқиқот натижаларидан диний ташкилотлар раҳбарлари, руҳонийлар, диний ходимларнинг фаолиятида, ҳар бир дин йўналиши мавқеини мустаҳкамлаш ва диний тажрибани индивид, гуруҳ, община ҳамда жамоаларда диний онг ва тасаввурларни шакллантиришда фойдаланилади.

Динлар фалсафаси деярлик барча динларда хусусан жаҳон динлари (буддавийлик, христианлик ва ислом)да мавжуддир. Динлар фалсафаси муаммоларни ечимини топишга онтологик, гносеологик, космологик, ижтимоий ва бошқа жиҳатлардан ёндошилади.

Таянч сўзлар:

Антропология, ваҳйлик, вужудиййўн, герменевтика, жабборийлар, лингвистика, клерикализм, мўътазилыйлар, миссионерлар, прогматизм, пазитивизм, феноменология, экзистенциализм, қадарийлар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Динлар фалсафасини шаклланиши ва ривожланиши босқичларини сўзлаб беринг?
2. Христианлик фалсафасининг диншунослик фанининг ривожига таъсири қандай бўлди?
3. Ислом фалсафаси диншунослик фанига қандай таъсир кўрсатди?
4. Илоҳиёт фалсафасининг асосий ғоялари нимада?

4=мавзу. Қадимги миллий динлар фалсафаси

Режа:

1. Қадимги дунё динларидаги диний-фалсафий қарашлар
2. Зардуштийлик ва Ўрта Осиё халқларининг дастлабки диний-фалсафий ғоялари
3. “Авесто”даги диний-фалсафий ғоялар

Қадимги дунё динларидаги диний-фалсафий қарашлар. Қадимги дунё динларининг ўрганишдаги мураккаблик шундаки, улар вужудга келган ва унга муайян халқлар эътиқод қилган даврдан бир неча минг йиллар ўтганки, баъзи бирлари ўз функциясини йўқотиб дин сифатидаги фаолиятини умуман тугатган, баъзилари эса бошқа қадимий динларга, шу жумладан миллий динларга қўшилиб (ассимиляция) кетган. Шу билан бирга ўша даврдаги муайян қадимий динларга эътиқод қилган халқлар,

элатлар ижтимоий тараққиёт жараёнида аввалги диний эътиқодларини кейинги даврларда вужудга келган бошқа диний қарашлар билан тўлдирган бўлишлари мумкин. Шу боисдан қадимги динларни тадқиқ қилиш кўп ҳолларда гипотезага асосланган бўлиб, унда муайян камчиликлари бўлиши табиийдир.

Қадимги дунё динларининг ўзига хос хусусиятларидан бири диний маросимчилиги, байрамлари яқин бўлган иккита диний таълимотнинг бирлашишида намоён бўлади. Бунда мистерия вақтида яширин билимлар мазмуни очилади. Ушбу маросим мазмунига тегишли кишиларгина қатнашиб нарса ва ҳодисаларнинг табиати, инсоннинг руҳи ҳақида шунингдек, моддий олам табиат хусусида билимлар олганлар. Яна фан ва муסיқа қонуниятларини ҳам ўрганганлар.

Мистерия ҳақидаги муайян ахборотлар тарихан сақланган мамлакатлар қаторига Миср, Вавилион, Юнонистон, Ҳиндистон ва бошқа давлат халқлари тарихи киради.

Қадимги дунё халқларида ташқи олам ҳақида турли хил қарашлар бўлганки, уларнинг ғояларида яқинлик бўлса ҳам аммо шаклан бир-биридан фарқ қилган. Масалан, Қадимги Мисрда ёввойи ва уй ҳайвонлари: қушлар, балиқлар, хашоротлар, ҳатто қурбақа, тимсоҳ, илонлар ва шунга ўхшаш бошқа тирик жонларга эътиқод ва ибодат қилиш одати бўлган. Айниқса, илоҳийлаштирилган ҳўкизга ибодат қилиш муҳим аҳамиятга эга бўлган. Кўпчилик худолар ҳайвонлар шаклида тасвирланган бўлиб, инсон қиёфасидаги худоларнинг бош қисмига қўй, тимсоҳ, бургут қабиларнинг боши ўрнатилган. Бу турдаги худоларга ибодат қилиш қадимги дунё халқлари учун хос бўлган хусусиятдир.

Қадимги одамларнинг муайян ҳайвон турига эътиқод қилиши бирдан вужудга келмаган, албатта. Бунинг учун эътиқод қилиш йўлини танлаб, ҳайвон тури ҳақида фикр юритган ва муайян тасаввурларга эга бўлганлар. Бу ҳодисанинг фалсафаси шундаки, танланган ҳайвон турини ўзидан кучли, қудратли, ҳимоя қилувчи, зарур бўлса ёрдам берувчи деган тушунчалар билан муқаддаслаштирилган, сўнг унга эътиқод қилиш тартибларини ишлаб чиқилган.

Бу ҳолатни баъзи адабиётларда тотемизм асорати деб талқин қилувчи фикрлар учрайди. Аслида масалага чуқурроқ ёндошадиган бўлсак, бундай ҳайвонлар муайян табиат ҳодисаларининг рамзи бўлган. Масалан, илоннинг вақти-вақти билан пўст ташлаши абадийлик ва бошқа шаклга кириш рамзи ҳисобланган, кўзининг кечаси чарақлаши ой рамзи билан тенглаштирилган ва ҳоказо.

Миср ва унга яқин худудлардаги динлар ўзига хос мазмун ва характерга эга бўлган. Ҳар бир шаҳар, кўпчилик аҳоли яшайдиган жойлар, ҳаттоки камроқ аҳоли яшайдиган худудларнинг ҳам ўз худолари бўлган. Айни вақтда, барча халқлар эътиқод қиладиган бош худо ҳам мавжудлиги эътироф этилади.

Қадимги дунё халқларида дастлабки диний қарашларнинг шаклланиши, уларнинг табиат ҳодисалари, ҳайвонот дунёси билан муносабатлари жараёнида вужудга келган. Зеро, ўша давр одамлари тасавурида ташқи оламда содир бўладиган нарса ва ҳодисаларда инсонлар билан ҳайвонларнинг ҳам ўзига хос ўрни ва роли бўлса керак деган тушунчалар юзага келади. Шунинг учун бўлса керак қадимги одамлар ташқи олам билан бўлган муносабатини, талаб ва эҳтиёжларини қондиришни, ўз шахсий ҳаёт йўлини таъминлашни диний қарашлар орқали изоҳлаб, уни турли ҳайвонлар рамзида гавдалантирганлар. Бундай диний-фалсафий ғояларнинг мазмунини одамларнинг ташқи оламдаги уни қўриқловчи ва сақловчи кучлар билан муносабат ўрнатиш тасаввурлари ташкил этади.

Қадимги Юнонистондаги фалсафий қарашлар мавжуд динлар билан узвий боғлиқ эди. Антик давр фалсафаси, ҳинд фалсафаси одамлар ҳаёти ва диний тасаввурлар қобиғидан деярлик чиқиб кета олмаган. Айни вақтда файласуфлар оддий халқларнинг худо ҳақидаги фикрларини, коҳинларнинг диндан ўз манфаати йўлида фойдаланишини танқид остига олиб, диний эътиқоднинг олий илоҳий ҳолатини тиклашга ҳаракат қилганлар. Фалес, Гераклит Ефесский таълимоти диний-фалсафий йўналишда, Пифагор эса диний реформатор бўлган. Кейинчалик Юнонистонда (мил.авв. VI-V асрлар) бундай диний тасаввурларни мушоҳада қилишни юқорида даражада Аноксагор, Демокрит, Софистлар, Сукрот,, Платон давом эттирдилар.

Фалсафа тарихидан маълумки, қадимги Юнонистонда Милет мактабига асос солган Фалес(мил.авв. 624-547 й.) ва унинг издошлари ташқи оламнинг пайдо бўлиши ва ривожланиши, табиатдаги нарса ва ҳодисаларнинг ҳаракати каби кўпгина масалалар юзасида фалсафий фикрлар юритганлар. Аммо уларнинг диний қарашларга нисбатан муносабатлари ўзига хос бўлган. Яъни улар мифологик ва диний қарашларга нисбатан олам, унинг тузилиши ва ривожланиши ҳақида бошқачароқ фикр юритадилар. Масалан, Фалес таълимотига кўра ер ҳам, табиатдаги турли-туман ҳодисалар ҳам сувдан пайдо бўлади, оқибатда эса барча жисмлар яна сувга айланади. Милет мактабининг яна бир намоёндаси Анаксимандр (мил.авв. 588-525 й.) ҳамма нарса ҳаводан пайдо бўлади ва пировардида яна ҳавога қайтади, дейди. У Фалеснинг фикрига монанд жон ҳақида гапириб, ”Жон –бу ҳаво, жон, яъни ҳаво танзимизни бамисоли чексиз ҳаво билан бутун коинотни ўраб, сақлагани каби сақлаб туради. “Худоларнинг ўзлари ҳам ҳаводан тузилган”, дейди.

Шундай қилиб, биринчидан, антик юнон файласуфлари худоларнинг табиат билан бир нарса дейиши – пантеизмдир; иккинчидан, қадимги дунё миллий динларидаги диний-фалсафий ғоялар мифологик ғоялар билан уйғунлашганлиги кузатилади; учинчидан, ҳар бир миллий динлар ўз миллати ва халқига хос диний тасаввурлар, урф-одатларни кишилар

онгида шакллантиришга хизмат қилган бўлса-да, одамларнинг ҳаёти ва тақдири билан боғлиқ баъзи масалаларга диний фалсафий талқин беришга ҳаракат қилганлар.

Зардуштийлик ва Ўрта осие халқларининг дастлабки диний-фалсафий ғоялари. Зардуштийлик таълимотида диний фалсафий қарашларидаги фалсафий ғояларни таҳлил этиш учун аввало, зардуштийликнинг пайдо бўлишига олиб келган ижтимоий-тарихий, ғоявий шарт-шароитлар ҳолати билан танишиб чиқиш лозим бўлади.

Маълумки, Зардуштийлик энг қадимги динлардан бири бўлиб, бу дин эрамиздан аввалги VII-VI асрда даставвал Ўрта Осиеда Хоразм воҳасида пайдо бўлган. Унинг пайғамбари Зардушт тарихий шахс эди. У маздакийлик динини ислоҳ қилиб, унинг асосида янги яккахудолик динини ижод этган. Бу диндаги фалсафий ғоялардан бири диний қараш ва тасаввурлар дунёвий ишларга фаол муносабатда бўлиш билан белгиланади. Яъни чорва молларини боқиш, дехқончилик билан шуғулланиш диндорликнинг асосий белгиси, вазифаси деб қаралади. Такводорликнинг асосий белгиси ўт-оловга, чорвага, оилага эга бўлиш ва дон экишдир. Дон эккан киши такводорлик уруғини экади. Бу вазифани бажарган кишини минглаб ибодат қилган, юзлаб қурбонлик қилган такводорга тенглаштирилади. Демак, зардуштийлик фалсафасида диний амаллар билан дунёвий ишларнинг уйғунлигини кўрамыз.

Зардуштийликда диний-фалсафий ғояларнинг шаклланишида ундан олдинги Ўрта Осие халқларининг диний тасаввурлари, дунёқарашларидаги дастлабки фалсафий ғояларнинг муайян таъсири ҳам бўлган.

Ўрта Осие халқларининг дастлабки манзилгоҳлари Фарғона водийсида тош даври –эрамизгача бўлган 1 млн-500 мингинчи йилларда вужудга кела бошлаган. Юқори палеолит давридаёқ эрамизгача бўлган 12 минг йилларда бу ерларда Тешик-тош, Шеробод, ва бошқа жойларда маънавий маданиятнинг шаклланаётганлигини ифода этувчи, қоялар ва ғор деворларига ўйиб тасвирланган расмлар, хайкалтарошлик пайдо бўла бошлаганидан далолат беради. Инсон, ўсимлик ва ҳайвонларнинг рамзий ифодалари ҳаёлий тарзда ўзаро бириктирилган, уйғунлаштирилган. Бу бадий асарлар воқеликнинг инсон тамонидан ҳақиқий ва ҳаёлий ўзлаштиришларини ўзида ифода этиш билан бирга диний қарашларнинг ҳам вужудга кела бошлаганлигини билдиради. Кейинчалик, неолит даврида “муқаддас” ҳайвонларга, она худога бағишланган хайкаллар, тоат – ибодатлар, диний маросимлар билан боғлиқ буюмлар пайдо бўла бошлайди. Синкретизм фақатгина инсон тамонидан воқеликнинг ҳақиқий ва ҳаёлий тарзда ўзлаштирилганлигини, мураккаб кўринишда ўзаро уйғунлашганлигини, бирикканлигини ифода этмайди, балки у қадимги одамларнинг тафаккурининг ҳам узлуклилики ва узлуксизлики табиатини, уни аниқ буюм ва нарсалар орқали ифода этилишини ҳам билдиради. Ушбу нуқтаи назардан ёндошилганда фетишизм – айрим нарса ва

буюмларда ғайри–табиий хислатлар, сифатлар бор деб билиш, диннинг энг қадимги шакли бўлиши мумкин деган фикрга борамиз. Шундан сўнг буюм ва бутун мавжудотларни “иккилантириш”, яъни уларнинг инсон кўзига кўринмайдиган “жони”, “руҳи” мавжудлиги ҳақида дуалистик тасаввур шакллана борди. Бундай қарашларни инглиз тарихчиси – эльшуноси Э.Тейлор анимизм – табиатдаги нарса ва ҳодисаларни бошқариб борадиган жон ва руҳларнинг ҳақиқий мавжудлигига ишонч деб атайди. Инсон вафотидан сўнг унинг руҳини яшаши ҳақидаги қараш ҳам анимистик қарашдир. Шарқ халқларининг қадимги диний қарашларида самовий жисмларга, ҳодисаларга ибодат қилишлар ҳам кенг ўрин олган. Бу борада юлдузлар ҳаракатига кенг ўрин берилган. Ўрта Осиё халқларининг осмон худоси бўлган “Тангри”га ишониш самовий жисм ҳодисаларинг муқаддаслаштиришлар билан боғлиқ қадимги бир қанча динларнинг ўзаро уйғунлашувининг натижасидир. Кўпгина туркий халқларда тангри худо сифатида осмонга, ерга, ойга, нисбатан ҳам қўлланилган. Бу вазият осмон, ер, сув, тоғ худоларининг моҳияти бир-биридан ажратилмаганлигидан далолат беради. Шарқ халқлари орасида ҳозирга қадар ажодларга, уларнинг руҳларига сиғинишлар, улардан мадад кутишлар, ер, инсон саломатлиги учун фойдали бўлган чашма ва булоқларни муқаддаслаштиришлар, улар билан боғлиқ қурбонликлар қилиш учраб туради.

Ўрта Осиё халқларининг илк диний қарашлар тарихи тотемистик қарашлар билан ҳам боғлиқдир. Бу қарашлар асосан ҳайвон ва йиртқичларни муқаддаслаштириш орқали намоён бўлган. Масалан, ит, бўри, кийик ёки буғу, бургутлар туркий халқларнинг бош тотемлари ҳисобланган. Улар муайян уруғларнинг асосчиси ва ҳомийси деб билинган.

Овчилик билан боғлиқ сеҳргарлик, афсунгарлик ва тотемистик хислатларга эга бўлган қарашлар ва ҳаракатлар, кейинчалик, руҳлар ва шайтонлар ҳақидаги тасаввурларга, ҳамма нарса ва ҳодисаларнинг, шунингдек одамларни иккилантиришга, яъни бир-бирига нисбатан мустақил моддий ва руҳий томонлари бор деган қарашларнинг вужудга келишига олиб келди. Шайтонлар, ҳақидаги қарашларнинг вужудга келиши, дин тарихидаги муҳим ҳисобланган босқич, кўпхудолик, яъни политеизм мавжудлиги билан ўзаро тутшиб кетади. Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқларининг парилар, жин ва шайтонлар, девлар, алвастилар ҳақидаги тасаввурлари озми–кўпми бир бирларига анча ўхшашдир.

Диннинг дастлабки шакллари мавжудлик давриданок диний ишончлар, тоат–ибодатлар шунингдек, афсунгарлик, сеҳргарлик, жодугарлик ўзларининг мақсадларига, йўналишларига кўра яхши ва ёмон кабиларга ажратилган. Ўша давр одамларнинг талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқиб, уларни даволаш ёки ҳаётини йўналтириш масалалари диний дуолар ўқиш билан, баъзан эса сеҳргарлик “иссиқ совуқ” қилиш каби ҳаракатлар ишга солинар эди. Масалан, сеҳргарликдаги кишиларни хавф-

хатардан сақлашга қаратилган махсус ҳаракатларда дуо ўқишлар, ҳар хил, қурбонликлар ташкил қилинган. Улар худоларни, руҳларни рози қилишга, кўнгилларига раҳм- шафқат солишга, қаратилган бўлиб, инсонга ана шу ердаги ҳаётида ёрдам беришга, ўлгандан сўнг эса “нариги дунёда” азоблардан қутқаришга, халос қилишга бағишлангандир. Кишилик жамиятининг илк босқичларида тоат-ибодатларга боғлиқ ижтимоий ҳаётда жамоанинг, уруғнинг ҳамма аъзолари бир хил шаклларда қатнашганлар, чунки бу даврларда уруғдошлар, қабиладошлар орасида ижтимоий тенглик ҳукмрон бўлган. Кейинчалик, уруғчилик-қабилачилик тузумининг емирилиши даврида, бундай ишларни масъул кишилар бажарган. Махсус тоат-ибодатлар даврида эса, алоҳида жойлар, руҳонийликни касб ҳунар қилиб олган кишилар тоифаси коҳинлар, сеҳргарлар, шомонлар вужудга келган. Улар ўз амалий фаолиятлари орқали қадимги одамлар тасаввурида нафақат диний ғояларни мустаҳкамлашга, балки диний-фалсафий ғояларни ривожланишига ҳам йўл очганлар.

Ўрта Осиё халқлари ҳаётига зардуштийлик таълимотининг тарғиб қилиниши маҳаллий халқлар диний тасаввурларини янада бойитди. Зардуштийлик дини ва унинг фалсафий ғоялари шаклланаётган ижтимоий тарихий даврда аввало, уруғ қабилачилик тузуми емирилиб, кулдорлик жамияти шаклланаётган давр бўлган; иккинчидан, Ўрта Осиёдаги мавжуд диний тасаввурлар ва кўп худочиликка асосланган диний эътиқодларни такрор ислоҳ қилиш оқибатида Зардушт яккахудолик динини тарғибот қилишга ҳаракат қилган.

Зардушт яшаган даврда ўтроқлик ҳаёти афзаллиги яққол намоён бўлган. Аммо унга қабилалар ўртасидаги қирғинбарот урушлар раҳна солаётган эди. Урушлар кўпинча ҳар бир қабила ва элатнинг ўз худоларига кўплаб қурбонликлар қилиш одатлари заминида ҳам юзага келарди. Ўз даврининг коҳинлари, сеҳргарлари ва мўътабар қариялари кенг мунозаралар олиб борган. Зардушт юқоридаги одатларни бартараф этиш ва халқларга тинч меҳнат билан шуғулланиш имконини яратиш учун кўпхудолик эътиқодларига барҳам бериб, яккахудоликка сиғинишни тарғиб этган ва шу вазифани бажарган.

Шундай қилиб, Зардуштийлик мил.авв. VIII-VII асрларда Амударё худудларида ўзига хос дин сифатида ундан олдинги уруғ-қабилачилик динлари негизида пайдо бўлган яккахудолик дини бўлган. У эрамизнинг то VII-IX асрларигача турли шаклларда давом этиб, сўнгра унинг ўрнини ислом эгаллаган. У даставвал Хоразм воҳасида шаклланиб, Яқин ва Ўрта Шарқгача тарқалиб, айрим асоратлари ҳалигача сақланиб қолмоқда.

Юқоридаги фикрлардан шундай хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, зардуштийлик таълимоти шакллангунга қадар Ўрта Осиё халқларининг ўзига хос диний урф-одат ва эътиқодлари бўлиб, уларга асосланган диний-фалсафий қарашлари ҳам шакллана бошлаган; иккинчидан, зардуштийлик таълимотининг шаклланиши ва кенг тарғиб

қилиниши натижасида маҳаллий халқларнинг диний тасаввурларини кенгая боришига, моддий олам, жонзотлар, хусусан одамлар ҳаёти, яшашдан мақсади ҳақида муайян диний-фалсафий қарашлар шакллана боради.

“Авесто” даги диний-фалсафий ғоялар. “Авесто”нинг муқаддас ёзуви мазмуни ва фалсафаси шундан иборатки, у фақат диний манбагина эмас, балки дунёвий билимлар, тарихий воқеалар, ўзи тарқалган ўлкалар, элатларнинг ижтимоий иқтисодий ҳаёти, маданий ва маънавий қарашлари, диний эътиқодлари, урф-одатлари ҳақидаги манба ҳамдир. Унда баён этилган ғоялар диний эътиқоднинг илк содда билимлари Зардушт деган пайғамбар номи билан боғланган. У “Авесто”нинг энг қадимий қисми “Гат” (хат номи) ни ижод этган. “Авесто” таркибига кирган билим, маълумотлар қарийб милoddан аввал 3000 йиллик охирлари ва 2000 йиллик бошларидан то милoddнинг бошларигача ўтган даврда юзага келган: авлоддан-авлодга оғзаки етиб келган, унинг буқа терисига ёзилган кўп қисми йўқолган, еттидан бир қисми сақланган, холос. У милoddан аввалги III асрда Ашракийлар сулоласи даврида тўпланган.

Академик В.В.Струев, А.О.Маковелскийлар зардуштийлик дини таълимоти эволюциясида қуйидаги уч босқич бўлганлигини эътироф этадилар: 1. Энг қадимий қисми милoddан аввалги 3 минг йилликда вужудга келган Яштлардир. Уларда уруғчилик тузумидаги эътиқодлар, кўпхудолик тасаввурлари тасвирланган. 2. Гатлар деб аталган қисмидир. Бунда Ахурамазда номли худо ҳақида фикрлар ёзилган. 3. Қадимий кўпхудолик ва кейинги яккахудолик ғоялари орасидаги кураш шароитлари ифодаланган.

Шох Виштасп фармонида биноан “Зардушт 1200 бобдан иборат пандномаси” “Авесто” ни олтин тахтачаларга ёзиб, шохнинг оташкадасига топширган деб ёзганди Фирдавсий. Кейинчалик бу китоб 12 минг буқа терисига битилган, македониялик Искандар Зулқарнайн Шарқ халқларининг бир қисмини забт этганда унинг нодир нусхасини Элладага элтиб, керакли жойларини таржима қилдирган, қолганини ёндирган. “Авесто” юқорида айтилганидек, энг қадимий яккахудочиликка асосланган диннинг биринчи муқаддас китобигина бўлиб қолмай ҳозиргача эътиборли тарихий манба ва маданият ёдгорлиги ҳисобланади. Унда дастлабки оддий ижтимоий-фалсафий қарашлар билан диний мифологик тасаввурлар уйғунлашиб кетган: ўша замондаёқ маънавий-ахлоқий баркамол одам, эзгуликни барқарор қила оладиган курашчан, адолатпарвар инсонни шакллантириш ғояси марказий ўринни эгаллаган. “Авесто”да табиий билимлар-агрономия, метеорология, медицина, фалакиёт, астрономия, географияга доир билимлар ҳам мавжуд.

Зардуштнинг диний ислоҳоти бўш жойда юзага келган эмас. Ғарбий Европа ва рус тадқиқотчиларининг фикрича, милoddгача бўлган 3-2 минг йилликларда Марказий Осиёда орий деб аталган қабила яшаган.

А.П.Примаковнинг айтишича, орийлар кўчманчи чорвадорлар бўлишган. Уларда ёзув бўлмаган, аммо хайратомуз оғзаки ижод истеъдодига эга бўлиб, улар яратган ўзига хос ашула, гимн, панд-насихат шаклидаги кўшиқлар авлоддан авлодга ўтиб борган. Умуман Шарқда қадимдан инсон ички оламини мунаввар этиш, ният билан амал муштараклигига жиддий аҳамият бериш диний ва фалсафий фикрларнинг марказида турган. Англиядаги Оксфорд университетининг профессори Макс Мюллер Помир атрофида яшаган Орий қабилаларининг бир қисми бундан 3,5 минг йил муқаддам Ҳиндистонга, бир қисми Европа ва Эронга кўчиб кетганини таъкидлаган. Улар албатта ўзлари билан бирга шу ердаги осори атикаларини (мифологияни) ҳам олиб кетишган, деб ҳисобланган. Демак, Европа ва Ҳиндистонга ҳамда Яқин ва Ўрта Шарққа тарқалган кўпхудолик асослари аввало Марказий Осиёда вужудга келган. Шу билан бирга Зардушт асос солган яккахудолик дини ҳам бошқа жойда яшаётган халқлар эътиборини ўзига жалб этган.

Ҳозирги маълумотларга кўра, “Авесто ” Ясна, Яшт, Виспирад, Вандидод Кичик Авесто қисмларидан иборатдир. Унинг биринчи китоби “Вандидод” яъни девларга қарши қонун, деб аталган. “Ёсин” ва “Виспирад” ни қўшган ҳолда “Вадовдот-Садэ” номи билан юритилган. “Вандидод” ни покланиш қонун-қоидалари мажмуаси ҳам дейиш мумкин. “Авесто”нинг иккинчи “Ёсин” китоби бўлиб, Зардушт Хат (нома)лари унинг асосий мазмунини ташкил этган. У 72 “ҳа” башоратдан иборат бўлиб, биринчи башоратда табиат ва ҳалолликлар ҳукмдори, ҳамма нарсани биладиган ва ҳамма нарсага қодир Оҳурамазданинг ваҳйлари ҳақлигига имон келтиришга доир дуолар бор. 19 башоратда олам юзага келмасдан илгари мавжуд бўлган худолар шаънига шукроналар баён этилган.

Иймон калимаси, покланиш (ювиниш гигиенаси) ёвузликни лаънатлаётган пайтда танани қандай маромда тутишлик, дев иблисларни ҳайдашга қаратилган ҳаракатлар, гуноҳдан фориғ бўлиш, кечирим сўрашга доир дуолар мавжуд. Гуноҳдан фориғ бўлиш, иймонни сақлаб қолиш учун масалан, мана бундай дуолар ўқиш тавсия этилган: “Эй оламнинг ҳукмдори Оҳурамазда! Мен барча гуноҳларимга иқрорман, уларни такрорламаслик учун сенга сўз бераман, сўзларим ва амалий ишларим орқали бундан буён ишончингни оқлайман, гуноҳларимни кенг караминг ила кечиргин, у дунёю бу дунёимни мунаввар этгил, эй парвардигорим”!

Ёсинларнинг 7 бобида Зардушт орқали хабар берилган башоратларда чуқур фалсафий ғоялар ўз ифодасини топган. Зардушт Оҳурамаздадан ўз ахлоқий қонун-қоидаларини маълум этишни сўраган. У бунга жавобан бутун мавжудликнинг икки олий ибтидоси – эзгулик ва ёвузлик ҳақида ваҳй қилган. Бир-бирига қарама-қарши бўлган бу бошланғич кучлар ҳар доим биргаликда мавжуд бўлиб, улар ҳаёт ва ўлим, осмон ва жаҳаннам маъноларини англаган. Жаҳаннам Оҳурамазда ваҳйсида “ҳаётнинг энг

ёмон онлари”, осмон эса руҳнинг энг юксак ҳолати сифатида гавдалантирилган. Оламдаги ёвузлик, нокомиллик нарса, ҳодисалар ва уларнинг моҳиятидан келтириб чиқарилган. Уларни бартараф этиш эса, истиқболдаги иш бўлиб, иймонли кишилар бу жараёнда энг катта фаоллик кўрсатишга даъват эътилган. Улар Охурамазда юборган қонунлар, ўғит насихатларга амал қилсалар, эзгулик ёвузлик устидан тантана қилиб бораверади деб ҳисоблаганлар.

Зардуштийликнинг фалсафий ғоясига асосан олам қарама-қаршиликлар кураши асосига қурилган: тирик табиатда ҳаёт ва ўлим, маънавий оламда эзгулик ва ёвузлик, ижтимоий ҳаётда адолатли қонунлар билан қонунсизликлар ўртасидаги курашларда у ўз ифодасини топган. Диний соҳа эса, эзгуликни қарор топтириш руҳи билан ёвузлик руҳи ўртасидаги курашга асосланган. Охурамазда эзгуликни вужудга келтираверади, ёвузлик руҳи бўлган Ахриман унга қарши тарзда одамларни ёмон ишларга бошлайверади деб ҳисобланган. 30- башоратда эзгулик ва ёвузлик соҳасидаги абадий курашда оралик йўл йўқ, бинобарин, ҳар бир одам бу жараённинг у ёки бу томонида иштирок этишга мажбур, дейилган. Шунинг учун диндорлик иймон-эътиқод, баркамоллик нишонаси сифатида муҳим бўлиб, у одамларга эзгуликни ёвузликдан фарқлаш имконини беради, деб фараз қилганлар. Иймон- эътиқодли одам албатта эзгулик тарафида туради деб таъкидланган, ёвуз руҳлар – дев, иблис ва бошқалар эса гуноҳлар, адашишлар, ёлғонлар, касалликлар тимсоли сифатида тасвирланиб, Охурамазданинг улардан сақланишга қаратилган даъватлари ёзилган. Ёсиннинг биринчи башоратида Худо – мен эзгу фикр (ният)ларни, эзгу сўзларни ва эзгу амалларни ёқтираман. Мен маздаёсин қонунларига асосланган тарғиботларни улуғлайман, деб ёзган. Демак, зардуштийлик иймони қуйидаги 3 таянчга асосланган: **фикрлар софлиги, сўзнинг собитлиги, амалларнинг инсонийлиги** Охурамазда одамларни ўз истакларида холис бўлиб, бир – бирлари билан муроса қилиб яшашни одат қилишлари, ғаразгўйлик, димоғдорлик, шухратпарастлик, қонунбузарлик каби иллатлардан ўзларини тийиб юришга чақирган. Охурамазда берган панд-насихатга биноан “Берган сўзнинг устидан чиқиш, унга содиқ қолиш, савдо-сотикда шартномага қатъий амал қилиш, қарзни вақтида тўлаш, алдамчилик ва хиёнатдан ҳоли бўлиш иймонлилик аломатларидир”. Унинг фикрича, иймонли одам ўғрилиқ ва талончиликдан, бегоналарнинг мол-дунёсига кўз олайтиришдан, ўз-ўзига хиёнат қилишдан, яъни иймониغا хилоф иш қилишдан ўзини сақлай биладиган комил инсондир . “Таналарингизга нисбатан,- деган у, - қалбингиз ҳақида кўпроқ қайғуринг” яъни аввал маънавий дунёингиз мусаффо бўлса, моддий турмушингиз ҳам мукамал бўлиб бораверади. Бу шаклдаги фалсафий ғояларнинг ҳозирги давр учун ҳам аҳамияти бордир.

Ҳозирги замон миллий динлар жаҳон динларининг шаклланиши ва кенг тарғибот қилинишига муайян таъсири ва ассимляция бўлишига

карамай қадимда пайдо бўлган миллий динларнинг аксарияти ҳозиргача сақланиб келмоқда .

Олимларнинг фикрича, миллий динлар асосан ўрта ва узоқ Шарқда сақланиб қолган, аммо яқин Шарқда, Америкада, Европа ва Африкада миллий динлар христианлик ва ислом каби жаҳон динлари кириб келиши билан сиқиб чиқарилган. Зардуштийлик ва иудаизм бу ҳудудларда сақланиб қолган миллий динлардан ҳисобланади. Улар ўз миллий диний таълимотларини ва фалсафий қарашларни муайян миллат ва халқлар турмуш тарзи ва ижтимоий ҳаётига мослаб, урф-одат ва маросимларини ривожлантириб, миллий эътиқодига айланди.

Буддавийлик анъанавий тарқалган ҳудудларда эса миллий динлар бирмунча сақланган. Улар қаторига ҳиндуизм , даосизм, конфуцийлик, синтоизмни киритиш мумкин. Масалан, буддавийлик билан боғлиқ миллий динларнинг ҳозиргача сақланиб қолишига сабаб, биринчидан, буддавийликдаги диний бағрикенглик бўлса, иккинчидан, уларнинг буддавийлик билан бир вақтда вужудга келишидир. Ҳиндуизм генетик жиҳатдан буддавийлик билан узвий боғлиқдир. Бу иккала дин қадимий брахманлик дини асосида шаклланган. Ҳиндуизмнинг ҳозирги шакли брахманизм буддавийлик ғояларини ўзига қабул қилиши натижасида вужудга келди. Ҳиндуизм жаҳон дини устидан ғалаба қилган ягона миллий диндир. Ҳиндуизм Будда ва унинг олий худоси Вишнуни ўз диний таълимотининг асоси қилиб олиши, бу диннинг миллий дин сифатида ривожланишига олиб келди. Унинг фалсафий ғоялари буддавийликдаги диний-фалсафий қарашлар билан бойитилди.

Ҳиндуизмнинг ривожланиши ва кенг тарқалишига жаҳон динларидан бўлмиш буддавийлик ҳам, ислом ҳам тўсқинлик қила олмаган. Унинг ўрнига ислом билан Ҳиндуизмнинг қўшилиши натижасида энг ёш миллий динлардан бири-сикхизм (Панжобда) вужудга келди.

Деярли барча миллий динлар диний бағрикенглик шароитида мавжуддирлар. Масалан, ҳиндуизм, жайнизм, сикхизм, зароостризм, буддизм, ислом ва бошқа кўпгина динлар билан ҳеч қандай тўсиқсиз мунозарасиз ўз эътиқодларини амалга оширмоқдалар.

Ҳозирги замон миллий динларининг фалсафий ғоялари шундан иборатки, биринчидан, ҳар бир миллий дин ўзи мавжуд бўлган ҳудуддаги миллат ва халқларнинг ижтимоий ҳаёти, турмуш тарзи, урф-одат ва маросимларини ғоявий жиҳатдан мустаҳкамлашга ҳаракат қилади; иккинчидан, бу динлар миллий хусусиятларни ҳисобга олиб, ўз мухлисларини замон талаби асосида мақсад сари йўналтиради, шу тариқа индивидуал ва ижтимоий онгда муайян дунёқарашни шакллантиради; учинчидан, бу жараёнда диндорлар онги, шуури ва тасаввурида миллийлик билан динийлик уйғунлашиб боради; тўртинчидан, ҳозирги глобаллашув ва ахборотлашув шароитида мавжуд миллий динларнинг мазмун-

моҳиятини мустаҳкамлашга, айниқса, диний-фалсафий жиҳатдан асослашга ҳаракат кучайиб бормоқда.

Таянч сўзлар:

Авесто, анимизм, дуализм, жайнизм, коҳинлар, мистерия, политеизм, синкритизм, сикхизм, тотемизм, фетишизм, ҳиндуизм.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Қадимги дунё динлари қайси ҳудудларда тарқалган?
2. Қадимги динларнинг урф-одат, маросимлари, диний-фалсафий мазмуни қандай?
3. Ўрта Осиё халқларининг қадимий динлари қандай ривожланган?
4. Зардуштийлик дини билан Ўрта осие халқлари қадимий динларининг уйғунлашуви борми?
5. “Авесто” таълимотининг диний-фалсафий қарашлари мазмуни нимада?
6. Ҳозирги глобаллашув шароитида миллий динларга эътибор қандай?

5-мавзу. Буддавийлик фалсафаси

Режа:

1. Буддавийлик фалсафасининг шаклланиши
2. Ҳинаяна фалсафаси
3. Махаяна фалсафаси

Буддавийлик фалсафасининг шаклланиши. Барча монотеистик динлар таълимотининг асосини ягона қудратли илоҳий кучга ишониш ва унга эътиқод қилиш мазмуни ташкил этади. Диний таълимот бўйича худо абадий, у бутун оламни, ердаги жонли ва жонсиз мавжудотларни яратган. Ердаги барча мавжудотлар, шу жумладан инсон ҳам абадий эмас, ўткинчидир. Буддавийлик таълимоти ҳам шу мазмунда талқин қилинади.

Демак буддавийликнинг фалсафий қарашлари унинг диний таълимоти асосида шарҳланади. Бутун оламни яратган ва абадул-абад бўлган худо образини яратиш барча динлар, айниқса монотенстик диний-фалсафий қарашлар олдида тарихан муҳим муаммога айланган. Қадимги дунё динларида худоларнинг шакли ва кўринишлари турли хил образларда тайёрланиб, диний мифологиянинг мазмунига киритилган бўлса, бу монотестик динларда бошқача мазмун касб этди. Масалан, иудаизм ва ислом динларида худо образлари (символлари)ни яратиш ман этилган. Аммо христианлик бу анъанани давом эттирди. Иисус Христос худо ва инсон бўлганлиги учун унинг образини (христианликда) тайёрлаш ва

ибодатхоналарга қўйиш, бутларга аксини туширишга алоҳида эътибор берилди.

Турли худоларнинг хайкаллари образларини тайёрлаш анъанаси буддавийлик таълимоти ва фалсафасида кенг ўрин олди. Бундай худо образлари санъат асарлари ичида ўзига хослиги билан ажралиб туради.

Маълумки, буддавийлик милоддан аввалги VI-V асрларда Хиндистоннинг шимолида пайдо бўлиб, жаҳон дини сифатида ҳинд халқи орасида тарғиб, ташвиқ қилиш билан бирга у Марказий Осиё ҳамда Узоқ Шарқ мамлакатларида кенг ёйилди. Аини замонда, унинг диний таълимоти, урф-одатларининг кенг тарғиботи билан бир қаторда буддизм талимотини фалсафий еки назарий жиҳатдан асослаш унинг диний системаси шаклланиши давридаёқ бошланган эди.

Буддавийлик ҳақидаги назарий-фалсафий карашлар, айниқса, тарқалиши ва ижтимоий-маданий муносабатларни интеграциялашуви ҳақида илмий мунозаралар келиб чиқдики, улардан шундай хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, буддавийлик қайси йўллар билан ипак йўлидаги мамлакатларга тарқалишидан қатъий назар муайян мамлакатларда ижтимоий-маданий, сиёсий муносабатларнинг шаклланишига, давлатлараро коммуникацияларнинг ривожланишига кучли таъсир этди; иккинчидан, бу диннинг тарғиботи амалга ошган худудларда кўплаб буддавийлик ибодатхоналари қад кўтарди. Ундаги руҳонийлар, роҳиблар фаолияти Шарқ халқлари маданиятининг интеграциялашувига, муайян диний-фалсафий дунёқарашнинг шаклланишига олиб келди; учинчидан, фан, санъат, адабиёт, фалсафа ва бошқа табиий фанлар вакилларининг яқинлашувига диний ҳамда илмий асарларнинг вужудга келишига сабаб бўлди.

Илк буддизмга баҳо берган йирик рус буддологи Ф.И.Шербатский, «Буддизмда динийликдан кўра инсонийлик хусусиятлари кўпроқ кўзга ташланади»¹, - деб ёзган эди. Моҳиятан, С.Радхакришнан унинг фикрини ёқлаб, - «Буддизм бу – руҳшунослик, мантиқ ва этика, бироқ, метафизика эмас»² - деб қайд этди. Ҳинд файласуфи Мукержи фикрича, буддизм мантиқ, чуқур метафизиканинг равнақида ўз ифодасини топган³. С.Чаттержи ва Д.Даттлар – «будда этика ва реформация ташвиқотчиси бўлиб, у файласуф эмас, деган эдилар.

Буддавийлик ҳақида бундай турли фикрларнинг олимлар томонидан айтилишига сабаб у соф дин бўлиш билан чегараланмай илм-фан маданият ривожига айниқса, маънавият, ахлоқ ва санъат соҳаларининг ривожланишига муносиб ҳиссасини қўшганлигидадир.

Буддавийлик таълимоти ва фалсафий карашларини ўрганган ва тадқиқ этган файласуфлар ҳинд фалсафаси бой ва ривожланган

¹ Stcherbatsky Th. Buddhist logic. Vol. P. 7.

² Радхакришнан С. История философии. – С. 300.

³ Mukerjee. The culture and art of india. P. 106.

анъаналарга эгаллиги, у ўз даврининг табиий- илмий ютуқларига таяниб ривожланганлигини таъкидлаганлар. Ҳақиқатан, Ҳиндистон ва Хитой жуда қадимдан ўзларининг бой ва ёрқин маданияти анъаналарига эга бўлиб, бу борада Европани ортда қолдирган. Ҳиндистон, Хитой ва унга яқин мамлакатлар билан маданий ва маънавий алоқаларнинг боғланишида ипак йўлида янги коммуникатив воситалардан фойдаланилди.

Юқоридаги фикрлардан буддавийлик фалсафий қарашларининг шаклланиши ва диний-маданий таълимотнинг интеграциялашуви юзасидан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, буддавийлик Хитой, Марказий Осиё ҳудудлари ва бошқа шаҳарларда кенг тарқалишига сабаб, маҳаллий халқларнинг ҳам маданияти, урф-одатлари ривожланишига имкон берган; иккинчидан, буддавийликнинг фалсафий қарашлари, унинг муқаддас китоби “Трипитака” (3 сават донолик) бўлиб, улар: 1) “Винояпитака” (ахлоқий нормалар); 2) “Суттапитака” (дуолар); 3) “Абхидхаммапитака” (диний-фалсафий масалалар)га асосланган; учинчидан, Ҳиндистон ва Хитой кейинчалик, Марказий Осиё ўзларининг бой ва ёрқин маданияти анъаналарига эга жамиятлигини Европа мамлакатларига “Ипак йўли” орқали тарғиб қилишга эришган эдилар.

Ҳиндистондаги мавжуд Брахма, Вишну ва Шива секталари муҳлисларининг ажралиши буддавийликнинг пайдо бўлишига туртки бўлди. Барча секта муҳлислари бир хил Шива, Вишну, Брахма Худога эътиқод қилар эдилар (Тримурта), фақат мифологияси ва урф-одатларида фарқи бор эди. Бироқ бу даврнинг одамларида табиатни жонлантирувчи Шивага эътиқод қилиш одати кучлироқ бўлган.

Буддавийликнинг фалсафий қарашлари шу даврдаги мавжуд динлар асосида шакллана борди натижада у уч кўринишдаги: Бунёд этувчи (Брахма), Сақловчи (Вишну) Вайрон қилувчи ва янгиловчи (Шива)лардан иборат абадий, қудратли, кўзга кўринмас, аммо ҳамма жойда ҳозир бўлувчи илоҳий куч мавжуддир ғояга асосланади. Брахма рамзида ер, Вишну рамзида-сув, Шивада-олов вужудга келган, деб талқин қилинади.

Буддавийлик фалсафасида ҳар қандай борлик, (моддийлик) барча кўриниш ва шакллардаги ҳар қандай ҳаёт барча мавжудотларга азоб берувчи ёмонликдир. Ёмонлик ва азоб-уқубатларнинг сабаби- инсоннинг ва барча тирик мавжудотларнинг бу дунёга қайта туғилиш дунёси (сансара)га боғланганлиги, кўнгил қўйганлигидир. Ҳар қандай инсоний туйғу, ҳиссиёт, эҳтирос ва истак азоб-уқубатни чуқурлаштиради. “Борлик гирдоби”дан чиқиб олиш учун ғафлатдан уйғониш, дунё моҳиятининг ҳаётга чанқоқликдан яъни кўнгилхушлиқдан воз кечиши лозим. Фақат шундагина “нажот топиш йўли”га кириш мумкин.

Инсоннинг азоб-уқубатлари буддавийлик фалсафаси бўйича, у ўлгандан сўнг ҳам тугамайди. Бу ҳолат инсоннинг ҳаётлик вақтидаги ишлари ва фикрлари билан белгиланади. Буни “карма” – “бажо келтирмоқ” дейилади. Фақат Будда кўрсатган “саккизта сақлаш йўли (тўғри қарашлар,

тўғри журъат, тўғри хатти-ҳаракат, тўғри интилиш, тўғри ҳаёт тарзи, тўғри жажду-жадал, фикрни тўғри йўналтириш, диққатни тўғри қаратмоқ) қайта туғилишга чек қўйиб “ниравана”га “ҳаётдан ташқари”ликка олиб келиши мумкин. Бундай нажотга эришиш имконияти кўпроқ зоҳид ва роҳибларда деб ҳисобланади.

Буддавийлик фалсафаси, мазмунини назарий асослаш, унинг диний тизими шаклланаётган даврда вужудга келган. Турли буддавийлик фалсафий мактаблари бўлишига қарамай, асосан бир-биридан анча фарқ қиладиган икки йўналиш: ҳинаяна ва махаянага ажратиш мумкин

Ҳинаяна фалсафасининг назарий асосини тадқиқ қилишда йирик рус буддалоги Ф.И.Шербатский (1866-1942)нинг роли катта бўлди. У “Дхарма”ни “Буддавийликдаги марказий конценция” деб ҳисоблади. Дхарма бирлик моҳиятга эга бўлиб (яъни “нарса ўзида” сингари) билиб бўлмайдиган нарса деб қаралади. Дхарманинг борликда бўлиш ва бўлмаслик ҳолатлари мавжуд. Шунингдек, унинг тинчлик, осойишталик ва безовталаниш ҳолатлари ҳам бор. Масалан, инсон ва уни қуршаб олган олам дхарманинг тинчлик ҳолатда бўлмаган “безовталаниш” ҳолати деб ҳисобланади. Бу ҳолат узокқа чўзилмайди, “қисқа” вақтдан сўнг дхарманинг яна бошқа комбинацияси вужудга келади. Бир сўз билан айтганда, буддавийлик фалсафаси бўйича, фазо ва замонда «нарса ва ҳодисалар» чексиз бир-бирини алмаштирувчи дхарманинг намоён бўлишидир.

Азоб-уқубатлардан қутилиш-дхарманинг «тинчланиши»дир инсоннинг эса, қайта туғилишидан озод бўлиши ҳисобланади. Дхарманинг «тинчланиши» инсон учун «нирвана»га эришишдир. Демак, сансара ва нирвана мутлоқ бир-бирига қарама-қарши ҳолатлардир.

Ҳинаяна фалсафасининг йирик намоёндаси Васубандху (V аср)нинг «Абдхидхармахоша» номли рисоласида дхарма тури тўғрисида кенг ва атрофлича фикр юритган. Васубандху чексиз дхармалар сонини турли белгиларига қараб 75 та турга бўлиб чиқди. Аввало, унингча, дхарма икки типга бўлинади: «ҳаётга мойил» ва «ҳаётга мойил бўлмаган». Олимнинг фикрича, «ҳаётга мойил» бўлган дхармалар тўрт жараён билан боғлиқ-туғилиш, мавжудлик, ўзгарувчанлик ва йўқолиш. Бундай ҳолатлар ҳар бир дақиқада бўлиб туради.

«Ҳаётга мойил бўлмаган» дхармалар юқоридаги жараёнлар билан боғлиқ эмас, уларда тинчлик ҳолат ҳукм суради ёки мавжудликка оид эмас.

Дхарма комбинациясининг икки ҳолати: 1) сезгиларга эга бўлган оламнинг тузувчиси эканлиги; 2) ташқи оламдаги тирик мавжудотлар ва шароитлар. Бу икки ҳолатни бир деб қаралиб, биринчиси асос қилиб олинади ва унинг тўрт гуруҳи мавжудлиги белгиланади:

1) “Қоринда ҳосил бўлганлар;” 2) “тухумдан пайдо бўлганлар;” 3) “намлик (макрота) аралашмасидан пайдо бўлганлар;” 4) “қайта ўзгариш

йўли билан пайдо бўлганлар.” Бу ҳолатларда мавжудлик куйидагича изоҳланади. (шубҳасиз, улар турлича туғилиш асосида), фақат “қайта ўзгаришда пайдо бўлганларга ҳаммадан олдинги ўринда худо, муқаддас руҳлар ва демонлар туради. “Қоринда пайдо бўлганлар” –одамлар, ҳайвонлар иккинчи ўринда, “тухумдан, намлик (макрота) дан пайдо бўлганлар”-балиқлар, судралиб юрувчилар.

Ҳинояна фалсафасида “дунёда адашиш” сабаблари икки гуруҳга бўлинади: “ички (инсонга хос ҳолат) ва ташқи”. Биринчисига “ҳатти-ҳаракатлар”, иккинчисига “адашишлар” киради. “Хатти-ҳаракатлар” уч гуруҳга бўлинади. 1) “тана хатти-ҳаракати” (ҳар қандай жисмоний ҳаракат); 2) “оғиз хатти-ҳаракати (яъни, нутқ); 3) “фикр хатти-ҳаракати”. Уларнинг ҳар бири ўнта яхши ва ўнта ёмон “ҳатти-ҳаракатларга” бўлинади.

“Адашишлар” иккига “асосий” ва “асосий бўлмаган”ларга бўлинади. “асосий адашишлар” ўнта: очкўзлик, ғазаб, ўзидан қаноатланиш, шубҳаланиш, касаллик ва буддавийлик нуқтаи назаридан нотўғри қарашлар.

Ҳинаянада тўғри йўлдан бориш ва адашиш фалсафалари мавжуд. Инсон изтиробларидан қутилиш учун медитацияни бажариши керак. Бундан мақсад инсоннинг руҳий ҳолатини ўзгартиришдир.

Демак ҳинаяна фалсафасида биринчидан, дхарма ва унинг турли комбинациялари асос қилиб олинади; иккинчидан, дхарманинг муайян тури яъни «ҳаётга мойил» бўлганларида нарса ва ҳодисаларнинг, тирик жонзотларнинг, шу жумладан одамларнинг пайдо бўлиши, ўсиши, ҳаракати доимо ривожланишда деган тасаввурга асосланиб, уларнинг мутлоқ ўзгармайдиганлари йўқ деб талқин қилинади; учинчидан, бу жараёнларнинг содир бўлиши Худо ва муқаддас руҳлар туфайли бўлиб, улар эса ҳаммасидан олдин пайдо бўлган деб қаралади.

Маҳаяна фалсафаси. Унинг шаклланиши ва ривожланиши мавжуд буддавийлик таълимотини қайта кўриб чиқиш ва бойитиш натижасида вужудга келган. Ушбу фалсафада иккита муҳим ғоя илгари сурилади: 1. Ҳақиқий реал, аммо ақлан билиб бўлмайдиган, атрибутга эга бўлмаган Абсолют назария (концепция)си ҳақидаги ғоя. Бу ғояга асосан дхарма “ ўз махсус табиатига эга бўлмаган”, аммо шартли реалликка эга деб эълон қилинади. 2. Маҳаянчилар ҳинаяначиларга нисбатан Будда туғилишини бошқача талқин қилиш ғоясидир. Ҳинаянада Будда бешюздан зиёд қайта туғилиш натижасида ерда яшовчи тирик жонлар учун тўртта «олийжаноб ҳақиқат»ни очган инсон деб қаралади. Маҳаяначилар нуқтаи назарида Будда Шакъямуни чексиз макон ва замонда номоддий «Дхарма танаси»нинг нурланиши натижасида намоён бўлган. Шу назария асосида Маҳаянада Будданинг аввал икки, сўнг уч «танаси» ҳақидаги муҳим таълимот юзага келди. Оқибатда «Дхарма танаси»да Абсолют билан Буддани айнийлаштирилди.

Маҳаяна фалсафасида шунингдек, Абсолют билан нирвана ҳам айнийлаштирилади. Шунинг учун инсон ўзи билмаган ҳолда реал ҳаётда нирванада бўлади. Яъни нирвана бу фалсафада дхарманинг тинчланиши ва ердаги ҳаётнинг тугаши деб қаралмайди. Нирванага етишиш учун Маҳаяна таълимотида дунё феноменлари (моддий ва маънавий) хомҳаёлликни ечиш; азоб-уқубатнинг манбаи бўлган «иш ва нарсалар»дан мустақилликка эга бўлиш кифоя. Нирвана инсондаги ўзига хос психик ҳолат деб қаралади. Шунинг учун Маҳаяна фалсафасида психологик омилнинг роли юқори ўрин тутади.

Маҳаяна фалсафасида шунингдек, умумсабабият категориясидан фойдаланиш яъни «Моҳиятсиз атрибут, атрибутсиз моҳият» йўқ (асосчиси ҳинд Буддавийчилик фалсафасининг йирик олими-Нагараджуна, I-II аср) деган назария илгари сурилган. Бунда асосан ҳамма «ишлар ва нарсалар» бир-бири билан нисбий ҳолатда белгиланиши мумкин. Нагараджуна фикрича, агар «ўзи» (яъни субъект) бўлмаса, унда «у» ҳам йўқ. Бу жуда муҳим ҳолат бўлиб, «ишлар ва нарсалар» бир-бирига нисбатан боғлиқ ҳолатда чексиз намоён бўлиб давом этаверади.

Нагараджуна ҳаракат, осойишталик, субстанция, сифат, вақт, ўзгарувчанлик, сабабият «Мен» категорияларини талқин қилиб, Будданинг инсон қиёфасида мавжудлигини таҳлил қилди.

«Нарсалар ўз-ўзидан пайдо бўлмайди», у албатта бир қанча ўзига хос ички ва ташқи сабабларни бошдан кечиради. Демак, нарсалар турли сабаблар орқали вужудга келар экан, у ҳолда унинг ўз табиати бошқа нарсаларга боғлиқ.

Маҳаяна фалсафий қарашларида «татхата» (ҳаққоний реаллик, абсолют), «праджна» («олий донолик», интуитив билим), «шунъята» (бўшлиқ) каби категориялар ишлатилади. Бу категориялар буддавийлик фалсафасида инсоннинг нирванага етишиши учун аҳамиятлидир.

Будда («Дхарма танаси»даги) «праджна» ва турмуш (бытне)ни айнийлаштириш натижасида нирвананинг янги тушунчаси вужудга келиб, бу барча Маҳаяна мактаблари учун амалий аҳамиятга эга бўлди ва Будда таълимотида бу категорияни илмий асосланишга хизмат қилди.

Маҳаяна фалсафасида онгга тегишли дхармаларнинг саккизта турлари мавжуд бўлиб, улар уч типга бўлинади. Биринчисида дхарманинг олти хили ажратилади. Улар: эшитиш, кўриш, ҳид билиш, бадан билан ҳис қилиш, таъм билиш ва менталь органлар орқали идрок қилишдан иборат онгнинг бу типини “олти онглилик” деб айтилади.

Иккинчи типи умумлаштирувчи онг бўлиб, “олти онглилик” орқалик идрок қилинган нарса ва ҳодисаларнинг натижасини тартибга солиди, субъект ва объектларни ажратади, “иш ва нарсаларни фарқлайди” ва пировардида мантиқий усулни қўллаб, “мен” нинг реаллигини исботлайди.

Учинчи тип онг-“сақловчи онг” ҳисобланиб, унда гўёки тасаввурлар “уруғи” мавжуддир. Бунга асосан “иш ва нарсалар” мавжудлиги ҳақидаги

тушунча ва тасаввурлар вужудга келади. Бу учта онг типини умум ҳолатда шундай белгилаш мумкин: биринчи типи-ақл (тафаккур): иккинчи тип-асл, ўзининг онги ва учинчи тип-инсоннинг рухий (психик) ҳолатининг тузилишидир.

Маҳаяна фалсафасида онгда сақланадиган «уруғ» тушунчаси 5-6 хил деб қаралади ва ҳар бири ўзига хос билимларни олишга хизмат қилади. Яна «уруғ» 6 ни универсал ва индивидуал, «яхши» ва «ёмон»га ажратади. Уларнинг ҳар бири ҳақида муайян фикрлар мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, биринчидан, буддавийлик фалсафий мактабининг кўпчилиги ўз таълимотлари учун мадхъямаки доктринасини асос қилиб олдилар; иккинчидан, Нагараджуни эса, ўзларининг биринчи патриархи деб эълон қилдилар; учинчидан, Хитой ва Япон файласуфлари буддавийлик таълимоти асосида ўзларининг мураккаб диний-фалсафий системаларини ишлаб чиқдилар.

Таянч сўзлар :

Брахма, Вишну, дхарма, карма, моддийунлик, нирвана, параджина, субстанция, тримутра, Шива.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Буддавийлик фалсафасининг назарий асослари нимадан иборат?
2. Буддавийлик фалсафасида “дхарма”, “карма” категориялари қандай шарҳланади?
3. Ҳинаяна фалсафасининг назарий ва амалий асослари нимадан иборат?
4. Маҳаяна фалсафасида “олти онглилик” қандай талқин қилинган?
5. Маҳаяна фалсафасида “уруғ”лар деганда нимани тушунаси?

6-мавзу. Христианликдаги фалсафий қарашлар. Католик фалсафаси

Режа:

1. Католик фалсафаси
2. Неоавгустинчилик фалсафаси
3. Теярдизм фалсафаси

Христианлик ер юзида кенг тарқалган жаҳон динларидан бири. У асосан Ғарбий Европа, Шимолий ва Жанубий Америка, Австралия ҳамда қисман Африка ва Осиё қитъаларида тарқалган бўлиб, қарийиб XX аср давомида диний таълимоти, тарғиботини мустаҳкамлаш билан унинг фалсафий мазмунига катта эътибор бериб келинмоқда. Ушбу динга икки миллиарддан ортиқ киши эътиқод қилиб келмоқда.

Христианлик фалсафасининг шаклланишида христианлик илоҳиётчилигининг уч асосий ақидаси теология, христология ва

антропологияларнинг талқини муҳим ўрин тутди. Шу билан бирга Исонинг тарихи ҳақидаги ихтилоф билан боғлиқ. Яъни Исонинг ўзи Худо бўла туриб, инсониятнинг гуноҳларини ўзига олиш учун одам қиёфасида туғилгани, унинг ҳаёт тарзи, инсонлар билан мулоқоти, ўзини ихтиёрий равишда қурбон қилиши қабилар бўлса; иккинчидан, христианлик таълимотидаги Ота Худо, ўғил-Худо ва Муқаддас Рух – учюзлик Худо ҳақидаги фикрлар; учинчидан, бу таълимотдаги жаннат ва дўзоҳ, охират, Исонинг қайтиши ҳақида ва бошқа ақидавий қарашлар ташкил этди.

Христианлик эволюциясида аввало у католик ва православ черковларига ажралиб кетди, сўнгра протестантлик ҳаракати (XVI аср) вужудга келди. Уларнинг нафақат диний таълимотларида, балки фалсафий йўналишларида ҳам муайян ўхшашлик ва фарқлар мавжуд. Шу нуқтаи назардан христианликдаги уччала йўналишнинг фалсафий ғояларини алоҳида-алоҳида таҳлил қилиш мақсадга мувофиқдир.

Католик фалсафаси. Ўрта аср ва уйғониш даврида Ғарбий Европада фалсафий таълимотларда ҳам катта силжишлар кечган эди. Бу даврда Ғарбий Европада христиан дини аста-секин ҳукмрон мафкурага, дунёқарашга айланиб борар эди. Дин билимнинг барча соҳаларини, шу жумладан, фалсафани ҳам ўзига буйсундирди. Бу борадаги асосий йўналиш ва ҳаракат христиан динининг ақидаларини тўғри эканлигини назарий асосда исботлаш лозим эди.

Шу даврнинг йирик файласуфи ва илоҳиётчи олими Фома Аквинский (Томизм таълимоти деб юритилади) христиан дини ақидаларини назарий жиҳатдан тушунишни бир яхлит тизимга келтирган эди. Унинг фикрича, дунёнинг мавжудлиги Худога боғлиқ. Чунки У-биринчи сабаб ҳисобланади. Фома Аквинский Худонинг мавжудлигини нарсаларнинг мавжудлигини апостериор йўл билан, яъни оқибатнинг мавжудлиги сабабининг мавжудлигини исботлайди, деган тамойил асосида исботлашга ҳаракат қилади. Унинг фикрича, материя шаклга боғлиқ бўлмаган ҳолда, алоҳида мавжуд бўлиши мумкин эмас, аммо шакл материядан алоҳида яшаши мумкин. Бу билан Фома Аквинский моддий нарсалар олий шакл – Худога боғлиқ бўлмаган ҳолда мавжуд бўлиши мумкин эмас деган ғояни исботлашга ҳаракат қилади. Яна у, ҳамма нарса ва ҳодиса ўз сабабига эга, сабабларнинг сабаби эса худодир, дейди.

XIII-XV асрларда католик фалсафасида кучли таъсирга эга бўлган. Фома Аквинский қарашлари баъзи субъектив сабабларга кўра ўз мавқеини маънавий-мафкуравий ҳаётда биров сусайтирган бўлса-да XIX асрга келганда неотомизм (лат. не-янги ва Thomism - таълимот) номи билан яна жонланди. У хусусий фанларнинг ютуғини инкор этмади, аммо улар тўплаган билимларни илоҳиёт хизматларига ишлатишга ҳаракат қилди.

Фома Аквинский таълимоти католик фалсафасининг асоси қилиб олинганлиги учун Ватиканда шунга асосланган қатор институтлар, мактаблар, католик марказлари пайдо бўлди. Европада XVI асрдан бошлаб

қатор шаҳар ва мамлакатларда (Белгия, Париж, Лион, Пилле, Турин, Кельн ва б.) Фома Аквинский таълимоти бўйича фаолият кўрсатадиган кўпгина институтлар ишлай бошлади. Фақат Рим ва унинг яқинида 50 га яқин католик институтлари ва илоҳиётчилик марказлари фаолият кўрсатмоқда. Улар ҳар йили неотомистик руҳдаги юзлаб монографиялар, журналлар нашр қилиб турадилар.

XX аср неотомизмнинг йирик вакиллари – Ж.Мартен (1882-1973), Э.Жильсон (1884-1978), Г.Веттер (1911 й. туғ.), И.Бохенский (1902 й. туғ.), Г.Манзер (1866-1949), И.де Фриз (1874-1959) ва бошқалар ўз ижодларини Ф.Аквинский таълимотларига доир муаммоларнинг ечимига бағишладилар.

Неотомизм таълимотида ҳақиқатга эришишда иймон, эътиқод ва ақлнинг уйғунлиги тамойилларига эътибор қаратилди. Яна у, ҳақиқатга эришишнинг уч шакли бор дейди: фан, фалсафа ва илоҳиёт (теология). 1) Фан – энг қуйи ва оқибатларни аниқлашдан нарига ўтмайди; 2) философия бу ақлий билимининг муайян юқори босқичи бўлиб, унинг вазифаси оламнинг яратган биринчи сабабчиси Худони билишдан иборат; 3) илоҳиёт (теология)га асосланган билимлар неотомистларча қимматлидир, чунки у, ҳақиқатни очишга ёрдам беради. Шунга асосан неотомистлар Худонинг мавжудлиги, инсон руҳининг абадийлиги ҳақидаги ақидаларни илгари суради.

Онтология (борлиқ ҳақидаги таълимот) неотомизм фалсафасининг асосий қисмларидан бирини ташкил этади. Неотомизм бўйича борлиққа таъриф бериб бўлмайди. Борлиқ илоҳиётчилар учун «биринчи мутлоқ тушунча» деб қаралади. Неотомистларнинг талқинида бир томондан борлиқ моддий ва номоддий объектлар умумий хусусиятлари мавҳумий (абстракция) бўлиб гавдаланса, иккинчи томондан – Худо деб қаралади. Шунинг учун неотомистларда борлиқ ҳам табиат ҳодисаларининг хусусияти ҳақидаги таълимот ҳам Худо борлиғи ҳақидаги таълимот, деб қаралади.

Билиш назарияси хусусида Фома Аквинский тарафдорлари ўзига хос таълимот яратганлар. Бошқа диний-фалсафий қарашлардан фарқли ўлароқ неотомистлар объектив воқеликни тан олиб, унга суянган ҳолда, билиш жараёнида тажрибанинг ахамиятига эътибор қаратиб, инсонда ана шу тажриба йўли билан элементар тушунчалар пайдо бўлади. Аммо бундай тажриба номатериал моҳият ҳақида билим бера олмайди.

Неотомистлар билиш жараёнини субъект ва объектнинг ўзаро алоқаларида деб белгилайдилар. Субъект бу инсоннинг абадий руҳи сифатида, объект эса нарсаларнинг моҳиятидир. Шундай қилиб, инсон моддий объектнинг ўзини эмас, балки ундаги мавжуд ғоявий моҳиятни билади. Неотомистларнинг гносеологик назариясида моддий борлиқ четда қолади.

Неотомизмнинг борлиқ ва билиш назарияси II Ватикан собори (1962-1965)гача нафақат ягона расмий фалсафий тизим деб қабул қилинди, балки католицизмнинг асосий социал тълимоти бўлиб келди. Аммо неотомизмнинг барча анохрониклардан тозалаб, уни бошқа фалсафий тизимлар билан бойитиш мақсадида черков уламолари томонидан ҳам таъқиб қилина бошлади. Шундан сўнг уни замонга мувофиқлаштириш, айрим элементлардан тозалаш бўйича янги диний-фалсафий тизимлар вужудга кела бошлади. Шулардан бири неоавгустинизмдир.

Неоавгустинчилик фалсафаси. XX асрда неотомизм билан бир қаторда католик фалсафасида неоавгустинчилик қарашлари ҳам муҳим ўрин эгаллади. Унда интуитивизм тамойилларига асосланиш мавжуд. Неоавгустинизм қарашларида ҳиссий таъсир кўрсатиш воситаларини мутлоқлаштириш, инсоний фикрлаш қобилияти инкор этилиб, унинг ҳиссий ва ахлоқий тажрибасига хавола қилиш асосий ўринни эгаллайди. Бу таълимотга кўра дин бу билиш эмас, балки одамнинг бевосита Худо билан бошдан кечирадиган алоқаси, илоҳийлик эҳтиёжлари туфайли вужудга келадиган ички туйғусидир. Унинг бир қанча диний-фалсафий мактаблари бор. Булар – ҳаракат философияси М.Блондель (1861-1949) католик экзистенциализм вакили-Г.Марсель (1889-1973) персоналист – Ж.Лакруа (1900-1986) ва бошқалар.

Неоавгустинчилик мактабларининг вакиллари қуйидаги тамойилларни ёқлаб чиқдилар: ташқи оламни билиш учун инсониятнинг ички тажрибаси етарлилигини; Худо билан инсон ўртасидаги бевосита алоқа ҳақидаги таълимотни; объектив воқеликни билишда ички-ҳиссий воситаларини биринчи ўринга қўйишни; шахс муаммоларига алоҳида эътибор қаратишни ва бошқалар.

Неоавгустинчиларнинг назарияси бўйича неотомистик концепция (назария)нинг асосий камчилиги шундаки, улар динни бегоналашган ҳақиқат шаклида тасаввур қилиб, унга билиш жараёнида эришилади дейдилар. Неоавгустинчилар концепциясида диний имон билиш эмас, балки динга эришиш ва Худо билан учрашиш шахсга оид бетакрор тажрибадир.

Неоавгустинчилар объектив воқелик дунёни билишда ақлнинг қобилиятини тан оладилар, аммо ақл билан фан ўртасини қатъий чегаралаб қўядилар. Уларнинг фикрича, фан борлиқнинг моҳиятига етолмайдиган билишнинг қуйи босқичидир. Неоавгустинчилар билиш чегарасини кенгайтириб, шахснинг бунга экзистенциал (мавжудлик) тажрибаси орқали эришиш мумкин дейдилар. Бунда билишнинг ахлоқий жиҳатдан таҳлили кўзда тутилади. Яна улар фалсафасида Худо билан инсон муносабати марказий ўринни эгаллайди.

Борлиқ ҳақидаги таълимот бўйича, инсон ички ҳиссийлари туфайли ўзидан ташқаридаги борлиқнинг мавжудлигини, унга қандайдир боғлиқлигини ҳис этади. Бу борлиқ ҳамма жойда мавжуд, мутлоқ, танасиз,

ўзгармас каби хусусиятларга эга бўлган христианликдаги Худо орқали бошқарилади.

Неоавгустинчилар неотомистлардан фарқли Худо билан дунё муносабатларига бир хиллик, айнан «мен» тушунчасини киритади. Бу билан улар Худо билан инсон ўртасидаги чегарани йўқотиб, у билан бевосита алоқа боғлаш имкониятини кенгайтиришга ҳаракат қиладилар.

Неоавгустинчиликнинг дунёни билиш ҳақидаги назариясида креоцианлизм яъни, – ягона ижодий кашфиёт орқали тирик ва нотирик табиатни яратиш ғояси муҳим рол ўйнайди. Бу билан Худо ижодида узлуксиз ва чексиз яратилиш ғояси мавжудлигининг асосланади. Чексиз ижод (яратиш акти) икки шаклда: моҳият ва ҳодисани яратишдир. Воқелик материянинг метафизик тушунчасидаги суэт нарсадир.

Борлиқ мавжудликнинг манбаи ва мақсадидир. Аммо уларнинг фикрича, воқелик мавжудлик билан кўшилиб кетишга тўсқинлик қилади. Айни пайтда воқелик мавжудликнинг қарор топишида муҳим компонент ҳисобланади.

Христианлик фалсафасининг “фалсафий ҳаракат” (“философия действия”) мактаби вакиллари (М.Блондель ва бошқалар) қарашлари ўзига хосдир. Уларнингча, инсон бевосита тажриба ёрдамида асосий ҳаёт тарзи шаклида ташқи реал (объектив) борлиқни кўриш, кузатишни инкор этиб, асосий эътиборни ички, психологик жараёнларга кўчириш билан диний имон билимига эга бўлади.

Диний имонни ҳимоя қилиш учун блонделистлар дин билан фалсафани яқинлаштиришга ҳаракат қиладилар. Уларнингча, шундай муаммолар борки, улар ҳам фалсафа ҳам дин соҳасига таълуқлидир. Шундай муаммолардан бири инсон бўлиб, уни файласуфлар ўз воситалари билан ҳал қила олмайдилар, шунинг учун дин билан мулоқотга боришга мажбур. Шундай масалаларни ҳал қилиш учун блонделистлар “фалсафий апологетика” номли алоҳида фан бўлишини ва у икки йўлни: биринчиси динга боғлиқлик, ички-фалсафий ва иккинчиси-ташқи теологик билим билан шуғулланиши лозим.

Шундай қилиб, бу мактаб вакиллари христианликнинг инсонни дунёни ўрганиш ва ўргатишда фаол қатнашишининг таъминловчи динамик таълимот деган фикрни илгари сурадилар.

Тейярдизм фалсафаси. П.Тейяр де шарден 1881-1995) неотомизм ва неоавгустинчилик қарашларига нисбатан томомила бошқа мавқедан ёндошади. П.Тейяр таълимоти олам ва инсон ҳақидаги ортодоксал томистик қарашларига қарама-қарши қўйилади. Олимнинг фалсафий илоҳиётчилик руҳдаги асарлари ўз даврида черков амалдорлари томонидан оммалаштиришга ёки тарғиб қилишга йўл қўйилмади. XX асрнинг 60-йилларидан бошлаб, унинг қарашлари турли модернистик назарияларда кенг фойдаланила бошлади.

П.Тейяр қарашларининг аҳамияти шундаки, у христианликча дунёқарашни қайта кўриб чиқиш ва бунга ҳаракат ва ривожланиш элементларини киритишни таклиф этди. Эволюция тушунчаси унинг марказий методологик тамойили бўлиб, оддийдан мураккабга, пастдан юқорига қараб ривожланиш ва ҳаракат воқеликда давом этади. Шу йўсинда эволюция муайян нуқта «Альфа нуқта»да бошланади ва қуйидаги босқичларда намоён бўлади: неорганик табиат (ҳаётолди); органик моддалар (ҳаёт), маънавий дунё («фикр», «неосфера») ва Худо («Омега нуқта») П.Тейяр эволюциянинг учинчи босқичига алоҳида эътибор беради. Чунки бу босқич инсониятнинг қарор топиш ва ривожланиш даври бўлиб, унда онг, фикр, маънавият шаклланади.

П.Тейяр ғояларининг ҳозирги замон католикларнинг ижтимоий-ахлоқий қарашларига таъсири катта бўлди. Унинг инсониятнинг келажаги ва жамият қуриш ҳақидаги ғояси эътиборга молик ёки бошқача айтганда ғалатирокдир. Олимнинг фикрича, ижтимоий ва ахлоқий таракқиёт «элементларини» (интеграция) яъни, бир яхлитликка бирлаштириш керак. Агар бу назарияни кишилик жамиятига татбиқ қилинса, унда умум тоталитарлик ва ижтимоийлик (социализация) намоён бўлади. Келажак унингча, ҳозирги бир-бирини инкор қилувчи христианлик, буржуазия, демократия, шарқ мифлари ва бошқаларнинг бирлашишидан вужудга келадиган руҳни гавдалантиради.

П.Тейярнинг эволюцион назариясига биноан, дастлаб ягона умуминсоний маданият, техника, фан, дин ва ахлоқ вужудга келади. Охирги натижада инсоният тарихи эсхатология (инсоният ва дунёнинг охирати, тақдири ҳақидаги таълимот)га етишади ва бунда маънавий маданият ўзининг моддий базасидан ажралиб, воқеликнинг махсус кўриниши сифатида яшайди. Муҳаббат жамият эволюциясининг ҳаракатга келтирувчи кучи бўлиб гавдаланади. Муҳаббат П.Тейяр бўйича бир неча хил бўлади: танланган (маҳфий, ички яхшилик), ижтимоий (яқинларига) ва инсоннинг Худога муносабати алоҳида тамойил сифатида талқин қилинади. Муҳаббатнинг энг сўнгги Омега нуқтаси ҳар қандай муҳаббатни бирлаштирувчи-Христосга интилишдир.

Католик фалсафасидаги неотомизм, неавгустинизм ва тейярдизм фалсафий оқимларнинг мазмун моҳияти билан танишишдан шундай хулосага келиш мумкин: биринчидан, уларнинг қарашларидаги борлик, билиш назарияси, ижтимоий, маданий ва ахлоқий масалалар илоҳий нуқтаи назардан таҳлил қилинади; иккинчидан, масалага турлича ёндашув ва ҳар хил талқин беришда фан ютуқларидан фойдаланиб, Худо борлигини исботлашга ҳаракат қилинади; учинчидан, католицизм йўналишидаги диний фалсафада ҳозирги замон фани ва талабига мослашиш тенденцияси кўзга ташланади.

Таянч сўзлар:

Апостериор, “Альфа нуқта”, Муқаддас рух, неотомизм, Ота-Худо, “Омега нуқта”, томизм, черков, ўғил-Худо.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Христианлик илоҳиётчилигининг уч асосий ақидаси нимадан иборат?
2. Католик фалсафасининг ғоявий манбалари нимага асосланади?
3. Томизм ва неотомизм қарашлари нимадан иборат?
4. Католик фалсафасида билиш назариясига қандай ёндошилади?
5. Неоавгустинчилик мактабининг маҳияти нимадан иборат?
6. Тейярдизм фалсафасининг бошқа диний-фалсафий таълимотлардан фарқи нимада?

7-мавзу. Православ фалсафаси

Режа:

1. “Академик фалсафа”
2. “Метафизик умумбирлик фалсафаси”.
3. “Янги диний онг фалсафаси”.

“Академик фалсафа”. Бу диний-фалсафий таълимот ўзининг шарқий кўринишини қарор топтириш учун курашда Византияда кенг қулоч ёзди. Унда Аристотелнинг мантиқ талабларига суянган ҳолда бутун христианлик таълимотининг ҳаққонийлиги ва унинг абадийлигини асослашга ҳаракат қилди. Бундай диний-фалсафий қарашлар илм-фан, маданият ва маънавият соҳасидаги янги маълумотлар билан ҳисоблашиши зарур эди.

XVIII-XX асрларда ижтимоий тараққиёт кўлга киритган ютуқлар қатори христианликнинг православ йўналишида ҳам муҳим ўзгаришлар вужудга келди. Бунда айниқса, «Академик фалсафа», «Метафизик умумбирлик фалсафаси», «Янги диний онг фалсафаси» диққатга сазовордир.

“Академик фалсафа” қарашларининг шаклланиши XVIII асрнинг охири XIX асрда Москва маънавий (диний) академияси фалсафа кафедраларининг профессорлари – Ф.А.Голубинский (1797-1854), В.Д.Кудрявцев – Платонов (1828-1891) ва бошқалар ҳамда шу йўналишдаги Қозон, Перербург, Киевдаги олимларнинг диний-фалсафий қарашлари “Академик фалсафа” деб номланди.

Православ фалсафасининг умумий вазифаси Худо моҳиятини турли йўллар билан билишда муҳим диний-ақидавий тасаввурларни мувофиқлаштириш орқали христианлик дунёқарашини шакллантириш эди. Илоҳиётчиликдан фарқли ўлароқ бу фалсафа христианликнинг ҳаётий

тамойилларини ақлга мувофиқлигини ва фойдалилигини тушунишда диндорларга ёрдам берди.

Академик фалсафа вакиллари билиш жараёнига ҳам эътибор қаратдилар. Уларнинг фикрича, моддий ва маънавий дунё, ғайритабиий дунё билан бирга бўлгандагина ҳақиқий билиш ҳисобланади. Билишни улар эмпирик, рационал (ақлий) ва идеал (юксак орзу)ларга бўладилар. Эмпирик билиш жуда чекланган, рационал-етарли эмас. Идеал билиш энг асосий билиш ҳисобланади. Чунки, бунда оламни бошқарувчи мурувватли, гўзал, мутлоқ юксак поғонадаги Худо ҳақиқати ҳақида умум тасаввур шаклланади. Бунга фақат динга ишониш орқали эришилади.

Онтологияда Худо борлиғи, дунё ва инсоннинг илоҳий келиб чиқишига марказий ўрин ажратилади. Академик фалсафа бўйича, рационал билиш учун космологик, идеологик, психологик, онтологик, ахлоқийлик етарли эмас. Фақат улар Иисус Христос ҳақидаги тасаввурлар билан кўшилгандагина тўлиқ бўлади.

Академик фалсафа вакиллари христианлик ахлоқи ва антропологияси масаласига ҳам эътибор қаратдилар. Бу муаммо М.М.Тарлев (1867-1934), В.И.Несмелев (1863-1920)ларнинг асарларида кенг ёритилди.

М.М.Тарлев ўз асарларида диний фалсафани христианлик ахлоқий таълимотининг юксак шакли деган тасаввурни илгари сурди. Унингча, христианлик фалсафаси – ҳаёт фалсафасининг бир қисмидир. Бу фикрни В.И.Несмелев давом эттириб бир муҳим масалани илгари суради, яъни у инсоннинг ўзи нима, унинг дунёдаги реал тутган ўрни қандай, қандай тамоийиллар билан ўзининг ҳаёт тарзини шакллантириши керак деган саволларни қўйди. Бу масалаларнинг ечимига Несмелев фикрича, фақат маънавий тажрибани ташкил қилувчи христианлик таълимотини билиш орқали етишиш мумкин.

В.И.Несмелевнинг ахлоқий фалсафасида христианлик онтологиясига ҳам аҳамият берилган. Бундаги асосий тамоийил инсоннинг ҳақиқий ва идеал ҳаёти муносабати масаласидир. Инсон табиат қонунлари билан боғлиқ дунёдаги оддий мавжудот ҳисобланади. Инсоннинг субстанционал шахсга айланиши фақат диннинг идеал турмуши орқали бўлади.

Шундай қилиб, академик фалсафа вакиллари православ фалсафасини христианлик диний таълимотининг асосий тамоийилларига асосланиб, унинг дунёқарашлик (идеал), ахлоқий, антропологик ва бошқа жиҳатларини таҳлил қилдилар.

“Метафизик умумбирлик фалсафаси”нинг шаклланиши. Бу фалсафий назарияни мистик-файласуф, руҳоний ва шоир В.С.Соловьёв (1853-1900) ишлаб чиқди. У бу масалага бағишланган қатор асарларида академик фалсафанинг анъаналари шунингдек, Платон ва Августиннинг теологик-фалсафий қарашларига, Кант антропологиясига суянган ҳолда ўз назарий қарашларини асослашга ҳаракат қилди.

Умумбирлик фалсафаси ҳақидаги таълимотда В.С.Соловьев фалсафаси тамойили асос қилиб олинади. Онтологик жиҳатдан умумбирлик фалсафаси ҳар қандай ҳаёт бошланишини белгиловчи уч кўринишдаги Худо ҳисобланади. Умумбирлик – бу ижодкор билан ижод қилинган нарсаларнинг бирлигидир.

Гносеологик жиҳатдан умумбирлик фалсафаси эмпирик (илмий), рационал (ақлий) ва мистик (диний) билимларнинг ажралмас бирлигини ташкил этувчи билимлар йиғиндиси деб тасаввур қилинади.

Ғайритабиий, илоҳий ғоя ҳукмронлиги масаласи В.С.Соловьев фалсафасида борлиқ бошланишининг белгиловчиси бўлиб, олам унинг интихосидир. Моддий олам ривожини тугалланган деб тасаввур қилинмайди, балки Худо иродаси марҳамати билан ривожлана боради. Бунда ҳаётнинг пастдан юқори шаклларига қараб ривожланиш эволюцияси кузатилади. Яъни ижодий жараённинг бошланиши бўлган минераллар, ўсимлик дунёсини вужудга келтиришга асос бўлади, ўз навбатида бу ҳайвонот дунёсини, сўнг маънавий, дунё инсониятни вужудга келишига олиб келади.

В.С.Соловьев қарашларида илоҳий ҳақиқат, яхшилик, гўзаллик каби ижобий умумбирликка тўлиқ билим асосида эришиш мумкин. Тўлиқ билимга илмий-эмпирик ёки рационал воситалар билан эришиб бўлмайди. Фақат бунга мистик (абсолют бошланишни тан олган ҳолда) йўл билан эришиш мумкин.

В.С.Соловьевнинг ахлоқий назарияси шундан иборатки, инсоният ахлоқий мукаммаликка фақат Иисус Христос кўрсатган ахлоқий қадриятларга тўлиқ эътиқод қилиш орқали эришади. Бундан ташқари, инсонда табиий ҳиссиётлар – уят, ачиниш, мурувватлилиқ каби ахлоқий нормалар мавжуд. Аммо улар кишилардаги индивидуал ўзига хос ахлоқий тамойилларнинг юқори кўрсаткичлари шаклида намоён бўлиши мумкин.

XIX асрнинг иккинчи ярми ва XX асрда рус православиясида христианликнинг теологик янгилаш тенденцияси юзага келди. Бунга илоҳиётчилар, файласуф олимлар ўз фикрлари билан қатнашдилар. Буларнинг ичида илоҳиётчи, файласуф П.А.Флоренский (1882-1937) ўзининг қатор ишларини христианликдаги теологик-янгилашни фалсафасига бағишлади.

П.А.Флоренский фикрига кўра, ҳақиқатни билишга ақлий интуиция, диний кечинмалар айнийлиги асосида эришиш мумкин. Бунда юқоридан пастга, бутунликдан ҳар хил чексиз ривожланиш жаарёни содир бўлади.

И.Кант сингари П.А.Флоренский инсоният христианлик ақидаларининг ички моҳиятига етиб бориши мумкин эмас деб ҳисоблайди. Бунинг учун ақидаларнинг ҳаққонийлигини тан олиш керак. Бу билан П.А.Флоренский инсониятнинг билиш қобилиятини чегаралаб қўяди.

Рус православ фалсафасида С.Н.Булгаков (1871-1944)нинг ҳам таъсири катта бўлган. Диний онгда илоҳий дунёни ҳис қилиш Булгаков

фалсафасининг асосини ташкил этди. Унинг дунё «ҳечлик» (ничто)дан яратилган. Ҳечлик Библиядаги ҳеч нарса (ничего)дан фарқ қилади. Ҳечликдан Худо марҳамати билан осмон ва сайёралар, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси яратилган.

Хулоса қилиб айтганда, метафизик умумбирлик фалсафаси вакиллари қарашларида айрим фарқлар бўлиши билан бирга, уларнинг фалсафасида умумий томонлар ҳам учрайди. Барчасида оламнинг яратилиши, инсониятнинг яшаши ҳақида фикрлар билдирилиб, гносеологик, антропологик, психологик ва бошқа жиҳатларга эътибор қаратилган.

Янги диний онг фалсафаси. XIX асрнинг ўрталари, айниқса, XX асрнинг охирида православ фалсафасини Россиянинг янги ривожланиш жараёнига мослашга бўлган ҳаракат нафақат илоҳиётчи-уламолар, балки либерал зиёлилар Л.И. Шестаков (1866-1938), Н.О.Лоский (1870-1941), Н.А.Бердяев (1874-1948), В.В.Розенов (1865-1919), С.Н.Булгаков, С.Маколевский (1865-1941), Н.М.Минский (1875-1929) ва бошқалар томонидан амалга оширилди.

«Янги диний онг» фалсафасининг кўзга кўринган вакилларида бири Н.А.Бердяев эди. У фалсафий, сиёсий, иқтисодий, ахлоқий, эстетик қарашларни қамраб олган ўзининг персонализм (махсус)ни ишлаб чиқди. Бу персонализм абсолют ҳаётда универсаллик тушунчасини асос қилиб олади. У ҳоли бўлиб, замон ва маконга эга эмас, зарурият қонунига ҳам бўйсунмайди. Универсал ҳаётнинг эгаси-илоҳиятдир.

Н.А.Бердяев дунёни яратишда фойдаланиш учун Худога боғлиқ бўлмаган “ҳечлик” (“ничто”) мавжуд дейди. Унинг бу ғояси нафақат черков илоҳиётчилари, балки христианликни янгиланиши билан шуғулланувчи файласуфлар томонидан ҳам ёмон баҳоланди.

Н.А.Бердяевнинг этика таълимотларидаги қарашларида уч босқич таърифланади: этика қонуни, тавба қилиш этикаси ва ижод этикаси. Уларнинг ҳар бирига олим ўз асарларида изоҳ беради. Масалан, этика қонуни, унинг фикрича, қадимги аҳдномада шакллантирилган бўлиб, ундаги яхшилик ва ёмонлик, қатъий қоида ва нормалар Худодан кўрқиш асосида бўлади. Бу этика гуноҳни ювиш этикаси билан тўлдириши Иисус Христоснинг ахлоқий жасоратига тақлид қилиш орқали бўлиши керак. Олимнинг фикрича, ижод этикаси ҳақиқий христианлик этикасидир.

Таянч сўзлар:

Ақлий интуиция, диний кечинма, идеал, рационал, субстанционал, эмпирик, ҳечлик (“нечто”)

Такрорлаш учун саволар:

1. “Академик фалсафа”нинг асосий мазмуни нима?
2. бу фалсафада билиш қандай изоҳланади?

3. Бу фалсафада христианлик ахлоқи қандай талқин қилинади?
4. В.С.Соловьев қарашлари умумбирлик фалсафасида қандай шарҳланади?
5. “Янги диний онг” фалсафасининг мазмуни нима?

8-мавзу. Протестантлик фалсафаси ва теология

Режа:

1. Протестантлик ортодоксияси (эътиқод изчиллиги)
2. Протестантлик фалсафасида теологик қарашлар
3. Христиан фундаментализми

Протестантизм ортодоксияси. Ушбу фалсафий-теологик қарашлар тарафдорлари католицизм ва православие фалсафий-теологик таълимотларидан фарқ қилувчи фикрларни илгари сурадилар. Жумладан, протестантизм католицизм фалсафасини рад қилиб, диннинг ўзини дунёвий ақл-идрок билан мушоҳада қилиш объектига айлантирди. И.Кантнинг дин ҳақидаги таълимоти, мавжуд черковни танқид қилиши, Худони амалий ақл-идрок постулати ва ахлоқийлик гарови сифатида эътироз этишдан протестант ортодоксияси илоҳиётчилари фойдаландилар ва натижада диннинг протестант философияси сифатида кўрсатмоқчи бўлдилар.

Протестантлик фалсафасида М.Лютер ва Ж.Кальвин қарашлари ўзига хосликка эга бўлди. Улар илоҳий ваҳй таълимотига суяниб, Худо борлигини ахлоқий исботлашни рад этдилар. М.Лютер, Ж.Кальвин ва бошқа реформаторлар ўзларининг инсониятнинг икки ҳаёти ҳақидаги таълимотларида христианлик фалсафаси ва теологияси учун жуда муҳим бўлган гуноҳ мавзуини ривожлантирдилар. Гуноҳни инсоннинг Худодан бегоналашуви деб баҳолаб, унинг шахсий ва ижтимоий жиҳатларини очиб бердилар. М.Лютер фикрига кўра, ҳаёт, яъни инсон иккиланган-ички ва ташқи, руҳий ва тана ҳолатида бўлади.

Шу боисдан, диний тажрибага эътибор кучайтирилиб, Худонинг қодирлиги ҳар бир христианнинг ички образида, Иисус Христос унинг юрагида сақланиши ҳақидаги ғоялар илгари сурилди.

Ж.Кальвиннинг фалсафий қарашлари ва теологиясида ҳар қандай тартиб ва қоидаларнинг манбаи, мустақил, абсолют (мутлоқ) иродага эга бўлган Худо ҳақидаги таълимотга асосланади. Инсон Худо иродасига сўзсиз итоат этиши керак. Инсон (динга ўзини топширган) тақдири абадий ҳаёт учун у дунёда роҳат, фароғат учун бағишланган бўлса, шунга лойик келадиган хатти-ҳаракатлар қилиши лозим.

Христиан фалсафасининг бу йўналишида либерал теология, яъни теизмга (оламни яратиш бошқарувчи-Худо) деизмни (оламни яратилишида Худо бошланғич сабабчи) қарши қўйган немис олими И.Землер (1725-

1791) қарашлари ўзига хосдир. Унингча, Худо оламини яратишда биринчи туртки бўлиб, борлиқдаги бошқа жараёнларга аралашмаслиги тамойили ҳақидаги фикр асосланади. Динни ақл билан мослаштиришга ҳаракат қилинади.

Немис файласуфи ва илоҳиётчиси Ф.Шлейермахер (1768-1831) ўзининг қатор асарларида (жумладан, «Христианская вера»-1831) дин инсонга бевосита берилган алоҳида соҳа бўлиб, у инсон субъекти билан боғлиқдир, деган фикрни илгари суради. Яна у Худонинг ҳамма нарсаларда мавжудлиги, борлиқнинг ички ижодий кучи, асоси ва манбаи сифатида тушунишни талаб қилди.

Протестантлик фалсафасида теологик қарашлар. Реформаторлар фалсафага қарши курашган бўлсалар ҳам XIX асрда уларнинг қарашларида илоҳиёт (теология) кенг ўрин олган эди. Аммо улар христиан ақидаларини талқин қилишда И.Кант, Фихте, Шеллинг, Гегель таълимотига суянишга мажбур бўлдилар. Шунинг учун XIX асрдаги замонавийлашган протестантлик илоҳиёти «Либерал теология» номини олди.

Либерал теология христианликдаги анъанавий уч худолик (Троица) таълимотини, Иисус Христоснинг илоҳийлигини, уни хочга (бутга) тортиб ўлишини шунингдек, дунёни ва инсонни Худо яратганлиги ҳақидаги таълимотни инкор этди. Улар Иисуснинг тарихий «либерал» (озод, эркин) образини яратдилар.

Либерал теологияга асосланган фалсафий қарашлар неокантчилик таълимоти асосида ўзгара борди. У ахлоқий қадриятларга эътибор қаратди. XX аср бошларида биринчи жаҳон урушидан кейин Европада, кейинчалик АҚШда «диалектик теология» вужудга келди. Унинг вужудга келишидан аввал христианликни модернизациялашга (замонавийлаштириш) қарши АҚШда фундаментализм шаклланди. Бунда Инжил (Библия) қонунларини илоҳийлигининг диний таълимотнинг фундаменти (асоси) сифатида қабул қилиш талаб қилинди. Натижада 1919 йили Бутунжаҳон христианлар фундаменталистик ассоциация тузилди.

Швецариялик реформатор илоҳиётчи К.Барт (1886-1968) диалектик теологиянинг асосчисидир. У янги фалсафий даражада ортодоксал протестантликка қайтиш назариясини ишлаб чиқди. К.Барт либерал теологияни қаттиқ танқид қилади, чунки ваҳйлик (откровение) ҳар қандай фалсафага қаршидир, дейди. К.Барт теологик таълимотида христология (Христос ҳақидаги таълимот) марказий ўринни эгаллади. Фақат Иисус Христос орқали Худо борлиғига ва тақдирининг илоҳийлигига инсон эришиши мумкин.

XX асрнинг 60 йилларига келиб, протестантлик фалсафасида эсхатологик (юнон. eschatos – охирги, logos - таълимот) – инсон ва дунёнинг охирги тақдири ҳақидаги таълимотга эътибор қаратилди. Илоҳиётчилар эсхатологияни янгилаш орқали мавжуд эскирган анъанавий таълимотлардан қутилишга умид қилдилар.

Бу теологик таълимот вакиллари Ю.Мольтмон (1926 йил туғилган) ва В.Панненберг (1928 йил туғилган) ваҳй (откровение)ни Худонинг тарихга фаол таъсири деб талқин қилдилар, диний таълимотнинг муҳим ҳолатлари сақланишини талаб қилдилар. Диний таълимотнинг фалсафий-илоҳиётчилик ва ижтимоий жиҳатдан анъанавий асосини қайта кўриб чикдилар. Бунда энг янги фалсафий, социологик ва психологик назариялардан фойдандилар.

Христиан фундаментализми. XX асрнинг 70-йилларига келганда христианликнинг ҳаёт ҳақидаги таълимотига эътибор кучайди. Унинг тарафдорлари “евангель” христианлик таълимотини кенг тарғиб қилишини ёқлаб чикдилар. Айниқса, модернизмга қарши вакиллари христианликни фундаментал асосларини давом эттиришни талаб қилдилар. Шу муносабат билан улар олий ўқув юртларида эволюционизм ва дарвинизм дарсларини ўқитишга қарши чикдилар. Бу борада 80-йилларда баптизм тарғиботчиси Д.Фолуэл (1933 йил туғилган) «Моральное большинство» (Ахлоқий кўпчилик), 1986 йилдан эса «Федерация свободы» (Озодлик федерацияси) ҳаракатини асослаш билан машҳур бўлди.

Кейинчалик «Илмий креационизм» Библияда изоҳланган олам ва одамни Худо яратган деган таълимотни жиддий ёқлаб, теологияда модернизацияни қаттиқ танқид қилди. Натижада бу илоҳиётчилик қарашларга асосан дарвинизмнинг эволюцион таълимоти бутунлай инкор этилди. Бундай назарияни қувватламай, ундан ажралиб чикқан католик ва протестантлик илоҳиётлари «эволюцион креационизм»ни яъни секин-аста, босқичма-босқич олам яратилганлигини тан олдилар.

XX асрнинг охирида протестантлик теологияси диний плюрализмга юз тутди. Экуменистик илоҳиётчиликнинг шаклланиши кенг қулоқ ёзиб, христианликни бошқа диний қарашлари ва тизимлар билан мулоқот кўзда тутилди. Бу айниқса, Осиё, Африка, Лотин Америкаси илоҳиётчилари учун аҳамиятли эди. Улар христианлик, ислом, ҳиндуизм, буддизм ўртасидаги бирлик, ўхшашлик жиҳатларини топишни мақсад қилиб олганлар. Масалан, 60 йилларда Шимолий Америкада «Черная теология» (негрларнинг маҳаллий ибодатлари билан христианликни мослаштириш) вужудга келди. Уларнинг қарашларида Иисус Христос қора халқни танлаган, шунинг учун бу ҳаракат мухлислари Христосни ҳеч бўлмаса рухий ва ахлоқий жиҳатдан қора бўлган дейдилар.

Хулоса қилиб айтганда, XVI-XX асрлар давомида протестантлик илоҳиётчилик таълимот билан ёнма-ён фалсафий қарашлар ҳам ривожланди. Бу даврда протестантлик ортодоксияси ва теологиясида шаклланган турли-туман фалсафий қарашларда христианлик таълимотига нисбатан муносабатни, Иисус Христос ва Худо борлигини аниқлашга турлича талқин бердилар. Бунда фалсафий мерослардан ва фан ютуқларидан фойдаландилар.

Таянч сўзлар:

Деизм, креационизм, либерал теология, ортодокция, реформатор. фундаментализм, экумен ҳаракат, эсхатология

Такрорлаш учун саволлар:

1. М.Лютер ва Ж.Кальвин протестантлик ортодокциясига қандай ҳисса кўшди?
2. Либерал теология (илоҳиётчилик) қандай ривожланди?
3. Протестантлик фалсафасида қандай теологик қарашлар мавжуд?
4. Христиан фундаментализмининг моҳияти нимада?

9=мавзу. Ислом илми ва фалсафаси

Режа:

1. Ислом фалсафасининг шаклланиши
2. Муътазилларнинг қарашлари
3. Ҳанбалийлик қарашлари
4. Ал-Ашъория-калом йўналиши

Ислом фалсафасининг шаклланиши. Ислом дини VII асрда пайдо бўлиб, кенг тарқала бориши билан бирга унинг илоҳиёт илми VIII-асрда араб халифалигида шакллана бошлади. Бу ислом илми илоҳиёт калом¹ бўлиб, ислом диний таълимотини назарий жиҳатдан асослашга ҳаракат қилади. Зеро, ислом пайдо бўлган дастлабки йилларданок тараққиётнинг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий жиҳатлари қатори, унинг маънавий-ахлоқий айниқса, дунёқарашлик жиҳатлари бу дин соҳасидаги мутахассисларни қизиқтираётган эди. Тарихий манбалар маълумотича, калом илми 657-750 йиллар оралиғида шакллана бориб, кейинчалик у ўзининг муайян тизими ва предметини аниқлаб олган эди.

Уммавийлар даврида ислом таълимоти ва илми ҳақида турли фикр билдирувчи кишиларга нисбатан каломнинг вазифаси ўша даврдаги эътиқодий ва Аҳли Сунна ва ал-Жамоа эътиқодига тўғри келмайдиган фикрларга Қуръон ва сунна асосида жавоб бериш мақсад қилиб олинган эди.

Калом илмининг ривожланиш даврида аввалги вақтларга ўхшаб фақат Қуръон ва суннадан далил келтириш билан кифояланиб бўлмайд қолди. Чунки, шу даврда шаклланган турли фирқалар унга кўшимча ақлий далил келтиришни ҳам ёқлаб чиқдилар. Айнан мўътазиллар ўзларининг мантикий-фалсафий исботлаш усуллари билан ислом доирасида хурфикрлиликнинг вужудга келишига асос солдилар. Бундай фалсафий

¹ Калом – араб. равон нутқ, жумла, гап, сўз маъносидадир. Унинг тарафдорлари – мутакаллимларнинг қарашларини калом илми деб юритилди.

тизим Х асрга келиб ишлаб чиқилди. Шу даврга келиб ислом илмида каломнинг ал-Ашъарий ва ал-Мотуридий мактаби вужудга келди.

Шундай қилиб, калом исломда муайян мантиқий далилларга таяниб, диний таълимотни асослашга ҳаракат қилувчи назарий илоҳиёт ҳисобланади. Калом турли диний–сиёсий гуруҳлар (хорижийлар, қадарийлар, жабарийлар ва ҳ.к.) пайдо бўлиши билан боғлиқ баҳслар жараёнида вужудга келди ва тараққий қилди. «Ҳақ» ислом йўли тизими Х асрга келиб ишлаб чиқилди ва калом илми билан ақидашуносларни мурасага келтириш вазифасини ал-Ашъарий (873-935) ва ал-Мотуридий (870-944) амалга оширдилар. Шундан сўнг калом улар асос солган икки мактабни англатувчи атамага айланди. Ашъария каломи асосан шофийлар орасида тарқалган бўлса, Мотуридия каломи Ҳанафия доираларида кўплаб тарафдорларга эга бўлди. Хусусан, Мовароуннаҳр мусулмонларининг асосий ақидасига айланди.

Мотуридий ақидасига доир масалаларни Мотуридийнинг яқка ўзи тартибга солган эмас, балки унга қадар Аҳли Сунна ва ал-Жамоа ақидаси шаклланиб улгурган эди. Мотуридийнинг хизмати шундан иборат бўлганки, ўша даврдаги ақидавий оқимларнинг таъсирини қирқиш, уларнинг иддаоларига раддия бериш, кучли ва асосли далиллар билан ҳақиқий ислом ақидасини ҳимоя қилиш, илми калом, мантиқ ва мунозара қоидаларига риоя қилган ҳолда муҳолифлар жаҳолатига илму маърифат билан жавоб қайтариб, чин ихлосли мусулмонлар учун ақидага доир муҳим қўлланмалар тайёрлаб беришни ният қилган эди.

Шайх Абдулазиз Мансурнинг «Ақоид матнлари»¹ китобида кўрсатилишича, Аҳли Сунна ва ал-Жамоа ақидаси ўша даврда учта шахс томонидан ҳимоя қилинган ва асосий рукнлари ишлаб чиқилиб, улардан биринчиси – Абу Ҳасан Ашъарий Бағдодда, иккинчиси – Абу Жаъфар Таҳовий Мисрда ва учинчиси – Абу Мансур Мотуридий Мовароуннаҳрда сунний ақиданинг ҳимоячилари сифатида ислом тарихида чуқур из қолдирдилар.

Бизлар учун яхши билиб, доимо назарда тутиб юриш зарур бўлган бир неча муҳим масалалар бор. Улар қуйидагилардан иборат

1. Мотуридия ақидаси билан Ашъария ақидаси ўртасидаги фарқлар ва қарама-қарши томонлари қуйидагича. Баъзи олимлар уларни 15 та, бошқалари 40 та, хатто, 50 тагача санаб етказганлар. Уларнинг асосийлари – Аллоҳнинг зотий ва феълий сифатларга эга бўлиши, сифатларни айни зоти ёки ғайри зотлилиги, Мусо (а.с.) Аллоҳнинг каломини бевосита эшитганми ёки билвоситами, ирода билан ризо бирми ёки тафовутлими, Аллоҳни кўриш жоизлигига Ашъарий ақлий далил келтирган, Мотуридий нақлий, қабих ишнинг содир этилиши бандаданми ёки у ҳам Аллоҳданми – бунга Мотуридий ҳусну кубҳ (яхшилигу қабихлик) ҳаммаси Аллоҳдан,

¹ Қаранг: Шайх Абдулазиз Мансур. Ақоид матнлари. Тошкент Ислам университети нашриёти, 2006.

лекин беҳикмат эмас, дейди. Ашъарий инсон ўз тоқатидан ташқари ишга таклиф этилиши мумкин деса, Мотуридий унинг аксини айтади. Шунингдек, Аллоҳни ақл билан таниш вожибми ёки нақл биланми деган масалада Мотуридий ақл билан деган. Имон билан ислом бир нарса экани, бахтли ва бахтсиз инсонлар охир-оқибат ўзгариб – алмашиб қолишлари мумкинлиги, қилинадиган яхши ва ёмон амаллар банданинг касби ва Аллоҳнинг яратиши билан ҳосил бўлиши, муқаллиднинг имони мақбул экани, имоннинг ўзи эмас, балки унинг нури, қуввати ортиб ёки камайиб туриши, имоннинг рукнлари иккита, яъни иқрор ва тасдиқдан иборат экани, амаллар имон таркибига кирмаслиги, балки савоблар ва гуноҳлар алоҳида ҳисобга олиниши каби масалаларда Имом Ашъарий мотуридия ақидасининг хилофини тахрир этган.

2. Мотуридиянинг мўътазила ақидасидан фарқлари. Аввало, диний фанлар қаторига калом илмининг киришига асосий сабаб мўътазила тоифасининг ақлий мунозаралари ва қаршиликлари бўлган. Мўътазилийлар ашъария ёки мотуридия қарашлари каби ақлни нақлий далиллардан кейинги эмас, балки биринчи ўринга қўйганлар. Ақл ва фикрни асосий манба қилиб олиб, унга тўғри келмаса, ҳатто, оят ва ҳадисларни инобатга олмай, балки хусусан ақлга бўйсундирмоқчи бўлганлар. Шунинг учун ҳам Мотуридий бошқа оқимларга қараганда кўпроқ мўътазила фирқасининг фикрларига қарши раддиялар билан чиққандир. Уларнинг ақлий ва фикрий далилларини рад қилиш учун ҳамюртимиз калом илми билан шуғулланишига тўғри келган ва у шу услуб билан Аҳли Сунна ақидасини ҳимоя қилишга муяссар бўлган.

Мўътазилийлар қарашлари. Мўътазилийлар фирқаларининг мотуридия ақидасига зид қарашлари, асосан, қуйидагиларда ўз аксини топган. Улар айтадилар: Аллоҳнинг исми ва сифатлари азалий эмас, улар ҳеч қандай маъно ва мазмунга эга эмас; Аллоҳни бу дунёда ҳам, охирада ҳам кўриш мумкин эмас; Қуръон азалий эмас; банданинг фойдасини кўзлаб иш қилиш Аллоҳнинг зиммасида вожиб; қатл этилган киши ажалидан олдин ўлган бўлур; ҳалол-ризқ, лекин харом-ризқ эмас; Аллоҳ фақат яхшилиқни ирода қилур. Ёмонлик унинг иродасидан ташқаридир; имон озайиб, кўпайиб турувчи нарсадир ва бошқалар.

Зикр этилганлардан кўриниб турибдики, мўътазила фирқаси мотуридия ақидасига хилоф равишда алоҳида назарияга асос солган. Аммо мўътазилийларнинг ақл-идроқка асосланган қарашлари, ғоялари мафкуравий асос вазифасини бажариб келди.

Калом фалсафасининг йирик йўналиши вакиллари билан бири – мўътазилийлардир. Улар Дамашқ ва Бағдод халифалиги ҳаётида VII-IX асрларда муҳим ўрин тутганлар. Ал-Ҳасан ал-Басрий (вафоти 728 йил) даврасидан шогирдлари Восил ибн Ато (вафоти 748 йил) ва Амр ибн Убай (вафоти 761 йил) ажралиб, алоҳида бўлиб чиқадилар ва «мўътазила» (ажралганлар) номини оладилар. Улар ал-адлийун, ал-адлийя, аҳл ал-

адл; аҳл ал-адл ват-тавҳид каби номлар билан ҳам аталганлар. Бу номлар улар таянган беш асоснинг дастлабки иккитаси билан боғлангандир. Мўътазилий Абул Ҳузайл ал-Аллоф (841 ёки 849 йил вафот этган) даврига келиб тугал ёйилиб бўлган бу беш асос қуйидагилар: 1) «Адолат» (ал-адл)–илоҳий адолат инсоннинг ирода эркинлигини тақозо этади. Аллоҳ фақат яхшилик (ал-аслах) ижодкори бўлиб, у умр давомида белгилаб қўйган нарсалар тартибининг бузилишига йўл қўймайди. 2) «Яккахудолик» (ат-тавҳид)–Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этиш, кўпхудолик (политеизм) ва худони одам қиёфасида тасаввур қилиш (антропоморфизм)ни инкор қилиш. 3) «Ваъда ва таҳдид» (ал-ваъд вал-ваид)–мўътазилийлар билан бирга хорижийлар ҳам эътироф этган бу қоидага кўра Худо мўминларга жаннат, кофирларга дўзах ваъда қилган бўлса, ўз ваъдасида туриши лозим, яъни Пайғамбар (с.а.в.) шафоатларию, Аллоҳнинг Раҳмон, Раҳимлиги ҳам ёрдам бермаслиги керак. Чунки инсон хатти-харакати учун тўлиқ жавоб бериши лозим. 4) «Оралиқ ҳолат» (ал-манзила байнал - манзилатайн) – гуноҳ кабира қилган мусулмон мўминлар қаторидан чиқарилади (муржиълар фикрига қарши), лекин кофир бўлиб қолмайди (хорижийлар фикрига кўра), балки оралиқ ҳаётда бўлади. Бу қоида биринчи мўътазилийларнинг Ҳасан ал-Басрий даврасидан ажралиб чиқишига сабаб бўлган эди. Ҳасан ал-Басрий ундай мусулмонларни мунофиқ деб ҳисоблаган. 5) «Яхшиликка даъват ва ёмонликдан қайтариш» (ал-амр бил – маъруф ван–наҳй анил–мункар) – барча воситалар билан (зўрлик қилиб бўлса ҳам) бу ҳукм бажарилиши лозим.

Аббосийлар халифалиги даврида ал-Мамун (813-833) ва унинг издоши ал-Мутасим (833-842) ва ал-Восиқ (842-847) мўътазилийчилик асосий давлат дини бўлиб турди. Бу дин вакиллари ҳар томонлама қўллаб-қувватланиб катта давлат тизимида турли раҳбарлик лавозимлари ҳам берилди. Қуръоннинг яратилганлигини инкор этувчи илоҳиётчиларга салбий муносабатда бўлинди. Мўътазилийлар ақидаларини қабул қилмаган илоҳиётчилар ал-Мамуннинг 827 йилдаги “михна” номли фармойишга асосан чора кўрилди.

Мўътазилийларнинг қазо ва қадар масаласидаги фикрлари қадарийларникига яқинлиги учун уларни қадарийлар деб ҳам аташади, лекин уларнинг ўзлари буни инкор этадилар. Аллоҳнинг зоти ва сифати ҳақида жаҳрийларнинг фикрлари билан яқин бўлганлиги учун уларни бир-биридан ажратмайдилар.

Шарқ аристотелизмнинг асосчиси ал-Киндий (800-879)нинг фалсафий қарашлари мўътазилийлар таълимотига жуда яқин эди. Шунинг учун халифа Мутаваккил 847-861 йиллар бошқарган даврида у ҳам таъқиб остига олинган. Киндий фикрича, оламнинг яратувчиси Аллоҳ бўлиб, у азалий ва танҳо, лекин табиатдаги барча нарсалар материядан ташкил топган, материя эса олов, сув, ҳаво ва тупроқдан иборат. Киндий материя, шакл, фазо, вақт ва ҳаракатдан иборат беш субстанция концепциясини

илгари сурган. У биринчи бўлиб, ақлнинг тўрт хил (ақлий, имконий, эришилган ва намоён бўладиган тарзда) кўриниши ҳақида фикрлар мажмуасини ишлаб чиққан.

Мўътазилийлар ҳокимият масаласида халифа бўлиш лозимлигини уқтирдилар. Илк мўътазилийлар халифа қурайшлик бўлиши шарт эмас, деб ҳисоблаганлар, лекин кейинги даврлардаги айрим мўътазилийлар эса қурайшлик лойиқ одам бўлса бошқа киши халифа бўлиши мумкин эмас, деб ҳисоблаганлар. Уларнинг фикрича, имом илоҳий кўрсатма бўйича ҳокимият тепасига келмайди, балки у ижтимоий, этник чиқишидан қатъий назар, мусулмон жамоасидан сайланиши лозим. Хорижийларга ўхшаб улар адолатни имом учун энг зарурий сифат, деб ҳисоблайдилар ва ўзларининг бешинчи ақидаларига кўра, адолатсиз имомни ҳатто куч билан лавозимидан четлатиш лозимлигини таъкидлайдилар.

Мўътазилийлар томонидан қўлланилган сифат (араб. – белгиси, хусусияти, табиати) атамаси – Аллоҳнинг хусусиятларини ифода этишдир. Сифатия: калом илми ривожланишининг илк босқичида «Сифатия» билан бир қаторда «Маани» (маъноси, мазмуни, ғояси) атамаси ҳам қўлланилган. Баъзи мутакаллимлар (муътазилий Абу Шахсим ал-Жуббайи, ашъарий ал-Боқилоний, ал-Жавайний ва Фахриддин Розий) «сифат» ўрнида «аҳват» атамасини ишлатганлар. Инсонлар наздида ижобий ҳисобланган Аллоҳдаги сифатларни тан олиш «исфат» деган ном олди ва бу ғоя тарафдорларини «сифатийа» деб аталди. Инкор қилинганларни, яъни таътил (чиқариб ташлаган) этганларни эса – «ал-муаттила» деб аталади.

Сифатни қуйидагича тавсифлайдилар: ёлғиз ўзига хос, яъни сифат аз-зот, ас-сифат аз-зотийа, масалан, Самад – ҳеч кимга муҳтож эмас; ҳаракат белгилари, яъни сифат ал-феъл, сифат ал-феълийа, масалан, мусаввир, фаттоҳ.

Баъзилар ўзига хос белгилар (зотийа) ва уни тасвирловчи (васфийа, маънавийа, ҳабарийа) кабиларга ажратишади. Суфийликда гўзаллик белгилари – алим, раҳийм, (жамол) буюклик белгилари – акбар, қудрат; мукамаллик белгилари (камол) – холик, самад.

Бизга маълумки, Аллоҳнинг сифатларини инсонга қиёслаганлар – мушаббихалар деб номланади. Бошқа фикр тарафдорлари эса Аллоҳнинг сифатларини моддий бўлмаган воқеалик деб қарашади. Иккала йўналиш асоси ҳам Қуръонга таяниб, суннатга амал қилгувчилардир.

Ҳанбалийлик қарашлари. «Ҳанбалийлик» — Аҳмад ибн Ҳанбалнинг ҳуқуқий қарашлари, қавллари ва фатволарини намоён этади. Ибн Ҳанбал 780 йили Бағдодда таваллуд топиб, шу ерда 855 йили вафот этган. Ҳадис тўплаш ниятида Сурия, Ҳижоз, Яман, Куфа ва Басрага кўп саёҳат қилган ва 40 мингдан ортиқ ҳадисни жам этган олти жилдли «Муснад ал-Имом Аҳмад» асарини яратган. Шунинг учун ва фикр бўйича ҳеч қандай китоб ёзмагани туфайли кўплаб мусулмон уламолари уни фақиҳ эмас, кўпроқ муҳаддис деб биладилар. Бироқ, шогирдлари унинг

ҳуқуқий қарашлари ва фатволарини тўплаб, бу мазҳабга алоқадор ҳуқуқий тамойиллар ва қонунларни такомилга етказдилар. У «Исломни бидъатлардан қутқарувчи» - деган ном олган, мўътазилийларга қарши очикдан-очик курашларнинг ташаббускори бўлиб майдонга чиққан.

Бу мазҳаб бошқаларга нисбатан кўпроқ ҳадисларга таянади ва қонун асослари жихатидан фарқ қилади. Улар ҳадислар моҳиятини Қуръон оятлари даражасига кўтаришган. Ҳадисларга «қандай» деб савол бермасдан (би-ла кайфа) тўғридан-тўғри ишониш зарур, деганлар. Шу боис ханбалийлик фалсафаси исломнинг сунна йўналишидаги бошқа мазҳаблардан фарқ қилган ҳолда инсоннинг ирода эркинлиги ривожига йўл қўймаган.

Ҳанбалийда (Ибн Қаййум ал-Жавзийа 1350 йилда вафот этган) фикҳ асослари ҳам ишлаб чиқилган бўлиб, улар бешта:

1. Қуръон ва сунна матнлари;
2. Саҳобаларнинг фатволари;
3. Қуръон ва суннага мувофиқ бўлса, айрим саҳобанинг қавмлари;
4. Истиноди заиф ёки хабар берувчилар сони кам бўлган ҳадислар;
5. Мутлақо иложсиз қолганда, қиёс бўйича ҳукм чиқариш.

Ибн Ҳанбал Бағдодда инквизиция (миҳна) даврида имонига собит бўлгани ва Қуръоннинг яратилгани ҳақидаги назарияга кескин қарши тургани учун, калтакланган ва қамоққа ташланган. Имомдаги бундай изчиллик кейинчалик икки издоши тақдирида ҳам намоён бўлади. Ибн Қаййум ва унинг устози Ибн Таймия (1327 йилда вафот этган) Дамашқ қалъасида қамоққа олинадилар. Нажднинг ханбалий ислохатчиси Муҳаммад ибн Абд ул-Ваҳҳоб (1792 йилда вафот этган) ҳаёти ва фаолияти ҳам шунга мисол бўлади.

Ибн Абд ул-Ваҳҳоб Қуръон ва суннага таянган бошланғич исломнинг сарчашмаларига қайтишга даъват этади. Ваҳҳобийларнинг муваффақияти ва XX аср бошида Саъд оиласининг ҳукумат тепасига қайтиши Саудия Арабистонида ханбалий мазҳабини расмий мазҳаб сифатида таъсир этишига олиб келди. Шунингдек, ханбалийлик Фаластин, Сурия, Ироқ ва яна бошқа жойларда ўз издошларига эга бўлди.

Ал-Ашъария – калом йўналиши. Ал-Ашъария – калом йўналишининг асосий оқимларидан биридир. Йирик вакиллари: Ал-Ашъарий (873-935), ал-Боқиллоний (1013 йил вафот этган), Ибн Фироқ (1015 йил вафот этган), Абу Исҳоқ ал-Исфараъиний (1027 йил вафот этган) ва бошқалар. Бу оқим тарафдорларини мутакаллимлар (умуман, калом фалсафаси тарафдорларини) деб ҳам номлашади.

Оқим асосчиси ал-Ашъарийнинг тўлиқ исми Абул Ҳасан Али ибн Исмоил – илоҳиётчи олим, Басрада туғилиб, отаси ва Басра мўътазилийлари раҳбари бўлмиш Абу Али ал-Жуббаъида таҳсил олади. 912-913 йилларда мўътазилийлар таълимотидан четлашиб, Бағдодга боради ва ўша ерда вафот этади. 100 га яқин рисоаларидан иккитаси

сақланиб қолган. «Мақолат ал-ислабийин» ва «ал-Лумаъ». Лекин бу иккала асар айнан таълимот ҳақида, шу боис унинг дунёқарашини белгилаб бера олмайди. «Ал-Ибана ан-услуд ад-дийана» асарини ал-Ашъарий қаламига мансуб, деб ҳисоблашади. Унинг издоши Ибн Асакир (1176 йили вафот этган)нинг «табйин кизб ал-муфтари фи ма нусиба илал имам ал-Ашъарий» (Дамашқ, 1928, 388 б.) номли китобида «Ал-ибана» ашъарийлар учун ҳанбалийлардан қалқон бўлиб хизмат қилган, деб ёзган. Бундан ашъарийларнинг калом йўналишини расмийлаштиришга интиланлиги, шунингдек анъанавийчиликка таянганлиги ва аввало ҳанбалийларнинг қарашларига жавоб қилиш зарурати туғилганлиги тушунилади. Яна «истихсон ал-ханд фи илм ал-калом» номли асарни ҳам ал-Ашъарийга таъаллуқли, деб ҳисоблашади. Мўътазилийлардан фарқли улар Аллоҳнинг зоти ва барча сифатларини, Қуръоннинг нозил бўлишини тан оладилар. Ал-Ашъарий фикрича: Аллоҳ инсонларнинг барча ҳаракатининг яратувчиси ва инсонлар касб орқали ирода ва интилишлари воситасида яратувчининг амрини бажарадилар. У охиратда мўминлар учун Аллоҳнинг юзини кўриш имконияти борлиги ҳақида гапиради. Лекин бу оддий кўриш эмас, деб ҳам уқтиради.

Ал-Ашъарийнинг фалсафий қарашларига кўра, онгни, яъни ақлни диний анъаначилик (нақл)дан устун қўяди ва шариатни мусулмонлар ҳаётининг бошқарувчиси, деб ҳисоблайди. Кўр-кўрона диний раҳбарларга итоат этишни, уларнинг фикрларига танқидий қарамай қабул қилаверишни (тақлид қилувчиларни) мўминлар эмас, деб ҳисоблайди. Ибн Рушд «Тахофут ат-тахофут» китобида ёзишича: «Худо ҳар бир нарса билан ёнма-ён ва унинг ичидадир, яъни ўзининг борлиги билан уларга алоқадор»¹.

Шахристониининг «Ниҳайат ал-икдам фи илм ул-калом» (Байрут. 190-бет) китобида ёзилишича, «Сизлар файласуфлар Аллоҳнинг «тафаккури», деб айтсангиз, биз (ашъарийлар) эса «азалий билим», деб атаймиз, сизлар «содир бўлиши», деб атасангиз, биз «азалий тақдир», деб атаймиз. Сизларнинг фикрингизча, «содир бўлиш» билимга асосланса, бизнингча ҳам билимга мувофиқ нарсалар иродасига тақдир йўналтирилган бўлади. Бу икки таълимот орасида ҳеч қандай фарқ йўқ».

Фаҳриддин Розий: «Бизнинг дунё билан бир вақтда минглаб бошқа дунёлар борлиги»ни таъкидлайди. Бу таълимот тарафдорлари ўзларини «Аҳл Сунна ва ал-Жамоа»га таалуқли ҳисоблаб, ўзларини бу жамоанинг чўккиси, деб эълон қиладилар. Ашъарийлар таълимоти асосан шофиийлар ичида кенг тарқалган.

Ислом илмлари ичида, авваламбор, илоҳиёт фалсафаси – калом, сўнг ҳадисшунослик, фикҳ-ҳуқуқшунослик, Қуръон тафсири муҳим ўрин эгаллаган ва асосан диний масалаларни ҳал этишга қаратилган эди. Калом

¹ Қаранг: Ибн Рушд. Тахофут ат-тахофут. - Қоҳира, 1969. – 180-б.

ислом илоҳиётининг ўзига хос фалсафаси–диний ақидаларни асослайди, унинг илмий тамойилларига таянади. Ватандошимиз Мотуридий калом илмининг ақл мақомига алоҳида эътибор қаратган, мотуридия мактабини яратган. IX-X асрларга келиб қадимги юнон илмий меросини, исломни Яқин Шарқда ёйилиши натижасида уни турлича талқин этиш, масалан, муътазилийлар таълимоти, каломни янада ривожлантиришга интилиши кучайди. Бу жараён исломда машшоййунлар ва табииййунлар (перипатетиклар ва табиатшунослар) фалсафий қарашлари шаклланди. Ислом фалсафасининг асосий хусусиятлари унинг оқимлари таҳлилида намоён бўлади.

Ислом илми ва фалсафасининг шаклланиши тарихи ва таҳлилидан маълум бўлишича, бу жараён ислом тарқалган ҳудудларда ҳар бир тарихий даврларда юзага келган дунёқараш билан боғлиқ ақидавий масалалар ҳақидаги фикрларга нисбатан вужудга келган. Бунда калом илми, муътазилийлар, ал-Ашъарийлар, ал-Мотуридийлар ва бошқаларнинг қарашлари диққатга моликдир. Айниқса, ҳанафийлик мазҳабига мойил бўлган Мовароуннаҳр халқлари ҳаётида Мотуридия таълимоти муҳим аҳамиятга эга бўлган.

Умуман ислом илми ва фалсафасининг халқимиз тарихида айниқса, мустақиллик шароитида ўрганишга кенг имкониятлар яратилиши ва янги, янги асарларнинг яратилиши мамлакатимизда ислом маданияти, маънавияти ва ахлоқини шакллантиришга хизмат қилади.

Таянч сўзлар:

Антроморфизм, ат-тавҳид, калом, мушаббихалар, нақл, политеизм, сунна, хорижийлар, фатво, қадарийлар.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ислом фалсафасини шаклланишидаги ижтимоий, ғоявий, маънавий-ахлоқий жараёнлар нима?
2. Аҳл-Сунна ва Ал-Жамоъа ақидаларини шаклланишида қандай илоҳиётчи олимлар қатнашди?
3. Ислом фалсафасида муътазилийлар қарашлари қандай талқин қилинади?

10-мавзу. Суфийлик (тасаввуф) фалсафаси

Режа:

1. Тасаввуф фалсафасининг шаклланиши
2. ислом дунёсидаги буюк тасаввуфшунослар ва уларнинг қарашлари
3. Ўрта Осиёда тасаввуф тариқати ва фалсафасининг ривожланиши

Тасаввуф фалсафасининг шаклланиши. Тасаввуф (суфизм) ислом фалсафаси ривожда алоҳида ўрнига эга. Дастлабки суфизмга мистик-фалсафий тизимга айланишига мисрлик Зу-н-нун-Мисрий (ваф.860\ 861) муносиб хисса қўшган. У инсоннинг Худо билан яқинлашишига олиб келувчи муҳим фундаментал тариқатлар (ар.-йўл)ни ишлаб чиқди.

Суфийликнинг муслмонлар орасида тарқалиши натижасида турлича муносабатлар, ёндошувлар ҳам шакллана бошлади. Мистик-аскетик таълимотининг турли хил кўринишларидан асосан иккита йўналиши ашадий ва мўътадил суфизм ажралиб туради. Ашадий суфизм тарафдорлари (пантеистик) шахсни нафақат Худо билан яқинлашиши, балки у билан қўшилиб кетиши унинг сўнги мақсади деб қарадилар. Бу йўналишнинг кўзга кўринган вакилларида бири персидлик суфий альБистами (ваф.875 й)эди. У яратувчига мистик мухаббат билан жазава ва ўзини йўқотиш, ҳаяжонланиш орқали Худо билан бирлашишни тарғиб қилади.

Ашадий мистик-экстатик суфизм билан бир вақтда мўътадил суфийлик йўналиши ҳам ривожланди. Бу йўналиш тарафдорлари муслмончилик вазифаларини бажаришда экстаз ҳаракатлардан қочиб, собит қадамликни жиддий сақлайдилар. Уларнингча, Аллоҳ ҳақидаги билимларни ички (эзотерик), “яширин” билимлар беради. Мўътадил суфизм тарафдорлари айни вақтда формал билимларни олий тартибларга етишишнинг кўмакчиси деб билдилар. Суфийликнинг бу йўналиши ислом тарқалган ҳудудларда, шу жумладан Туркистон, Хуросон, Эрон, Ўрта ва Яқин Шарқ халқлари диний-фалсафий тафаккурида муҳим ўрин олган ва ўз даври учун эътиборга молик аҳамият касб этган.

Суфийликнинг VII-IX асрларда вужудга келишида аскетлар ҳаракати ва кейнчалик буюк мутасаввифлар, орифчилик ҳамда тасаввуф маданиятини ривожлантирганлар, унинг мажозий фалсафаси, бадиият, дарвешлик амалиёти, анъаналарини, кадриятларни шакллантирганлар.

Суфийлик халқнинг маънавий-илоҳий ҳаётида кучли йўналишга айланди. Тасаввуф таълимотида «Мен»дан озод бўлиб, ички ҳиссиётлари орқали Аллоҳ билан яқинлашиши инсоннинг Аллоҳга муносабати унинг асосий изланиш объекти ҳисобланади. Унда пир ва шогирдлик мушриф ва мурид муносабатлари ҳамда камолотга эришишнинг тўрт: **шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат** босқичлари мавжуд деб қаралган. Суфийлик таълимотида бу босқичларни идрок қилиб, барча талабларини тўлиқ адо этган инсон Аллоҳга яқинлашиб, абадийликка эришади.

Тасаввуф фалсафасидаги бу босқичларнинг амалга оширишнинг фалсафий мазмуни шундаки, Худо тўғрисидаги ваҳдат-ул-вужуд, ваҳдат-ул-мавжуд ва ваҳдат-уш-шухуд-яъни ваҳдатнинг (Худонинг) ўзлигида, дунёда ва шахсда намоён бўлиши тўғрисидаги орифий пантеистик (Худо билан олам, моддий дунёни ва руҳни моддий бир деб тушуниш)

таълимоти, Худога етишишнинг алоҳида жазава «ўзидан кетиш» йўли орқали мақсадга эришилади, деб қаралади.

Шарқ фалсафасида пантеизмнинг икки шакли мавжуд бўлган. Бири «вахдат-ул вужуд» (яъни «Олам бирлиги») деб аталиб, унга кўра бутун борлик Худодан аста-секин келиб чиққандир. Бирдан бир реал нарса Худо, қолган ҳамма нарсани эса, унинг шуъласи, нури деб ҳисоблайдилар. Пантеизмнинг иккинчи шакли «вахдат-ул мавжуд» бўлиб, «Мавжудот бирлиги» деб аталади. Унинг намоёндалари моддий оламни эътироф этиб, уни Худо деб атайдилар, яъни Худо моддий оламга сингиб кетиб, унинг яратувчисидир.

Тасаввуф фалсафаси ана шу асосий ғоялари билан исломнинг ақидавий таълимоти, шариат кўрсатмаларидан анча-мунча четлашадиган юксак орифий ва айни пайтда хурфиқр тафаккурни вужудга келтирди.

Тасаввуф таълимотида орифлик, зоҳидлик ва дарвешлик ҳаракатлари мавжуд бўлиб, аввал бошиданок моддий бойлик, адолатсизлик қораланди ва ҳақиқий бойлик-маънавият, руҳий бойлик деб тарғиб қилинди. Инсонларнинг Худо олдида тенглиги, камбағал фақир-бечораларга маъқул эди. Шу боисдан тасаввуф кенг халқ орасида, қуйи табақалар орасида кенг тарқалди.

Тасаввуф ва тасаввуф фалсафаси Ўрта ва Яқин Шарқ, Туркистон, Хуросон, ва бошқа ислом тарқалган мамлакатларда диний-фалсафий тафаккурнинг ўзига хос йўналиши сифатида шаклланди ва кенг қулоч ёзди. Индивидуал ва ижтимоий онгда шаклланган тасаввуфий ғоялар ислом дини таълимоти ва талабларини кишиларда мустаҳкамланиб ўзига хос аҳамияти бўлди.

Ислом дунёсида буюк тасаввуфчилар ва уларнинг қарашлари. Буюк тасаввуфчилардан Иброҳим Ибн Адҳам, Абу Йазид Бистомий, Мансур ал-Халлож, Абу Бакр ибн Мусо ал-Васитий ал-Фархоний, ас-Суломий, Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро, Жалолиддин Румийлар ўрта асрларда Туркистон, Хуросон ва Эронда етишиб чиқиб тасаввуф маданиятини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшганлар.

Бундан ташқари бу даврда бошқа мамлакатларда хусусан араблардан етишиб чиққан мутасаввифлар Зуннун Мисрий, Ҳасан ал-Басрий, Ибн ал-Фарид, Ибн ал-Арабий ва бошқалар ҳам тасаввуф ривожига ўз салмоқли ҳиссаларини қўшдилар.

Тасаввуф таълимотида борлик, билиш муоммоси, ахлоқий категориялар каби инсон ҳаёти билан боғлиқ кўпгина нарсаларга муносабат билдирган.

Бу таълимот бўйича билишдан мақсад бу илоҳий моҳиятни, илоҳий ҳақиқатни билишдир. Яъни билиш (маърифат) илоҳий кучнинг унинг барча артибутлари (хоссалари, хусусиятлари) билан билишдан иборат.

Инсон барча махлуқотнинг, оламларнинг гултожи, Аллоҳнинг ердаги халифаси экан, демак унда Аллоҳ сифатлари бўлиши мантиқий хол. Бундан ташқари, «яширин хазина» бўлган Аллоҳ илму ҳикматнинг бир қисмини инсон қалбига жойлаган. Шу боис инсон илоҳий моҳиятни билишга интилиши керак. Бироқ бу йўлда солиқ бир қанча босқичлардан-мақомотлардан ўтиши лозим. Асосий мақомлар қуйидагилардан иборат: тавба, вараъ, зуҳд, фақр, сабр, ражо, хавф, тафаккул, ризо.

Тавба - қайтиш, яъни камолотга, ахлоқий сифатларга қайтиш. Инсон Худога етишиши йўлида ғов бўладиган барча нарсалардан қайтишга қасамёд қилади.

Вараъ (парҳез), унинг уч кўриниши мавжуд. 1. Тил вараъси-тилни бемаъни гаплардан тийиш. 2. Кўз вараъси – шубҳали нарсалардан сақланиш. 3. Қалб вараъси – ноҳуш қилиқларни қилмаслик.

Зуҳд – тил вараъсининг давоми ҳисобланиб, таом ва ичимликдан, мол-дунёдан парҳез қилиш тушинилади.

Фақр - қашшоқлик, бенаволик. Суфийлар наздида улуғлар илоҳий моҳият касб этиш, бандаликни сидқидилдан бажо этиш.

Сабр – тоқат, чидам. Худодан бошқага нола-илтижо қилмаслик.

Хавф - қалбни иймондан чиқиши, иккиланиш, тахлика.

Ражо – умидворлик, хавфдан қутилиш умиди.

Таваккул – барча ишларни Худодан деб билиш, унга суяниш.

Ризо - қалбдан қарахт бўлиш, қазо амрига таслим бўлиш.

Бу мақомотлардан сўнг илоҳий кучни билиш жараёни бошланади. Бу жараён мушоҳададан бошланиб, сўнг кашф ва илҳомга ўтилади.

Хулоса қилганда, тасаввуф ақлий усул орқали билишга диний, ирроционал билишни қарши қўяди. Бинобарин инсон (тасаввуф йўлидаги) ҳақиқатни илоҳий шуъла **нур-иллоҳ** орқали била олади.

Тасаввуф фалсафасида ижтимоий-ахлоқий масалалар ҳам ўз аксини топган. Унда инсоннинг маънавий камолоти масаласи тасаввуф фалсафасининг асосий жиҳатларидан бири бўлган. Бунда шахс ва жамият муносабатлари яққол кўзга ташланади. Солиқнинг жамиятдаги мол-мулкка, бойликка қараб интилиши эмас, балки Аллоҳнинг бандаси бўлган инсон шайтон қутқусини енгиб, раҳмоний фазилатларга эга бўлиши лозим. Инсоннинг ҳаётдаги тутган ўрни, ижтимоий ҳаётга муносабати, жамиятдаги мулкий тенгсизликлар, умуман инсон қалбидаги салбий ҳолатларнинг барчасини суфийликда ахлоқий жиҳатдан тузатиш керак деб тушинилади. Чунки, уларнинг ҳаммасининг сабабчиси – нафсдир. Нафсни тийиш, тартибга солиш орқали шахс ва жамиятга оид масалалар ечими ҳал бўлади.

Тасаввуф фалсафасида ҳаттоки одамларни туркумларга бўлишда ҳам нафс асосий мезонлардан бири бўлиб хизмат қилади. Тасаввуф одамларни уч туркумга бўлади.

1. Мартабаи нафс деб аталади. Бу тоифадаги кишилар Аллоҳ ва унинг каломига ишонадилар аммо кўпроқ ҳиссиётга берилган бўладилар. Уларнинг жойи дўзоҳдир, ундан қутилиш йўли нафсни тийишдир.

2. Мартабаи қалб дейилиб, қалб амри билан иш тутадилар, Аллоҳ ва унинг Каломини, Расули Акрамни ҳиссиётдан устун қўядилар.

3. Мартабаи руҳ дейилиб, унга руҳ кишилари кирадилар. Яъни улар ҳар тамонлама покликка эришган шайхлар ва авлиёлардир.

X-XV асрлар давомида тасаввуф таълимотига ўз ижодий ҳиссаларини қўшган мўътабар зотлар фақат Мовароуннаҳрдагина эмас, балки бошқа кўпгина мамлакатларда ҳам етишиб чиқдилар. Тасаввуфнинг рухий камолотга, маърифатга эришишда, инсонийлик, эзгулик, халқпарварликка чақиришда ҳақсизлик майилларини қоралаш Абу Хамид Муҳаммад ибн Муҳаммад ал-Ғаззолий (1059-1111) даврида, ундан кейинги даврларда ҳам давом этди.

Тасаввуф таълимотини кейинги даврларда Абдуллоҳ Ансорий (1006-1099), Аҳмад Яссавий (вафоти 1166), Яхъё Сухравардий (1155-1199), Ибн-ал Арабий (1165-1240) каби шайхул машойихлар янги фикрлар билан бойитдилар.

Ўрта осиеда тасаввуф тариқати ва фалсафасининг ривожлантирилиши. Янги оқим силсиласини Аҳмад ибн аш-Шайх ал-Иброҳим ал-Яссавий Туркий-ислом дунёсида буюк мутасаввиф ва туркий мумтоз шеъриятининг улуғ вакилларида бири эди.

Аҳмад Яссавий XII асрнинг кўзга кўринган суфийларидан бўлиб, унинг шуҳрати бутун Туркистонни, Мовароуннаҳру, Хоразму, Хуросонга тарқалган, муридлари ҳам сон-саноксиз бўлган Яссавий тариқатида бойлик, бу дунё лаззатлари инобатга олинмайди, аксинча қораланади. Чунки улар инсоннинг Худога интилиш йўлида ортиқча, ҳалал берувчидир. Унинг бу фикрини қуйидаги мисралар тасдиқлайди:

Жондан кечган чин ошиқлар дунё демас,

Нафси ўлик, обу таом гамин емас.

Бу дунёда суду зиён бўлса билмас,

Дунё келиб жилва қилса боқгани йўқ¹.

Яссавий фикрича, Аллоҳ жамолига мушаррафлик фақат узлат-хилватда, зикру самодадир. Айни пайтда, унинг тариқати чуқур инсонпарварлик, меҳнаткашларга раҳму-шафқат руҳи билан суғорилган. Тасаввуф фалсафаси ва тариқатини ривожлантиришда Нақшбанд қарашлари алоҳида аҳамиятга эга.

Нақшбанд тариқатига Баҳовуддин ибн Муҳаммад ал-Бухорий Нақшбанд (1318-1389) асос солган. Унинг ҳаёт тарзи, дунёқараши ва тасаввуфдаги ўрни, у асос солган тариқатнинг халқимиз, миллатимиз

¹ Қаранг: «Яссавий ким эди». – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994, -13-б.

тарихий жараёнида ижтимоий-фалсафий ва ахлоқий аҳамияти катта бўлган.

Баҳоуддин Муҳаммад Нақшбанд 1318 йили Бухоронинг «Қасри Ҳиндуён» («Қасри орифон») қишлоғида туғилиб, 1389 йили шу ерда вафот этган. Уни тасаввуф йўналишига кириб келишида суфийлар билан яқиндан муносабатда бўлган бобосининг роли катта бўлди. Нақшбанд жуда ёшлигидан суфий тариқатларини ўрганишга киришади, ўз замонасининг атоқли суфийлари билан учрашади ва улардан таълим олади. Масалан, амир Сайид Кулол, Хожа Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Аҳмад Яссавийларнинг халифалари хусусан Шайх Кусам ва Шайх Ҳалил Атолардан таълим олади.

Нақшбанд Ғиждувоний асос солган хожагон тариқати йўлида борди. Баҳоуддин Абдулҳолиқ Ғиждувоний анъана ва ғояларини қайта тиклаб, такомиллаштирди ва давом эттирди. Яна у Марказий Осиё тасаввуфининг иккинчи йирик намоёндаси Аҳмад Яссавийнинг сулуки, қонун-қоидаларини ўз тариқатига қўшди.

Баҳоуддин Нақшбанд ана шундай улуг зотлардан бўлиб, у Марказий Осиёда XIV асрда вужудга келган тасаввуф тариқати асосчиларидан биридир. Унинг дунёқараши ва таълимотининг шаклланишига Юсуф Хамадоний, Абдуҳолиқ Ғиждувоний, Бобои Самосий, Сайид Мир Кулол катта таъсир кўрсатган. Нақшбанд таълимотининг асосида ихтиёрий равишда фақирлик, «Дил-ба ёр-у, даст-ба кор» деган ғоя ётади. Бу ғоянинг ислом цивилизацияси ривожига аҳамияти шундаки, мусулмонлар диний таълимотини, унинг кадриятларини сидқи-дилдан бажаришлари, қалбдан Аллоҳга эътиқод қилишлари билан бир вақтда ҳалол меҳнат билан кун кечиришга даъват қилинган.

Тасаввуф фалсафаси «вахдат-ул мавжуд» ва «вахдат-ул вужуд» диний-фалсафий ғоялар ва маълум даражада Шарқ фалсафаси таъсирида исломнинг алоҳида оқими сифатида вужудга келди. Жумладан, Баҳоуддин Нақшбанд таълимотига асосланган фалсафий қарашларда «ҳиммат» категориясига шу қадар муҳим диний ирфоний ва ижтимоий мазмун берилганки, бу тамойилга амал қилган кишилар ўртасида дўстона муносабат, аҳиллик, ёрдам қўлини чўзиш, адолатли бўлиш, қийналганларга мурувват қилиш каби фазилатлар тобора ўрнашиб, ислом маданияти ривожига ҳисса қўшган. Нақшбандия тариқати амалиёти ва фалсафаси XIV-XV ва ундан кейинги асрларда Туркистон ижтимоий-сиёсий, маданий, илмий-фалсафий, диний ирфоний ва бадий-ахлоқий фикр ва ислом цивилизацияси тараққиётида алоҳида аҳамиятга эга бўлди.

Тасаввуфда сулуклар (йўналишлар) бир қанча, аммо улардан иккита асосий ғоявий йўналиш кўзга ташланади: биринчиси – бу ўткинча дунё, мол-мулк, мансабга ихлос қўйиш Аллоҳни унутишга олиб келади, деган ғояга таянганлар, тарки дунёчиликни тарғиб этганлар; иккинчи йўналиш бу дунё Аллоҳ таоло томонидан одамлар, уларнинг инсонлардек яшаши учун яратилгани, одам шу дунёдаги эзгу ишлари билан у дунё висолига

мушарраф бўла олишига, бинобарин, Аллоҳнинг висолига етиш учун оғир, машаққатли покланиш йўлидан боришни тарғиб этганлар. Баҳоуддин Нақшбанд сулукатлари кўпроқ ана шу иккинчи йўналишга мойил бўлган.

Нақшбанд сулукатидаги «ҳимоя ва мурувват кўприги» тамойилига амал қилиш кенг кўламда илм-фан, маданият, диний-ирфоний, бадий-ахлоқий, тасвирий санъат, наққошлик, минатюра санъатларининг гуллаб яшнашларига йўл очди. Бундан ташқари ислом цивилизацияси тараққиётига хизмат қиладиган катта-катта иншоотлар қурилди. Масалан, Навоий замонасида қад кўтарган маҳобатли саройлар, масжидлар, мадрасалар, мақбаралар, шунингдек ҳаммомлар, шифохоналар, ховузлар, кўприклар, йўллар, ариқлар, тўғонлар ва бошқалар бундан далолат беради.

Баҳоуддин Нақшбанд сулуки бевосита Юсуф Ҳамадоний, Абдухолик Гиждувоний, Нажмиддин Кубро, Хожа Аҳмад Яссавий сулуклари таъсирида Марказий Осиёда вужудга келиб, у Яқин ва Ўрта Шарқ минтақаларига кенг ёйилди. Хожагон сулукини бошлаб берган Гиждувоний бундай деган: «Эй фарзанд, барча ҳолатларда илм, амал ва тақво билан бўл, салафлар изидан юриб, суннат ва жамоатни маҳкам тут, фикҳ ва ҳадисни ўрган». Яна бундай фикрлар бор: «оз сўзла, оз е, оз ухла», «ҳалол е, шубҳадан холи бўл...». Гиждувонийнинг 8 та табаррук сўзи (рашҳа)га Нақшбанд 3 та рашқа қўшиб, ўз сулукини асослаган.

Нақшбандия тариқатининг маънавий асосчиси Хожаи жаҳон номи билан машҳур Абдухолик Гиждувоний тариқатидаги ўн бир муқаддас калималарнинг дастлабки саккизтасини асослаб берган, улар: хуш дар дам (ҳар доим вақтин хуш ўтказиш); назар ба қадам (ҳар бир қадамини назорат қилиш); сафар дар Ватан (Ватан бўйлаб саёҳат); хилват дар анжуман (эл-улус билан бирга бўлиш); ёдқард (эсга олиш ёки ёд этиш); бозгашт (қайтиш); нигоҳдошт (асраш ёки сақлаш); ёддошт (эслаш ёки хотира).

Нақшбанд бу рашҳаларга яна учта муқаддас рашҳани қўшиб 11 тага етказди: вуқуфи замонавий (замон амри); вуқуфи ададий (тартиб амри); вуқуфи қалбий (қалб амри) қоидаларидир. Уламо асос солган бу учта рашҳалар олдинги рашҳаларнинг давомчиси, тўлдирувчиси сифатида комил инсонни тарбиялашга чорлаган. Унинг тариқатини назарий ва амалий жиҳати-шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқатдан иборат бўлиб, еттита мақомлар тизимини ўз ичига олган: тавба, вараъ, зухд, фақр сабр, таваккул, ризо. Суфий ана шуларга эътиқод қилиши лозим бўлган.

Нақшбанд тариқатининг ислом маданияти ривожига қўшган яна бир ҳиссаси шуки, у одамлар ўртасидаги ялқовлик, ишёқмаслик, бировнинг ҳисобига яшашлик каби иллатларни қоралаб меҳнатсеварлик, яхши хулқлилиқ ва гўзал одатларни маъқуллаган. Нақшбандийликнинг тарғиботчиси Хожа Ахрор Валий таъмадан жирканиш, тухфа олмаслик, бир касбни мукамал эгаллашга чақирган. Тасаввуф тариқатига кирганлар учун касбкорнинг ёмони йўқ, ёмони бирор касб билан шуғулланмаслик, текинхўрлик, таъмагирликка одатланиш ҳисобланади.

Нақшбанд таълимоти ўз замонасида ва ундан кейинги даврларда ислом цивилизациясида катта ўрин олган ва кишилар ўртасида кенг ёйилган тариқатлардандир. Унинг сулукини қабул қилган Амир Темур, Улуғбек ва бир қатор ҳукмдорлар дарवेशликни қораладилар. Бу дунё ишлари билан шуғулланиб, халол яшашни талаб этдилар. Солиқлар фойдали меҳнат билан банд бўлишлари учун давлат шароит яратиб бериши тўғрисида фармоний олий чиқардилар.

Ислом дини бағрида вужудга келган тасаввуф таълимоти тариқатларидан таълим олган кишилар нафақат комилликни, ислом маданиятини эгаллашга мувофиқ бўлдилар, балки бу таълимотдан баҳраманд бўлган кишилар орасидан улуғ намоёндалар ҳам етишиб чикдики, улар тасаввуф таълимотидан узоқлашмай, қадимги маданиятимизнинг дурдоналарини сақлашга ва янги маданият кирраларини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшдилар.

Хулоса қилиб айтганда, саккизинчи асрда пайдо бўлган тасаввуф таълимоти ва тариқати турли ҳудудларда XV-XVI асрларгача ва ундан кейинги даврларда ўзига хос ривожланган ва қарор топган. Масалан, Ўрта Осиёда Хожа Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд ва Хожа Ахрор Валий тариқатлари сунний мазҳабдаги аҳоли орасида кенг ёйилиб ислом цивилизацияси тараққиёти ва маданиятидан муносиб ўрин олган. Бу тариқатнинг Туркистон ва дунёнинг бошқа ҳудудларида фаоллашуви, кенг тарқалиши жаҳон илм-фани, маданияти, ислом цивилизацияси хусусан, диний ирфоний, маънавий-маърифий қарашлар ва таълимотлар тарихида муҳим ўзгаришларга сабаб бўлди.

Таянч сўзлар:

Аскет, “ваҳдат-ул-вужуд”, “ваҳдат-ул-мавжуд”, “Дил-ба-ёрё, даст-ба-кор”, зухд, мистика, мутасаввиф, муршид, мурид, пантеизм, раҳша, сулуқлар, тариқат, эзотерик, экстаз.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Тасаввуф фалсафаси шаклланишининг ғоявий асослари нима?
2. Суфизмнинг мистик-фалсафий тизими нима?
3. Тасаввуф таълимотида инсон камолотга етишишнинг қандай талқин қилинади?
4. Буюк тасаввуфчилар кимлар ва улар суфизм фалсафасига қандай ҳисса қўшдилар?
5. Ўрта Осиё тасаввуфчиларининг ижтимоий фалсафий ҳаётда тутган ўрни қандай?
6. Нақшбанд тариқатининг тарихий аҳамияти нимада?

11-мавзу. Шариатнинг фалсафий мазмуни

Режа :

1. Шариатни шаклланишидаги ғоявий манбалар
2. Шариатда ифодаланган ҳуқуқий-ахлоқий масалаларнинг фалсафий мазмуни
3. Шариатда оила мустақамлиги ва баркамол инсон тарбияси масалаларининг ҳозирги давр учун аҳамияти

Шариат шаклланишидаги ғоявий манбалар. Шариат сўзининг арабча луғавий маъноси тўғри йўл, илоҳий йўл, қонунчилик демакдир.

Шариатнинг шаклланиши Пайғамбар Муҳаммад (с.а.в.) вафотидан сўнг II асрни ўз ичига олади. Шариат Қуръони карим ва Суннанинг ҳукмларига асосланиб тузилган. Шариатнинг шаклланишида Раъй, Ижмоъ, Қиёс ҳам манба сифатида олинган.

Шариатнинг мазмуни анча кенг ва мукамал қилиб тузилгандир. Шунинг учун уни диний ҳуқуқ мажмуидан кенгроқ деб қараш лозим. Чунки шариат диний-ҳуқуқдан ташқари, ахлоқий ва диний маросимчилик талабларини ҳам қамраб олади. Унинг талаб ва таъқиқларида эса адолат,, инсоф ва қонунийлик, инсонийлик етакчи устивор мавқега эга бўлиб келган. Шу билан бирга шариат мазмунидаги шахсий ва ижтимоий ҳаёт талабларига жавоб берадиган қонун-қоидалар, талаблар киритилган бўлиб, зўрлик ва зулмнинг йўли кесилган. Яъни диний маросимчилик ва уларни эркин ижро этиш қоидалари, оила, никоҳ ва талоқ масалалари, тижорат, иқтисодий, ижтимоий муносабатлар ўз ифодасини топган. Яна шахс ҳаёти билан боғлиқ дин ижозат берган ёки таъқиқлаган хатти-ҳаракатлар, жиноий ҳаракатлар, суд ва жазолаш, танбех бериш каби бошқа кўпгина масалалар ҳам шариатда ўрин олган.

Шариатда яна фикҳ тушунчаси бор. Фикҳ (арабча тушуниш)- мусулмон ҳуқуқшунослиги, шариат қонун-қоидаларини ишлаб чиқиш билан шуғулланувчи ислом илоҳиётининг бир соҳаси. Фикҳ барча диний ибодатларни адо этиш қоидаларини аниқ ва равшан ифодалаб берган мусулмонларнинг ҳуқуқ ва бурчларини баён этиб, шахсий ва ижтимоий ҳаётдаги қоида ва тартибларни қарор топтиришга хизмат қилган.

Исломнинг суннийлик йўналиши ҳуқуқшунослигида 4 та мустақил ҳуқуқ мактаблари – ҳанафий, шофий, моликӣ ва ҳанбалӣ бўлиб, фикҳ билан шуғулланувчи кишини фақих (қонуншунос) деб аталган.

Шариат мазмунига киритилган масалаларининг фалсафий жихати шундаки, мусулмон аҳлидан талаб қилинадиган ҳар бир масалада илоҳий қудрат Худонинг амри билан бажарилиши ифодаланади. Бундан келиб чиқадиган натижаларни фалсафий мушоҳада қилинади. Масалан, ислом маросимлари ва байрамлари, намоз ибодатлари, рўза тутиш, ҳаж, закот ва бошқа ҳолларда ҳар бирининг бажариш ёки бажармаслик ҳақида муҳим фалсафий хулосалар чиқарилади.

Ислом манбаларида ҳар бир мусулмон учун намоз ўқимоқ фарз қилинган яъни инсон гуноҳи кабиралардан сақланмоқчи бўлса, беш вақт намоз ва жума намози, иккинчи жумагача ораларида бўлган кичик гуноҳларга каффорат бўлиб, уларни авф қилинишига сабаб бўлади. Шариат аҳкомларида мусулмонлар намоз ўқиш учун бир неча шартлар ва фарзларни: яъни бадан ва кийимни пок бўлиши, жойнамоз пок бўлиши, намозни ўз вақтида қиблага қараб ўқиш, аврат жойларини бекитиши, кўнгил билан ният қилишлар намозхон кишини маънавиятини шакллантиради.

Юртбошимиз ислом Каримов маънавиятнинг негизи ва маъно-мазмунини белгилайдиган асосий хусусиятлар, биринчи галда инсониятнинг руҳий покланиши ва қалбдан уйғониши деб таъкидланганидек, “Айнан ана шундай инсонлар ва уларнинг эзгу ишлари туфайли бу ёруғ оламда маънавият ҳамиша барқарор бўлиб келади.”¹ Ҳақиқатан ҳам маънавият жамият истиқболи учун инсонга ато этилган имон-этикод, одоб-ахлоқ, муайян дунёқараш имкониятидир. Бу имкониятдан оқилона, яъни аждодлардан қолган меросга таяниб фойдалана билишликдир. Аммо буюк аломалар инсоният маънавиятини шакллантиришда ва тарбиявий ишларда асосий йўллардан бири фақат диний билимларни эмас, балки дунёвий билимларни ҳам эгаллаш муҳимлигини эътироф этганлар.

Шариат аҳкомларида мусулмонлар учун бажарилиши фарз бўлмаган амаллар ҳам бўлиб, уларнинг адо этиш қонун-қоидалари, ҳуқуқ ва бурчларини ишлаб чиқишда фикҳшунослар муҳим рол ўйнаганлар.

Ўрта асрларда фақиҳлар ўртасида 3 даража вужудга келган. 1 юқори даража – мужтаҳиди мутлақ (энг обрўли, шариат мактабларининг асосчилари); 2. Ўрта даража – мужтаҳиди муносиб (машхур, лекин фақат шариат соҳаларида фикр юрита оладиган); 3. қуйи даража – мужтаҳиди амалиёт (шариатга амал қилиб иш юритувчи фақиҳлар).

Ислом ҳуқуқшунослигида мусулмон мамлакатларидан етишиб чиққан фақиҳлар қатори Ўрта Осиёлик машхур фикҳшунослардан Бурҳониддин Марғинович, Абу Лайс Самарқандий ва бошқаларнинг ўрни ва роли катта бўлган.

Шариат қонунларининг шаклланишига юқорида таъкидланганидек, Қуръони карим, Сунна, Ижмоъ, Қиёс, Раъй билан бир қаторда суннийликдан 4 та ҳуқуқийлик мазҳаблари – ҳанафийлик, шофиъийлик, моликийлик ва ханбалийлик ва шиалик йўналишидаги жаъфария мазҳабларининг ҳуқуқий тартиби асос қилиб олинди.

Шариат ҳуқуқий мазҳаблари ҳақида фикр юритишдан олдин исломдаги икки йўналиш: суннийлик билан шиалик ўртасидаги ўхшашлик ва тафовутлар ҳақида тўхталишни лозим топдик. Шиа илоҳиётчилари

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. -20 -б.

суннийлар каби Қуръонни илохий деб эътироф этадилар. Аммо улар Қуръон мазмунини мажозий талқин қилиш йўли билан ўз таълимотларини асослайдилар. Суннада улар фақат Али ва унинг тарафдорлари номи билан боғлиқ бўлган ҳадисларни тан оладилар. Давлатни бошқаришда суннийликда асосан шариат аҳкомлари бўйича ҳукм чиқарилса, шиаликда имом ўз шахсий ҳукмларини чиқариш ҳуқуқига эга бўлади. Уларнинг «Ахбор» номли ҳадислар тўплами мавжуд. Яна улар суннийликда эътироф этилган диний ақидалардан фарқ қилиб, шиаликда тавҳид, адл, нубувват, имомат, қиёматдан иборат 5 та ақидага эътиқод қиладилар. Булардан 4 ақида тавҳид (Аллоҳнинг ягоналиги), адл (Аллоҳнинг одиллиги, тақдир ақидаси), нубувват (Пайғамбарлик) асосан суннийлик билан мос тушади. 5-ақида Имомат – Али ва унинг авлодларидан иборат 12 имом ҳокимиятини тан олиш билан суннийликдан фарқ қилади. Шу муносабат билан улар Муҳаммад (с.а.в.)дан сўнг фақат Алини тан оладилар. Давлатни бошқаришда суннийликда асосан шариат аҳкомлари бўйича ҳукм чиқарилса, шиаликда имом ўз шахсий ҳукмини чиқаришга эга. Шиаликда шунингдек, муваққат никоҳ қонунлаштирилган. Макка ва Мадинадан ташқари халифа Али, унинг ўғли Хусайн қабрларини зиёрат қилиш жорий этилган.

Исломнинг суннийлик йўлишидаги 4 та, шиалик йўналишидаги битта диний-ҳуқуқий мазҳабларнинг асосчилари ўзларига хос тартиб-қоидалар, қозилар фаолиятининг ташкилий ва иш фаолияти жиҳатларини, қасам (онт) ичиш, қасамёд қилиш, қарзни узиш, кафиллик, кафолат бериш, омонат сақлаш тартиби ва бошқа бир қанча масалаларнинг тартиб-қоидаларини, мазмунини ҳамда ахлоқий-маърифий жиҳатларини ишлаб чиқишга ҳаракат қилдилар.

Шариатда ифодаланган ҳуқуқий-ахлоқий масалаларнинг фалсафий мазмуни. Шариатнинг фалсафий мазмунида инсон (шахс) ва жамият муносабатлари, мол-мулкка эгалик ҳуқуқлари, солиққа оид тартиб қоидалар, меросга эгалик қилиш (мерос ҳуқуқи), вақф ва ерни ижарага олиш, закот, садақа ва бошқалар ўз ифодасини топган.

Суннийликда 4 та диний-ҳуқуқий мазҳаблар, диний-ҳуқуқшунослик усули мавжуд.

1. Ҳанафия (Имоми Аъзам) мазҳаби. Бунга фақиҳ ва муҳаддис олим Абу Ҳанафа ан-Нуъмон ибн Собит (699-767) асос солган. Ҳанафия мазҳаби шариат ҳуқуқини тартибга солишга, қиёс усулидан фойдаланиб, истихсонни ишлаб чиққан, шунингдек, маҳаллий халқ ҳуқуқ қоидаларини, одатини шариат билан келиштириб қўллашни жорий этган энг муътадил мазҳаблардан бири бўлган. Унга ҳозирги вақтда мусулмонларнинг 49-фоизи эътиқод қилади.

2. Шофеъия мазҳаби. Уни имом Муҳаммад ибн Идрис аш-Шофеъий (767-820) асослаган. У ислом ҳуқуқини анъанавий тартиб-қоидалар билан боғлаш тарафдори бўлган. Унга 25 фоиз мусулмонлар эътиқод қиладилар.

3. Моликия мазҳаби. Уни Абу Абдуллоҳ Молик ибн Анас (713-795) асослаган. Унинг фалсафий жиҳати шундаки, у «Ал-Муваддоъ» асарида Қуръон ва суннани ақлга асосланган ҳолда талқин қилишга қарши чиққан. Шу боисдан у Муҳаммад Пайғамбар давридаги диний-ҳуқуқий тартибни ёқлаб чиққан. У суннийликдаги мусулмонларнинг 17,5 фоизини ташкил этади.

4. Ҳанбалия мазҳаби. Асосчиси – Имом Аҳмад ибн Ҳанбал ибн Хилол ибн Асад аз-Зухайлий ал-Шайбоний (780-855)дир. Бу мазҳаб тарафдорларининг қарашлари, ҳуқуқ-тартиботлари ўта тор бўлиб, диний масалада Қуръон ва Суннага қаттиқ риоя қилишни, ҳар қандай янгиликка қарши курашишни талаб қилганлар. Унга муслмонларнинг 1,5 фоизи эътиқод қилади.

Суннийликдаги диний-ҳуқуқий мазҳабларнинг фалсафий мазмуни шундаки, биринчидан, ҳар бир мазҳаб Қуръон ва Суннага асосланган ҳолда Аллоҳ кўрсатган адолат йўлини топишга ҳаракат қилган. Шу боис мусулмонлар томонидан муружаат қилинган ижтимоий-иқтисодий муаммолар ёки маънавий-ахлоқий масалалар юзасидан қабул қилинадиган ҳуқуқий қарорлар улар онгида тўғри муносабатни шакллантирган; иккинчидан, Ўрта Осиё халқларининг аксарият кўпчилиги эътиқод қилиб келган ҳанафий мазҳабининг ўзига хослиги шунда эдики, у бошқа ҳуқуқий мазҳаблардан фарқли ўлароқ бирор масала юзасидан ҳукм чиқариш ёки қарор қабул қилишда маҳаллий халқларнинг қадриятларини урф-одатларини, талаб ва эҳтиёжларини ҳисобга олган. Бундай ёндашув, кишилар онги ёки дунёқарашида норозиликка ўрин қолдирмаган; учинчидан, бу ҳуқуқий мазҳабда илгари сурилган диний-ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий масалалар унга эътиқод қилувчи халқларда ислом маданиятини шакллантириб, ислом дини ва унинг таълимотига содиқликни мустаҳкамлаган.

Шариат жорий этган урф-одат, қонун-қоидаларнинг фалсафий таҳлили яна шундаки, аввало унда ўз ифодасини топган ҳар бир тартиб ва талаблар мусулмончиликни қабул қилган кишиларнинг кундалик ҳаёти билан боғлиқ мезонларга ўз муносабатини билдирган; иккинчидан, шариатда (дастлабки даврда) барча нарсаларни иккига - ҳалол ва ҳаромга бўлиб кўйилади. Бундай ажратишда чуқур маъно борлиги кўзга ташланади, мусулмон аҳли бу ҳалол ва ҳаромни ажратиш жараёнида шахсининг нафақат ички дунёси, балки ташқи муносабатлари, маданияти ҳам шакллана боради.

Хўш, ҳалол нима? – Бу мусулмонларнинг шариат руҳсат этадиган хатти-ҳаракати, меҳнат билан топилган маблағ, иш, тоза ва пок ҳисобланган озиқ-овқатлардир. Ҳаром эса шариат бўйича, мусулмонлар учун қатъиян ман этилган, тақиқланган хатти-ҳаракат, иш (ўғрилик, таъмағирлик, порахўрлик, гиёҳвандлик, қиморвозлик ва бошқалар) ва тановул қилишга ижозат берилмайдиган озиқ-овқатлардир.

Кейинчалик шариат қонунларининг такомиллашуви жарёнида халол ва харом тушунчаларини мусулмонлар ҳаёти билан янада атрофлича боғлаш натижасида барча хатти-ҳаракатлар қуйидаги туркумлар асосида ифодаланади: фарз (ар. мажбурият), мансуб (ар. тавсия этилган), мубоҳ (ар. умумий, ҳеч кимга таалуқли бўлмаган), макруҳ (ар. рад этилган), маҳзура (ар. ман этилган, сақланадиган нарса) ва бошқалар.

Шариат асрлар давомида мусулмонлар учун асосий қонун-қоида, ҳуқуқий, ахлоқий мезонларни тартибга солувчи манба сифатида қўлланиб келинди. Ҳозирги даврда ислом динига асосланган мамлакатларда бошқа қонунлар қатори шариатдан фойдаланиш давом этмоқда.

Ўзбекистон халқининг аксарият кўпчилиги ислом дини ва унинг шариат кўрсатмаларига амал қилиб келган. Ҳозирги мустақиллик шароитида Ўзбекистонда демократик, ҳуқуқий, фуқаролик давлати қурилаётган бугунги кунда халқимиз давлат қонунларига асосланиб фаолият кўрсатади. Аммо халқимизнинг турмуш тарзида, урф-одат, маросимларида шариат мезонларига (никоҳ ўқиш, жаноза билан дафн этиш, тижорат ишларида ҳалолликка риоя қилиш, хиёнатга харомга йўл қўймаслик, муслмончилик урф-одатлари, ақиқа ва бошқалар) мурожаат қилиш ва бошқариш ҳолатлари мавжуд. Бу кишиларда тўғри ҳаёт кечириш, маънавиятини инсонпарварликни шакллантиришга хизмат қилади.

Шариатда оила мустақиллиги ва баркамол авлод тарбияси масалаларининг ҳозирги давр учун аҳамияти. Диний-ҳуқуқий мазҳабларда оила ва никоҳ масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Шариатда оила ва никоҳ масаласи махсус бўлим қилиб киритилган, унинг фалсафий жиҳати шундаки, мусулмончиликда оила муқаддас ҳисобланиб, унинг мустаҳкамлигини таъминлаш асосий вазифалардан бири қилиб олинган. Оила билан боғлиқ талоқ шакллари, балоғатга етганликни аниқлаш, мерос, мол-мулкка эгалик қилиш, эр-хотин, ота-она болалар одоби-ахлоқи ҳалол ва харомни ажратиш, ҳалол меҳнат билан кун кечириш каби кўпгина мезонлар белгилаб қўйилиши билан чегараланмаган, уларнинг ҳар бирининг мазмунидан келиб чиқадиган шарҳлар ҳам баён этилган.

Никоҳ барча даврларда ҳам оиланинг такомиллашуви ва ривожланишига маънавий, ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилган. Никоҳ янги қурилаётган оилани давлат, жамоат томонидан расмий равишда тан олиншидир. Шу сабабли никоҳни қайд этиш давлат органларининг вазифаларидан бири бўлган, унинг меъёр ва мақсадлари қонунлар билан белгиланган. Барча диний таълимотларда никоҳнинг шакл ва мақсадлари масаласига бефарқ қаралмаган.

Бу масаланинг фалсафий талқини шундан иборатки, ислом манбаларига асосланган шариат аҳкомларида оила қуриш фақат никоҳ асосида амалга оширилиши ва бу ижтимоий ходиса бўлиб, эркак билан аёл ўртасидаги муайян иттифоқ ҳамда бу иттифоқнинг давлат томонидан тан

олиниши ҳуқуқий, ахлоқий жиҳатдан белгиланадиган маросим эканлигига алоҳида эътибор қаратилади. Никоҳ фақат жисмоний жуфтликни эмас, балки эркак ва аёл ўртасидаги табиий, ижтимоий, маънавий муносабатларни тартибга солиб турувчи восита ҳамдир. Шаърий никоҳ жинсий эҳтиросни маънавий махфийлик пардасига ўрайди, эр-хотин орасидаги табиий муносабатларга оид бир қанча ахлоқий, ҳуқуқий, маънавий эҳтиёж ва бурчларни бажариши ҳар бир оилага тавсия этилади.

Ўрта Осиё, шу жумладан Ўзбекистон ҳалқи ҳаётига ислом динининг кириб келиши ва манбаларида ўз ифодасини топган оила қуришга оид талаб тавсияларга тарихий жараёнда амал қилиши натижасида муслмонларнинг онги ва дунёқарашида оила ва унинг мазмуни ҳақида муайян тасаввурлар шакллана борди. Қарийиб бир ярим минг йил давомида бу динга эътиқод қилувчи ҳалқлар исломий никоҳ асосида оила қуриб келмоқдалар. Ҳанафий мазҳабига эътиқод қилувчи ўзбек ҳалқларида эса исломий никоҳ ва оила муносабатлари маданияти миллий қадриятлар билан уйғунлашиб, янада мазмуни бойиб бормоқда.

“Оила ҳақида гапирар эканмиз,-деган эди Президент И.Каримов,- авваломбор, оила ҳаётининг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган шу билан бирга келажак насллар қандай инсон бўлиб етишишига бевосита таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғи эканини тан олишимиз даркор.”¹ Бу сермазмун фикрларда оиланинг барча, маъсулияти, вазифалари, айниқса, ота-онанинг зиммасидаги фарзанд тарбияси, ахлоқи, одобининг фалсафий-маданий мазмунига эътибор қаратилган. Демак, оиланинг бурчи фақат фарзанд кўриш эмас, балки уни жамият талабига яроқли, комил инсон қилиб тарбиялашдир.

Президентимиз ислом Каримов Конституциянинг 18 йиллигига бағишланган тантанали йиғилишда 2010 йилни “баркамол авлод” йили деб эълон қилганлигида ҳам катта маъно бор. Зеро, оилада фарзанд тарбияси қанчалик яхши йўлга қўйилган бўлса, шунчалик ёш авлод химоя топа боради. Олиму уламолар барча замонларда билим олиш тўғри сўзлаш каби тарбиянинг муҳим элементларига эътибор қаратганлар. Ёш авлодда билимга интилиш қобилияти оилада, ота-она маънавиятга асосланади. Буни бобокалонимиз Юсуф Хос Хожиб бу хусусда шундай ёзади: “Билим-ўйлаб кўрилса, мисоли бир жилов. У барча ёмон, ярамас нарсалардан тийиб туради. Билим эгаси ўз тилаklarини топади, орзу мақсадларига эришади.

Ақл-идрок эгаларининг нафи ҳар доим барчага тегиб туради. Билим эгалари эса элда азиз бўлади, ҳурмат қозонади. Бутун ишлар ўқув-идрок билан ҳал этилади. Барча мураккаб ишлар билим орқали ўз ечимини топади.”²

¹ Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида.- Т.: Ўзбекистон, 1998. Т 6. -100- б.

² Юсуф хос Хожиб. Қутадғу билиг. –Т.: Фан, 1990.-12 -б.

Олимларимиз “Оила миллат парвози учун илк майдони. Ўзбек оиласи болажонли оила деб бекорга айтмаганлар. Оилада фарзанд доимо ота онанинг насиҳатига, ота-боболаримиз ўғитларига амал қилади, ахлоқ-одобнинг сирларини ўрганади. Бундай панду насиҳатларга кулоқ солмаслик маънавий тубанлашишнинг сабабларидан биридир. Аслини олганда инсон ҳаёти, тажрибаси, фаолияти, билими исломий қадриятларга эътиқоди, хатти-ҳаракати билан ўзининг маънавий оламининг бойитиб боради. Ана шу мазмунда фарзанд тарбияси ва оилавий муносабатлар йўлга қўйилганда Юртбошимиз И.Каримов таъкидлаганидек, баркамол авлодни тарбиялаш ишига хисса қўшган бўламиз.

Мустақил Ўзбекистонда оила давлат қонунлари ва Конституция тамойиллари асосида қурилмоқда. Айни вақтда бу ижтимоий ҳодисада ислом динига эътиқод қилувчиларни, шаърий никоҳ ўқитиш ва бошқа исломий қадриятлардан фойдаланиши давом этмоқдаки, бундай оилаларда фарзанд тарбиясига исломий ахлоқ-одоб асосида ёндошилиб, тарбиялаш ишига муносиб хисса қўшмоқдалар.

Таянч сўзлар:

истисхон, ижмоъ, макруҳ, мансуб, махзура, раъй, шариат, фарз, фикҳ.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Шариат қандай манбаларга асосланади?
2. Суннийлик ҳуқуқий мазҳабларига қайсилар киради?
3. Шиалик ҳуқуқий мазҳаблари қайсилар?
4. Ислом манбаларида оила мазмуни қандай изоҳланади?
5. оилада фарзанд тарбияси қандай талқин қилинади?

12=мавзу. Миллий ғоя ва ахлоқий маданиятнинг шакллантириш омиллари

Режа:

1. Ислом фалсафасининг миллий ғояни шакллантиришдаги ўрни
2. Маънавий-маданий мерос миллий ғояни шакллантириш омили
3. Ислом-дини маънавиятимиз таркибий қисми

Ислом фалсафасининг миллий ғояни шакллантиришдаги ўрни.

Ислом динининг вужудга келиши ва жаҳон дини сифатида жуда кўп ҳалқлар, миллатлар, элатлар ҳаёти ва турмуш тарзига кириб келиши тарихий ва амалий аҳамиятга эга бўлди. Исломнинг Марказий Осиё халқлари, шу жумладан ўзбеклар ҳаётига асосан ҳанафийлик шариат мазҳаби йўналишидаги таълимотининг кенг тарқалиши, кишилар онги ва шуурига таъсири натижасида миллий ва диний қадриятларнинг уйғунлашуви ҳамда миллий ғояни такомиллашишига йўл очди.

Ислом нафақат диний таълимот, балки дунёқараш сифатида кенг таркала бориши билан, унинг назарий, фалсафий, ҳуқуқий тамойилларини ишлаб чиқишга эътибор кучая бошлади. Натижада IX-X асрларга келиб Қуръонга асосланган махсус ислом илмлари. Яъни диний илмлар шакллана бошлади. Масалан, Қуръондан кейин иккинчи ўринда турадиган ҳадислар, яъни Муҳаммад пайғамбарнинг насихатлари, сўзлари, ривоятларни тўплашга қаратилган махсус йўналиш-ҳадисшунослик ривожланди. Бу жараёнда қадимий анъаналарга бой бўлган Марказий Осиёда етишиб чиққан алломалар Имом Бухорий, ат-Термизий, Яссавий, Нақшбанд ва бошқалар катта хисса қўшганлар.

Ислом фалсафаси, хусусан исломий қадриятларни тарғиб ва ташвиқ қилиш натижасида кишиларда имонли инсонлар жамоаси шаклланиб инсоф, диёнат, виждон, халол-поклик, инсонпарварлик, камбағалпарварлик, хайри-эҳсонли бўлиш каби ахлоқий фазилатлар мустаҳкамланиб борди. Зеро, ислом илоҳиёти нуқтаи назаридан имон ва эътиқод (ихлос) бир “ўлчов тарозуси”ни, бундан инсон ўз хатти-ҳаракатларини ўзи қабул қилган дунёқараш негизида баҳолайди, яъни Аллоҳ йўлидан ташқарига чиқмаслик унинг тафаккур ва турмуш тарзига айланади.

Ислом дини ғоялари ва қадриятлари, унга эътиқод қилувчи халқлар миллий онгининг ривожланишида бир туртки бўлиб аста-секин маънавий руҳий жиҳатдан жипслаша бориб, ягона маслакдошлар жамияти вужудга кела бошлади. Зеро, бу қадриятлар ва руҳий билимлар моҳиятини эзгулик ва покликка даъват этувчи ғоялар ташкил этган. Зардуштийлик динининг эзгулик ёвузлик устидан пировардида тантана қилиш тўғрисидаги ғоя билан тарбияланиб келган халқлар учун исломдаги инсонпарварлик ва маърифатпарварлик ғоялари бир-бирини тўлғазар эди.

Юртбошимиз Ислом Каримов ўзининг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида таъкидлаганидек: “Миллий ғоя деганда, аждодлардан авлодларга ўтиб, асрлар давомида эъзозлаб келинаётган, шу юртда яшаётган ҳар бир инсон ва бутун халқининг қалбида чуқур илдиз отиб, унинг маънавий эҳтиёжи ва ҳаёт талабига айланиб кетган...”¹ қадриятларни тушунишимиз лозим.

Дарҳақиқат, бизнинг аждодларимиз маънавий меросида эзгулик ва маърифатга алоҳида эътибор берганликлари бежиз эмас эди. Бобокалонларимиз ижодида “халқнинг қалбида чуқур илдиз отган” маърифатга чорлаган ғояларда инсоний фазилатларни, маънавиятни шакллантиришга қаратилган муҳим фикрлар ўз ифодасини топган.

Ислом таълимотининг араб халифалигига кирган мамлакат халқлари онги ва психологиясига тобора чуқурроқ кириб боришида дастлабки даврларда, унинг амалий жиҳатларидан кўпроқ фойдаланилган бўлса,

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.-71- б.

кейинчалик, исломнинг назарий масалаларига муносабати, яъни ислом фалсафасига қизиқиш уйғонди.

IX-X асрларда Қуръони каримни тафсир қилиш, ҳадисларни тўплаш ва тартибга солиш, шариат қонунларини ишлаб чиқиш ва бошқа диний муаммолар билан шуғулланувчи дунёвий ва диний фан уламолари, руҳонийлар ва қатор ақидалар исломнинг илоҳиёт фалсафаси-Каломни ишлаб чиқиб, шариат, ақидавий дунёқараш асосларига, шарт-шароит, тараққиёт суръатларига мослаша оладиган йўналиш берилди.

Бу даврга келиб қадимги юнон илмий меросини ислом Яқин Шарқида ёйилиши натижасида уни турлича талқин этиш, масалан, мўътазиллийлар хорижийлар, муржийлар, қарматлар таълимоти, каломни янада ривожлантиришга интилиш кучайди.

Ислом фалсафаси шаклландан сўнг ўрта аср мусулмон маданияти, маънавий ҳаётга оид масалаларни бемалол мушоҳада қилиш имкониятига эга бўлди. Бу Марказий Осиё халқлари миллий-диний мафкурасининг шаклланишига кучли таъсир этди. Яна бу фалсафада имон бутунлиги, эътиқод собитлиги учун кураш жараёнида диний бағрикенглик, сабр-тоқатлилик ва ҳурфикрлилик майлларига ҳам йўл очилди. Шунинг учун бу даврда турли дин вакиллари ўртасида муҳим масалалар юзасидан муҳокама ва мунозара қилиш имконияти вужудга келди.

Ислом фалсафасидаги ғоявий бағрикенглик туфайли, унинг мазмунида дунёвий-рационалистик ва инсонпарварлик майллари кучайиб, умумбашарий аҳамият касб эта бошлади. XII асрга келиб мусулмон маданияти ва исломнинг ҳуқуқий системаси-Шариат (Марғиноний ва бошқалар) ишлаб чиқилди.

Фалсафий тафаккурнинг шаклланишида ва Марказий Осиё халқлари миллий-диний мафкурасининг қарор топишида Марғинонийнинг “Ал-Ҳидоя” фақат ўрта асрларда ёки ҳозирги кунлардагина эмас, балки у шариат қомуси, қонун чиқариш асоси бўлишидан ташқари ҳар қандай таълим ва таҳсил соҳасида асосий манбаъ бўлиб хизмат қилмоқда.

Қуръони карим ва ҳадиси шарифлар шариатнинг асосий манбаъи ҳисобланади. Шариат аҳкомлари эса инсоннинг ҳаёти, турмуш тарзи, ҳуқуқий муносабатлари, инсон, жамият ва давлат билан ўзаро алоқадорлик тартиблари ва бошқаларни барчасини қамраб олган. Уларнинг фалсафий мушоҳадаси эса ҳар бир мусулмон аҳлида миллий-диний мафқурани шаклланишига олиб келади.

Мустақилликка эришган мамлакатимизда шариатнинг ҳуқуқий мероси ва ислом фалсафаси халқимизда сиёсий онг, маданият, ҳуқуқий хотирани тиклашда, миллий мафқурани шаклланишига ёрдам бермоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов миллий мафқурани яратиш ҳақида қуйидаги муҳим фикрларни айтган эди. “Ўзининг ҳаётини, олдига қўйган мақсадларини аниқ тасаввур қила оладиган, ўз келажаги ҳақида

қайгурадиган миллат ҳеч бир даврда миллий ғоя ва миллий мафқурасиз яшамаган ва яшай олмайди.”¹

Ҳақиқатан ҳам одамлар қайси бир даврда ва жамиятда яшамасин нимагадир ишониши, эътиқод қилиши, муайян илмий таълимотга, мафқурага асосланиб иш кўриши, фаолият кўрсатиши лозим бўлади.

Мустақиллик туфайли ўз тарихий тараққиётининг янги уфқларига қадам қўяётган Ўзбекистон Республикасида миллий истиқлол мафқурасини яратиш вазифаси турибди. Бу мафқура жамиятимиз тараққиётининг объектив талаб ва эҳтиёжларидан келиб чиқади. Чунки, миллий мафқура жамиятдаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, маданий, ахлоқий ва ижтимоий эҳтиёж ва манфаатларни ўзида акс этиради ва ҳимоя қилади.

Миллий мафқура мамлакатимизда яшайдиган барча халқларни, миллат, тили ва динидан қатъи назар ҳар бир фуқаронинг ягона Ватан бахт-саодати учун доимо маъсулият сезиб яшашига ва муносиб фаолият кўрсатишига хизмат қилади.

Миллий ғоя ва мафқурани яратиш, унинг халқимиз онги ва шуурида шакллантириш борасида маънавий-маърифий кадриятлар ислом фалсафасидан ҳам озик олиб ривожланса, унинг таъсир кучи беқиёс бўлади. Чунки, Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда маънавий ҳаёт икки дунёвийлик ва динийлик асосида ривожланиши керак.

Мустабид тузумдаги коммунистик мафқура тазъийқидан халқимиз озод бўлди. Эндиликда халқимизда ўз миллий ғоя ва истиқлол мафқураси бўлишига кенг йўл очилди. Миллий мафқура ҳақиқатан ҳам бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган қудрат, куч бўлиб қолиши керак.

Ўзбекистоннинг миллий мафқураси халқимизнинг маданий ва маънавий мероси, миллий кадриятлари, анъаналари, маданияти, тили, тарихидаги нодир аҳамиятини ҳеч қачон йўқотмайдиган ғояларини ўзида ифода этади. Шунинг учун ҳам бу мафқуранинг илмий-амалий, таълим-тарбиядаги аҳамияти каттадир.

Миллий мафқура, шунингдек, аждодларимиз, буюк мутафаккир бобокалонларимизнинг илмий-фалсафий, ахлоқий, ижтимоий-сиёсий қарашлари ва таълимотларига ҳам таянади.

Дунёвий билимлар ва аждодларимиз меросини ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ қилишга эзгулик руҳи қўшилгандагина маърифат вужудга келиб, маънавият ва миллий хусусиятлар шаклланади. Республикамиз Президенти “Нега мен маърифат сўзини кўп такрорлаб, унга алоҳида урғу бераман? – деган савол қўйиб, бундай дейди: “чунки жамият тараққиётининг асоси, уни муқаррар ҳалокатдан қутқариб қоладиган ягона куч-маърифатдир”.²

¹ Каримов И.А. Биз келажакимизни ўз қўлимиз билан қураимиз. Т.7.-Т.: Ўзбекистон, 1999.-135- б.

² Каримов И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.-72 -б.

Бу мазмунли ва назарий фикрлар маърифат сўзининг таркибига киритилган “эзгулик” тушунчаси нақадар бойлиги, ранг-баранглиги, мазмун-миқийёсининг кенглиги, теранлиги билан тубдан фарқ қилади. Мустақилликка эришиш ҳалқимизнинг асрий орзуси эди. Энди уни асраб авайлаш, уни янада мустаҳкамлаш вазифаси маърифат орқали эришилади. Зеро, миллий ғоямизнинг маъно-мазмунини ҳам шу мезонлар белгилайди.

“Табиийки, -деган эди Ислом Каримов, -миллий ғоямиз шу юртда яшаётган одамларнинг олижаноб ниятларини, ҳаётий манфаатларини мужассам этадиган юрт бойлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги деган юксак тушунчаларни ўз ичига олади.”¹

Бу юксак орзуларга эришишнинг муҳим шарт-юртимизда тинчлик ва осойишталикни таъминлашдир. Ислом фалсафаси ва маънавиятида мусулмонларни эзгуликка чорлаш ғоясининг мазмун-моҳиятини тинчлик, хотиржамлик ва яратганга шукрона қилиш ташкил этади.

Маълумки, халқимиз маънавий мероси ва муқаддас қадриятларининг катта қисмини исломий маънавият ва маърифат, унинг манбаъларидан бўлмиш Куръони карим, ҳадиси шарифлар, тафсирлар, шариат аҳкомлари ташкил қилади. Ислом фалсафаси ва исломий меросимизнинг муҳим қисмини ирфоний меросимиз-тасаввуф таълимоти ва қадриятлари, хусусан бизнинг Ватанимиз-Туркистонда шаклланиб, эндиликда жаҳон маънавий маданияти, умуминсоний қадриятлари тарақиётига жуда катта ҳисса қўшган уч буюк тасаввуфий тариқатлар: яссавия, кубровия ва хожагония-нақшбандия ирфоний-тасаввуф тариқатлари ташкил этади.

Яссавия тариқатининг қоидалари Аҳмад яссавийнинг “Хикмат” деган асарида ўз ифодасини топган. Унда инсон меҳр-шафқат, ҳалол-пок, ҳалол меҳнати билан кун кечириш орқали Аллоҳ висолига етиши мумкин. Яссавияда молу дунё тўплашга ружу қўйиб, инсоний сифатлардан маҳрум бўлиш қораланади.

Марказий Осиёда XII-XV асрларда шаклланган нақшбандия тариқати ғоялари Амир Темур салтанати мафкурасининг асосига қўйилди, натижада маърифатли ислом ривожини учун кенг йўл очилиб, илм-фан, адабиёт ва санъат тараққий этди, сиёсатда инсонпарварлик руҳи етакчи майлга айланди. “Куч адолатда” шиори сиёсатнинг асосига қўйилди. Масалан, XV асрдан то XVI асрнинг бошигача нақшбандия ғоялари жуда катта территориядаги халқларни бирлаштиришга, салтанатни мустаҳкамлашга хизмат қилди. XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб мафкура асосида тақдирга тан бериш етакчи майлга айлана борди. Натижада, жуда катта илмий салоҳиятга эга бўлган Марказий Осиё халқлари, Махмудхўжа Бехбудий айтганидек, Ғарбий Овруподан қарийиб тўрт аср орқада қолди.

¹ Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар.-Т.: Ўзбекистон, 2000. -5 -6.

XIX асрнинг охири XX аср бошида ислом негизида аввало маърифатпарварлик ғоялари кенг ёйила бошлади, шу асосда миллий мустақиллик учун кураш боислик ҳаракати кенг қулоч ёя бошлади.

Якка ҳокимликка даъво қилган совет тузумининг коммунистик мафқураси 70 йилдан зиёд даврида халқимизнинг маданий ва маънавий меросидан фойдаланиш йўлини тўсиб қўйди ва исломий қадриятларга эътиқод қилишга нисбатан жиддий қарши курашди. Шундай шароитда ҳам халқимиз қалбида ўзлигини йўқотмасликка, миллий ва исломий қадриятларни сақлаб қолишга интилиш йўқолмади. Бундай орзуга халқимиз мустақиллик даврида эришмоқда.

Мустақилликка эришгандан буён ўтган давр ичида турли сиёсий кучлар, экстремистик диний ҳаракатлар миллий ҳавфсизлигимизга, давлатимиз ва халқимиз барқарорлигини бузишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Бундай ҳаракатларни бошқарадиган сиёсий кучлар, диний ташкилотлар ва гуруҳлар мавжуд бўлиб, улар гоҳ яширин, гоҳ ошкора фаолият кўрсатадилар. Ҳозирги даврга келиб, ахборот воситалари асосида ғоявий таъсир ўтказишдан ташқари бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга, таҳдидларга дуч келинди, кимёвий, ядровий, фазовий, биологик, экологик, иқтисодий каби террористик ҳаракатлар ҳавф солиб турибди.

Юқорида баён қилинган фикрлардан қуйидаги хулосага келиш мумкин: биринчидан, исломий қадриятлардан ҳозирги даврда фойдаланиш асосида миллий ғоя ва мафкура таъсирчанлигини ошириб, имон ва эътиқодли, демак, барқарор ахлоқли баркамол авлодни тарбиялаб, жамиятнинг маънавий-ахлоқий юксалишига эришиш лозим; иккинчидан, Ўзбекистон истиқлолга эришган биринчи йилларидан бошлаб, кишилар маънавиятини юксалтиришга эътибор берилиб, миллий ғоя ва мафқурани яратишда аждодларимиз мероси, айниқса, исломий қадриятларни тиклаб, унинг инсонпарварлик ғояларидан жамият юксалиши учун фойдаланишга асосий эътибор қаратилмоқда. Бу ҳақда Президент Ислам Каримов бундай ёзади: “Истиқлол шарофати билан маънавият булоқларининг кўзи очилди, биз бу булоқнинг зилол сувларидан баҳраманд бўла бошладик. Шўро даврида унутилган қадриятларимиз номи қораланган бобокалонларимизнинг дурдона сўзларини биз оби кавсардек кўзимизга суртмоқдамиз”¹; учинчидан, жамиятнинг маънавий юксалишида исломий қадриятларнинг ва маданий мероснинг ўрни беқиёсдир. Чунки, авлодлар қолдирган қадрият ва мерос, хусусан Қуръони карим, ҳадиси шариф ва шариат аҳкомларида тарғиб қилиб келинган қадриятлар асрлар оша бизгача етиб келиб, кишилар онги ва қалбидан чуқур ўрин олди. Бу қадриятларнинг ривожланиши ва бойиб боришида миллийлик билан динийлик уйғунлашиб бориб миллий бирликни ва миллатлараро тотувлик, ҳамкорликнинг шаклланишига асос бўлади; тўртинчидан, ҳозирги вақтда

¹ Каримов И.А. Ўзбекистоннинг сиёсий-ижтимоий ва иқтисодий истиқболининг асосий тамойиллари.-Т.: Ўзбекистон, 1996.-46 -б.

ислом фалсафаси ва исломий қадриятларидан маънавиятни юксалтириш, эзгулик йўлида эмас, балки бузғунчилик, яъни диний экстремистик ва террористик йўлида фойдаланувчи кучлар ўз ҳаракатлари мазмунини тез тез ўзгартириб турадилар. Шунинг учун улар ҳаракатини фош қилиб бориш бугунги кун талабидир; бешинчидан, миллий маънавиятнинг, исломий қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши нафақат халқнинг руҳий тикланишига, миллий ғоянинг шаклланишига, балки ўзлигини англашига, миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанпарварлик хисси кучайишида кенг имконият вужудга келади.

Маънавий-маданий мерос-миллий ғояни шакллантириш омили. Диний қадриятлар, маросим ва анъаналарнинг шаклланиши узоқ тарихий даврларга бориб тақалади. Ибтидоий дин шаклларида бошланган бу жараён миллий ва жаҳон динлари шаклланиб, кенг ёйила бошлаган пайтларда анча ривожланган. Ҳозирги диний қадриятларнинг мавжудлиги диний таълимотларга асосланса-да унинг ривожланиши жамият ҳаётидаги ижтимоий-иқтисодий ва маънавий-ахлоқий тараққиёт билан мустаҳкамланган. Улар халқимизнинг турмуш тарзи ва жамият ҳаёти учун муҳим аҳамият касб этмоқда.

Миллий маънавиятимизнинг қадимий илдизлари, шу жумладан исломий қадриятлари, ноёб ва бетакрор намуналарини тадқиқ этиш, уларни бугунги кун талаблари билан боғлиқ ҳолда бойитиб тарғиб этишнинг янги бунёд этилаётган фуқаролик жамияти учун аҳамияти каттадир.

Истиклол йилларида буюк бобокалонларимизнинг маънавий меросини тадқиқ этиш, асарларини нашр қилиш, юбилейларини нишонлаш мамлакатимизда одат тусига кириб, миллатимизнинг ҳар томонлама уйғониб, камол топишига кенг имконият яратмоқда. Хусусан ислом фалсафаси асарларини, диний уламо ва алломаларнинг меросини нашр қилиш, ўрганиш, тарғиб этиш халқимизни исломий қадриятлардан бахраманд қилишга катта йўл очди.

Маълумки, ҳар бир халқнинг тарихий шаклланган ва ҳаёт синовларидан ўтган ўзига хос бетакрор мерослари мавжуддир. Маънавий мерос, миллий ва диний қадриятларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўрнини топиб бизгача етиб келиши бир томондан, ўтган авлодлар яратган мерос сифатда етиб келган бўлса, иккинчи томондан, диний қадриятлар муқаддас китобларга асосланган тарғибот орқали кишилар онги ва дунёкарашига ўрнашиб авлоддан-авлодгача ўтиб келади.

Марказий Осиё халқларини жумладан, ўзбек халқи илму-фанда донг таратган буюк олимлар, аллома мутафаккирлари билан ҳақли равишда фахрланади.

Илму-фан соҳасида жаҳонга танилган алломалар Ал-Форобий, Абу Али Ибн Сино, Абу Райҳон Беруний, Аҳмад Фарғоний, Ал-Хоразмий, Мирзо Улуғбек, Али-Қушчи бўлса, ҳадис илми ва ислом маънавиятини

ривожлантиришга улкан ҳисса қўшган улуғ зотлар: Бурхониддин Марғиноний, Мотуридий, Хожа Ахрор, Исмоил Ал-Бухорий, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд кабилар бўлганлар, донишманд мутафаккирлардан: Лутфий, Алишер Навоий, Хусайн Байқаро, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Турди, Аҳмад Дониш, Фурқат, Муқимий, Завқий; мўйқалам соҳиблари Бехзод ва Музаффар каби машҳур кишилар шу ўлкада яшаб ижод этганлар.

Бу улуғ зотларнинг яратган маънавий ва маданий мероси, аввало, жамият маънавиятининг, миллий кадриятларининг шаклланиши ва бойишига хизмат қилган: иккинчидан; халқимиз маънавиятининг юксалтириш орқали комил инсонни тарбиялашга йўналтирилган: учинчидан; аждодлар меросида ислом маънавиятининг ўрни алоҳида бўлган.

Ислом маънавиятининг мазмуни Қуръони карим ва ҳадиси шарифлардир. Уларга асосланган ислом фалсафаси, тасаввуф, одоб-ахлоқ масалаларига бағишланган дунёвий ва диний олимларнинг асарларида ўз ифодасини топган. Бу билимларни тарғиб қилиш ислом маърифатининг асосий вазифаси ҳисобланган.

Халқимиз тарихидан маълумки, илм-фан, адабиёт, санъат ва ижтимоий-иқтисодий муаммоларни ҳал қилишда дунёвийлик ва динийликка нисбатан кўп ҳолда тўғри ёндошилганлиги учун ижтимоийлик ва илмий соҳада шундай жаҳонга машҳур кашфиётлар қилиндики, улар халқимизнинг маънавий-маданий меросининг олтин хазинасидан муносиб ўрин олди. Бу кашфиётларнинг эгалари ўз замонасининг, ҳаттоки ҳозирги даврнинг ҳам юксак шаклланган шахси эканлигидан далолат беради.

Аллома-олимларимиз ислом маърифатига улкан ҳисса қўшиб, доимий ўзгариш ва ривожланишда бўлган жамиятнинг мазмун-моҳияти, миллий, диний ва умумбашарий кадриятларнинг айниқса, фан билан дин алоқалари ҳақида фикр юритиш билан бир вақтда давлат ва жамиятни бошқариш масалаларига ҳам алоҳида эътибор бердилар.

Ушбу масалаларни ташкил қилишда мутафаккирлар фанларни туркумлаштириб диний ва дунёвий фанларга ажратганлари ҳолда уларни бир - бирига қарама - қарши қўймаганлар. Аммо булар иккала ёндошувда ўз олдига қўйган мақсадлари, ўрганиш объектларида бир-биридан фарқ қиладиган тамойилларини ҳам кўрсатиб ўтганлар.

Марказий Осиёдан етишиб чиққан улуғ мутафаккирлар жамият тараққиётида кадриятларнинг тутган ўрни ва моҳияти тўғрисида, давлатни бошқариш хусусида илғор илмий қарашларни илгари сурдилар. Бунда Форобий, Беруний, Ибн Синолар олға сурган ҳақиқатга эришишнинг икки хил йўлини, яъни бири диний, иккинчиси илмий йўл деб билдилар. Диний йўл билан Худо ва унинг қудратини билиш йўлидан иборат бўлса, илмий йўл эса табиат ва объектив оламни билиш орқали амалга ошади.

Жамият тараққиётининг ҳар бир тарихий даври диний (исломий), фалсафий таълимотлар асосида талқин қилиниб келган бўлса, жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида улар ўрнига ундан илғорроқ даражадаги таълимотларни яратиш вазифасини қўяди.

Демократик жамиятнинг шаклланиши ва тараққиётини амалга ошириш жараёни кетаётган ҳозирги шароитда одамлар ўртасидаги амал қиладиган ахлоқий, сиёсий, ижтимоий, ҳуқуқий, диний ва мафкуравий муносабатларни яхшилаш ва мустаҳкамлаш учун халқимиз маънавиятини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратади. Зеро, миллий ва диний қадриятларнинг ахлоқий, ҳуқуқий жиҳатларини мустаҳкамлаш баркамол авлодни шакллантиришга, фуқаролик жамиятининг асосларини яратишга хизмат қилади.

Марказий Осиё халқлари ҳаётига ислом йўналишларини (асосан суннийлик) тарғибот ёки араб истилоси орқали киритишлии билан бир вақтда ислом маданияти, маънавиятини маҳаллий халқлар ўртасида кенг ёйилиши кузатилди. Бу ҳудудда суннийликнинг ҳанафий мазҳаби қонун-қоидаларини маҳаллий халқлар ҳаётига сингдириш суннийликнинг бошқа мазҳабларига нисбатан тезроқ амалга ошди. Имом Аъзам асос солган ҳанафий мазҳаби бошқа мазҳабларга нисбатан, биринчидан, диний бағрикенглик (яъни бошқа мавжуд динлар ва уларнинг урф-одатлари ҳам давом этиш имконияти); иккинчидан, мўътадил мазҳаблиги (яъни маҳаллий халқлар, миллатларнинг хусусиятларига мос келиши, унинг талабларининг оддий одамларга мос келиши); учинчидан, бу мазҳабга эътиқод қилувчиларнинг ортиб бориши ва ҳозирги вақтда сунний мусулмонларнинг кўпчилиги ҳанафий мазҳабига эътиқод қилиши билан ажралиб туради.

Ислом ривожига вужудга келган йўналишларининг муҳим жиҳатларидан бири халқлар маънавиятини шакллантиришга йўналтирилган қонун-қоидалари ва диний эътиқод талабларидир. Ислом динини қабул қилган ҳар бир мусулмон учун диний маросимчилик талабларини бажаришдан ташқари ҳаётда ҳалол, пок, виждонли бўлиш, ҳалол ва харомнинг фарқига бориш, бошқаларининг мулкига кўз олайтирмаслик, оила қуриш билан ўз фарзандларини ислом таълимоти, талаби руҳида тарбиялаш, ҳалол меҳнат қилиш билан кун кечириш каби ахлоқий мезонлар мужассам бўлиши талаб қилинади. Шунингдек, бу таълимотда давлат, жамият, ота-она, ватанга муҳаббат инсонпарварлик, адолат, ҳалоллик мезонлари халқлар маънавияти шаклланишининг асосини ташкил қилган. Бундай даъватлар ислом ривожининг қайси даврида бўлмасин ўзининг тарбиявий аҳамиятини йўқотмаган аксинча, ислом динига эътиқод қилганлар маънавиятини шакллантиришга ўз ҳиссасини қўшиб келган. Унинг бу жиҳати, яъни жамиятда маънавий-ахлоқий муҳитни соғломлаштиришга қўшаётган ҳиссаси ҳозирги фуқаролик

жамияти шакллантирилаётган мамлакатимизда ҳам муҳим тарбиявий-ахлоқий аҳамият касб этмоқда.

Жаҳон динлари ичида энг кенжаси бўлган ислом дини тез орада жуда кўп халқлар ва миллатлар ҳаётига кириб бориб, уларнинг турмуш тарзидан муносиб ўрин олишидан ташқари, кўпгина шарқдаги давлатларнинг бошқариш мафкурасига айланди. VIII-IX асрларда ислом ривожига турли йўналишлар, мазҳаблар вужудга келишига қарамай ислом таълимоти (унинг асосий манбалари Қуръони карим ва ҳадиси шариф)га асосланган диний мафкура мусулмонлар ҳаётида, хусусан уларнинг маънавий-ахлоқий, дунёқарашларини шакллантиришда давом этди.

Жамият ҳаётининг барча соҳаларида бўлгани сингари маънавий, жумладан ахлоқий нуқсонлар ҳукм сураётган ҳозирги даврда исломнинг меҳр-шафқат, мурувват, саховат, одамийлик, ҳалоллик хусусидаги панд насиҳатларидан умуминсоний қадриятлар сифатида фойдаланиш ғоят ўринлидир. Ҳаётимизнинг маънавий жабҳалари қайта қурилаётган ҳозирги даврда исломнинг регулятив функциясининг аҳамияти тобора ортиб бормоқда; Ўзбекистон мусулмонлари идораси турли хилдаги хайри эҳсон, саховат жамғармаларини ташкил этиб, хожатмандларнинг дардига малҳам бўлмоқда; шўролар даврида вайрона ҳолатига келган маданий ёдгорликларни ва тарихий обидаларимизни давлат маблағлари ва умумхалқ хашари йўли билан таъмирлаш ишларини олиб бормоқда.

Ислом, унинг дунёвий вазифаларини ҳам бажарадиган руҳонийлари асрлар мобайнида жамиятнинг ижтимоий ҳаёти, фан, маданият, маорифини ўз назорати остида ушлаб, тарихий анъаналар, инсонларнинг турмуш тарзига катта таъсир ўтказиб келган. Яна у ислом ва унинг қадриятларига эътиқод қилувчи турли миллат ва эллатларга хос ижтимоий табақалар вакилларининг Аллоҳ олдидаги тенглигини тан олган ва уларни ягона худонинг бандалари сифатида тенглаштирган. Бу диний таълимотларининг умумийлигини мустаҳкамлаган ҳолда ижтимоий муносабатларнинг мавжуд системасини сақлаш вазифасидир.

Барча миллий ва жаҳон динларининг пайдо бўлиши ва турли халқлар ҳаётидан ўрин олиши, ўз қадриятларини тарғиб ва ташвиқ қилишида диний онгни шакллантириш билан кишилар маънавиятини бойитишга қаратилган мақсади ҳам бўлади. Муҳим жиҳати шундаки, барча жаҳоний динлар Шарқда вужудга келган. Зардушт Хоразмда Мусо пайғамбар Мисрда, Исо пайғамбар Қуддуси Шариф яқинидаги Вафлеемда, Муҳаммад пайғамбар Маккаи мукаррамада таваллуд топганлар. Бу улуғ зотларнинг диний тарғиботдан ташқари халқлар маънавияти, миллий қадриятлар ривожига катта ҳисса қўшиб келганлиги аёндыр. Масалан, Зардуштийлик таълимотида «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» асос қилиб олинган, яъни инсонда баркамоллик, ҳақгўйлик, адолатликни улуғлаш, инсондан фикр софлиги, сўзнинг собитлиги ва амалларнинг инсонийлигини талаб қилган.

Маънавиятнинг муайян йўналишлари, шу жумладан христианлик дини Ғарб цивилизациясининг келиб чиқишида муҳим омиллардан бири бўлган деган фикрлар чет эллик олимлар қарашларида учрайди. Масалан, Макс Вебер Ғарб цивилизациясининг келиб чиқишида протестантизм ғоялари асосида шаклланган ахлоқ мезонлари шунга олиб келди,¹ деган фикрни илгари сурди. Христианликнинг учинчи, сўнги йўналиши бўлган протестантлик (XVI аср) католицизм ва православиядаги кўпгина диний қадриятларни ислоҳ қилиб, диний эркинликни кенг жорий этишга мувоффақ бўлди.

Диний қадриятларнинг ижтимоий ҳаётда тутган ўрнининг яна бир муҳим жиҳати шундаки, христианликка эътиқод қилган Ғарб мамлакатлари таълимни восита деб билиб, асосан илм-фаннинг барча қирраларидан кенг фойдаланишни мақсад қилиб олганлар. Ислом кенг тарқалган Шарқ мамлакатларида эса юксак маънавиятни сақлаб қолишга алоҳида эътибор берилди. Моддий эҳтиёж ва тараққиёт эса унда кейинги ўринда турди. Аммо Шарқ халқлари илму-фан орқали қўлга киритган уйғониш давридаги ютуқларга Ғарб олимлари катта қизиқиш билан қараб, муҳим тадқиқотлар олиб бориб, ўзлари учун керакли хулосаларни чиқардилар.

Ғарб мамлакатларидаги маънавий қашшоқлик XX ва XXI аср бошларига келганда ўз салбий оқибатларини кўрсата бошлади. Масалан, АҚШ ва бошқа Ғарб мамлакатларида оила маданияти ва маънавиятига муносабатларнинг сустлашиши натижасида оила қуриш ва болаларнинг туғилиши кейинги 20-30 йилларда жуда кам кўрсаткичга эга бўлиб бормоқда. АҚШда бир жинсли одамларнинг оила қуриши устига-устак уларга етим болаларни асраб олиб боқишга имконият берилиши эса цивилизацияга эришган жамият маънавияти учун ғоят ғайриинсоний, дахшатли воқеадир.

Бизнинг аждодларимиз маънавий меросида эзгулик ва маърифатга алоҳида эътибор берганликлари бежиз эмас эди. Бобокалонларимиз ижодида, Форобий, Алишер Навоийнинг маърифатга чорлаган ғояларида инсоний фазилатларни, маънавиятни шакллантиришга қаратилган муҳим фикрлар ўз ифодасини топган.

Дунёвий билимлар ва аждодларимиз меросини ўрганиш ва ҳаётга тадбиқ қилишга эзгулик руҳи қўшилгандагина маърифат вужудга келади.

XX асрнинг охириги XXI асрнинг бошларида жамият ва инсоният цивилизацияси тараққиёти тубдан ўзгариб, дунёда ижтимоий ҳаёт ривожига, тинчликка таҳдид солувчи глобал муаммолар: диний фундаментализм ва экстремизм; халқаро терроризм ва наркобизнес; коррупция ва уюшган жиноятчилик; экологик танглик ва биогенетик

¹ Қаранг: Вебер М. Избранные произведения. – М.: 1990. – С.67.

бузилишлар каби иллатлар, хавф-хатарлар жаҳон ҳамжамятини ҳақли равишда ташвишга солмоқда.

Бу таҳдидлар олдини олиш ҳар бир мамлакат тараққиётининг устувор йўналишини ташкил этаётганлиги табиийдир. Бу ҳақда юртбошимиз И.Каримов шундай деган эди: «Бугунги кунда терроризм, экстремизм ва радикализмга қарши кураш дунё мамлакатларини бирлаштирадиган асосий омил бўлиб қолмоқда»¹.

Ҳақиқатдан ҳам терроризм ва экстремизм XX асрнинг охири ва XXI асрда вужудга келган жаҳон ҳамжамятлари мамлакатлари, халқлари ҳаётига таҳдид солувчи, талофат етказувчи сиёсий курашнинг жамиятда беқарорлик ўрнатиш ва қўрқув уйғотиш усулидир. Терроризмни келтириб чиқарган ижтимоий-сиёсий асослари ва сабаблари мавжуд бўлиб, улар: диний ақидапарастлик ва фундаментализм; диний ва сиёсий экстремизм; сепаратизмдир. Бу сиёсий ҳаракатларнинг мазмун-моҳиятини кўпчилик халқимиз тўғри тушуниб, уларнинг жамият ва халқлар ҳаёти, учун ғоят зарарли эканлигини тушуниб етмоқда.

Мустақилликка эришгандан буён ўтган давр ичида турли сиёсий кучлар, диний ҳаракатлар миллий хавфсизлигимизга, давлатимиз ва халқимиз барқарорлигини бузишга ҳаракат қилиб кўрдилар. Бундай ҳаракатларни бошқарадиган сиёсий кучлар, диний ташкилотлар ва гуруҳлар мавжуд бўлиб, улар гоҳ яширин, гоҳ ошкоро фаолият кўрсатдилар. Ҳозирги даврга келиб, ахборот воситалари асосида мафкурвий таъсир ўтказишдан ташқари бир қатор чегара билмайдиган муаммоларга, таҳдидларга дуч келинди, кимёвий, ядровий, фазовий, биологик, экологик, иқтисодий каби терроористик ҳаракатлар хавф солиб турибди.

Ўзбекистон террорчиликка қарши курашишда ўз сиёсатини мунтазам амалга оширмоқда. Марказий Осиё ҳамкорлиги ташкилотининг (МОҲТ) Душанбеда бўлиб ўтган сўнгги йиғилишида МДҲ худудида ва хусусан, МОҲТ худудида мавжуд бўлган террорчилик гуруҳларининг қонундан ташқарида, деб эътироф этиш мақсадида, уларнинг рўйхатини тузиш ҳақида қарор қабул қилинди. Бу жиддий тадбир бўлиб, ўз амалий самарасини бермоқда. Германия, Покистон, 16 та араб мамлакати «Ҳизбут таҳрир»ни ноқонуний деб топди, Россия ҳам, кейинчалик МОҲТнинг бошқа давлатлари ҳам бу қарорга қўшилди.

Юқорида баён қилинган фикрлардан қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: биринчидан, исломий қадриятлардан ҳозирги даврда фойдаланиш асосида миллий ғоя ва ахлоқни шакллантириш кишиларнинг маънавий камолоти ва у билан боғлиқ жамиятнинг маънавий-ахлоқий юксалиши билан амалга ошади; иккинчидан, Ўзбекистон истиқлолга эришган биринчи йиллардан бошлаб, кишилар маънавиятини юксалтиришга

¹ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2005. – 64-б.

этибор берилиб, миллий ғоя ва мафқурани яратишда аждодларимиз мероси, айниқса, исломий қадриятларни тиклаб, унинг фойдали томонларини жамият юксалиши учун ишлатишга этибор қаратилди. Бу ҳақда Президент Ислом Каримов бундай ёзади: «Истиқлол шарофати билан маънавият булоқларининг кўзи очилди, биз бу булоқнинг зилол сувларидан бахраманд бўла бошладик. Шўро даврида унутилган қадриятларимиз, номи қораланган бобокалонларимизнинг дурдона сўзларини биз оби кавсардек кўзимизга суртмоқдамиз»¹; учинчидан, жамиятнинг маънавий юксалишида исломий қадриятларнинг ва маданий мероснинг ўрни бекиёсдир. Чунки, авлодлар қолдирган қадрият ва мерос, хусусан Қуръони карим, ҳадиси шариф ва шариат аҳкомларида тарғиб қилиб келинган қадриятлар асрлар оша бизгача етиб келиб, кишилар онги ва қалбидан чуқур ўрин олди. Бу қадриятларнинг ривожланиши ва бойиб боришида миллийлик билан динийлик уйғунлашиб бориб миллий бирликни ва миллатлараро тотувлик, ҳамкорликнинг шаклланишига асос бўлди; тўртинчидан, ҳозирги вақтда ислом фалсафаси ва исломий қадриятлардан маънавиятни юксалтириш, эзгулик йўлида эмас, балки бузғунчилик, яъни диний экстремистик ва террористик йўлида фойдаланувчи кучлар ўз ҳаракатлари мазмунини тез-тез ўзгартириб турадилар. Шунинг учун улар ҳаракатини фош қилиб бориш бугунги кун талабидир; бешинчидан, миллий маънавиятнинг, исломий қадриятларнинг тикланиши ва ривожланиши нафақат халқнинг руҳий тикланишига, миллий ғоянинг шаклланишига, балки ўзлигини англашига, миллий ғурур, миллий ифтихор, ватанпарварлик ҳисси кабиларнинг пайдо бўлишига кенг имконият яратади.

Ислом дини миллий маънавиятнинг таркибий қисми. Президент Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида ёзганидек: “...дин азалдан инсон маънавиятининг таркибий қисми сифатида одамзотнинг юксак идеаллари, ҳақ ва ҳақиқат, инсоф ва адолат тўғрисидаги орзу-армонларини ўзида мужассам этган, уларни барқарор қоидалар шаклида мустахкамлаб келаётган ғоя ва қарашларнинг яхлит бир тизимидир”²

Бу назарий фикрларда диннинг шахс ва жамият маънавий маданиятининг юксалишга, руҳий покланишга таъсири чуқур илмий асослаб берилган. Зеро, ислом дини ғоя ва қарашларнинг яхлит тизими сифатида минтақа халқларининг ички дунёси, ахлоқий маданияти, муайян дунёқарашининг шакллантиришга хизмат қилиб келмоқда.

Дин, унинг таълимоти ва қадриятлари маънавий маданиятнинг таркибий қисмини ташкил этиб, асрлар давомида халқлар учун нафақат диний таълимот, этиқод вазифасини ўтаган, балки турмуш тарзига

¹ Инсон бахт учун туғилади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг ҳикматли сўзлари. – Т.: «Шарк», 1998. - 35-б.

² Каримов И.А. Юксак маънавият енгилмас куч – Т.: Маънавият 2008. -36-б.

айланиб, диний маданият ва маънавиятни кишилар онги ва шуурига сингдириб келган ўзига хос дунёқараш ҳамдир.

Дин — эзгулик манбаи. У инсон, жамият, табиат ва бутун борлиқни яратган, инсоният учун бирдан бир тўғри, одил хаёт йўлини кўрсатадиган ва ўргатадиган илохий қудратга ишонишни ифода этадиган бир бутун тизимга айлантирган қараш ва таълимотдир. Бу таълимотнинг қадриятлари мазмунини, эзгулик ва покликка даъват этувчи ўғитлар ташкил этиб, улар кишилар дилига солинади. Жумладан, ислом манбалари ва унинг қадриятлари инсон қарашлари ва маънавиятини ривожлантиришнинг муҳим омилидир. Қуръон, ҳадис, фикҳ ва шариат аҳкомларида шаклланган мусулмончиликнинг ҳақ-ҳуқуқлари деб тан олинган фикрлар орқали кишиларда иймон-эътиқод, виждон, муайян дунёқараш шаклланади. Бунинг учун ҳар бир мусулмон ўзи руҳан, виждонан пок, иймонли ва ҳалол бўлиши, ҳаромдан ҳазар қилиши керак деган даъват ислом таълимотида ва унга асосланган ислом маънавиятида муҳим ўрин эгаллайди. Зеро, инсон ва жамиятнинг покланишида диний эътиқод, исломий қадриятларнинг ўрни алоҳидадир. Бугунги кунда ислом дини миллий тараққиётимизнинг муҳим омили бўлиб хизмат қилмоқда.

*„Биз, — дейди И. А. Каримов, — мусулмончиликнинг улуг маданий қадриятлари ҳуқуқини қайта тикладик. Бинобарин, қалбимиз бу бебаҳо хазинани чуқурроқ идрок қила боргани сайин халқнинг ҳаёти маънавий жиҳатдан бойроқ ва ахлоқий жиҳатдан поклароқ бўла боради“.*¹

Ҳақиқатан ҳам, ислом дини минг йиллар давомида халқимизнинг муқаддас эътиқоди, маънавий ҳаёти ривожининг асосларидан бири вазифасини ўтаб келди.

Ислом дини тарихий жараёнида жамият аъзоларини энг юксак башарий фазилатлар эгаси қилиб тарбиялайди. Меҳр-мурувват, ахлоқ-одоб, шафқатли бўлиш, инсонпарварлик, халқпарварлик, оилапарварлик, болажонлик, меҳнатсеварлик ва бошқа ахлоқий фазилатлар ислом маънавиятининг мазмунини ташкил этади ва халқлар шахсий ва ижтимоий ҳаётида ўз ўрнига эга бўлган.

Ўзбек халқи маънавий мероси ва муқаддас қадриятларининг жуда катта қисмини, яъни „бебаҳо хазинанинг“ исломий маънавият ва маърифат, *ислом манбалари*: Қуръони карим, ҳадиси шарифлар, тафсирилар, фикҳ, шариат аҳкомлари ва бошқа диний ҳамда дунёвий китоблар ташкил этади.

Муқаддас динимиз, яъни ислом дини маънавиятининг таркибий қисми сифатидаги ўрни, мазмун-моҳияти, кўлами нихоятда каттадир. *Улар*:

Ислом дини таълимоти ва қадриятлари минтақа халқлари маънавияти шаклланишида пойдевор вазифани ўтаган. Жаҳонга машҳур мутафаккир, аллома олимларимиз шу пойдеворга таяниб, олий даражали,

¹ Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. – Т.: Ўзбекистон 1996. -283 -б.

бой илмий маънавий меросни яратганлар. Бу мерос нафақат бизнинг маънавиятимиз, балки бошқа Шарқ ва Ғарб давлатларининг маънавий ва маданий ривожланишида ҳам ўз ўрнига эга бўлмоқда. Айни пайитда дин рухий билим ва эътиқод бўлиши билан бир қаторда инсоннинг дунёқараши билан боғлиқ, фикрий мушоҳадасини мунтазам бойитиб борувчи қарашлар, таълимот ҳамдир. Шу нуқтаи назардан қараганда инсон, жамият, табиат ва бутун борлиқни ўрганиши жараёнида фан ва дин бир-бирини тўлдиради. Яъни ақл ечолмаган масалаларни дин ёрдамида хал қилинади. Шу тариқа инсон онгида ҳам илмий, ҳам диний қарашлар ўз ифодасини топиб, унинг маънавиятини шакллантиради;

Юртбошимиз Ислом Каримов таъкидлаганидек, Ўзбекистонда маънавий ҳаёт икки – дунёвийлик ва динийлик асосида ривожланиши керак. Ислом маънавияти ва қадриятлари мазмуни соф диний йўналишдан ташқари ҳозирги замон илмий билимлар билан биргаликда бўлганида ўз самарасини беради. Шу нуқтаи назардан кўп қиррали фаолиятларни ўз ичига олувчи мураккаб ижтимоий жараён бўлмиш халқимиз маънавиятининг шаклланиши ва ривожланиши фақат диний таълимотлар билан чегараланиб қолмасдан, аксинча, дунёвий (фалсафий) билимлар уйғунлигида амалга ошади. Қуръони каримнинг бир неча сура ва оятларида ҳам одамларни илм олишга, илм билан шуғулланишга даъват этилган. Зеро, *„Бу икки зоҳирий ва ботиний билимларни эгаллаган ва уларни бир-бирига боғлай олгандагина, инсон чин ҳақиқатни англаб етади, бахтга, саодатга элтувчи йўлни билиб олади“*.¹

Илмий билимларсиз халқлар маънавиятини шакллантириш иложсиз эканлигини тушунган машхур аждодларимиз, мутафаккир олимларимиз ислом маънавиятини янги билимлар билан бойитиб, тарихий жараёнда одамлар имон-эътиқоди маънавияти, дунёқарашини шакллантиришга ўзларининг муносиб хиссаларини кўшганлар. Мамлакатимизда янги фуқаролик жамиятни қуришда миллий маънавиятимиз ҳамда исломий қадриятларимиз ахлоқ-одобни мазкур таъсирчан тарғибот воситасидан кенг фойдаланиш миллий ғоя ва мафқуранинг шаклланишига, жамиятимиз аъзоларини замонамиз талаб қилаётган юксак маънавият руҳида тарбиялашга ёрдам беради.

Ислом маънавиятида шахс эркинлигига кенг имконият яратилган. Қуръони каримнинг Бақара сураси 256-оятда *„Динда зўрлик йўқ“*² деб ёзиб қўйилган. Демак, дин ва унинг қадриятларини қабул қилиш ихтиёрий, мажбурий эмас, аммо ҳар бир онгли киши оламни, ундаги воқеа ва ҳодисаларни идрок эта олувчи одамнинг табиий эҳтиёжидир. Шундай эҳтиёжга эга бўлган инсон учун дин инсон маънавияти ва ахлоқини

¹ О. Самариддинхон. Ёғли, М. Хусан ёғли. Маърифатга бағишланган умр. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. - 96. б.

² Қуръони карим. Таржима ва тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. — Т.: Тошкент Ислом университети, 2007. 42-б.

шакллантирувчи муҳим омилдир. Бундай эҳтиёжга эга бўлган одамлар тарихий жараёнда миллий ва диний кадриятлардан нафақат фойдаланганлар, балки уларни мазмунини янги-янги ғоялар билан бойитган. Ҳаётда синалган кўпчилик томонидан қувватланган кадриятлар диний ёки миллий бўлишидан қатъий назар жамиятда, турмуш тарзида ўз ўрнини топиб авлоддан-авлодга кўчиб келган ва маънавий маданиятимиз хазинасидан муносиб ўрин олган.

Инсоннинг маънавий тамойиллари, меъёрларини ишлаб чиққан муқаддас ислом дини бағрида юзага келиб инсоний комиллик таълимотига айланган тасаввур назарияси ва амалиёти, унинг уч тариқати – кубровия, яссавия ва хожагон нақшбандия айни бизда пайдо бўлиб, шу ердан “Буюк ипак йўли” орқали кенг ислом оламига ёйилди ва узининг катта таъсирини кўрсатди.

Президентимиз “Оллох қалбимизда, юрагимизда” деган асаарида биз нима учун имом ал-Бухорий, Нақшбанд, Яссавий, Ғиждувоний каби уламоларнинг номларини истиқболнинг илк кунларидан буён танлашга киришдик деган саволни олға суриб унга бундай деб жавоб берди: **“Чунки бу буюк инсонларнинг азиз номлари, ўлмас мероси муқаддас динимиз билан чамбарчас боғланиб кетган. Уларни бир-биридан ажратиб бўлмайди. Биз динимизни бу улуғ номларсиз, бу улуғ номларни эса динимизсиз тасаввур эта олмаймиз.”**¹

Бу тасаввуф тариқатига ўз хиссасини қушган буюк инсонларнинг қарашлари асрлар давомида минтақа халқлари маънавиятини шакллантиришга муносиб хиссасини қушиб келган. Ўзбекистон истиқлол йилларида халқимизни, айниқса ёшларни маънавий баркамол шахс бўлиб шаклланишида дунёвий билимлар билан бир қаторда муҳаддисларнинг хикматларидан фойдаланилмоқда. Ислом маънавияти мазмун-моҳияти жихатидан шахс ва жамиятга нисбатан байналмилаллик характериға эга. Унинг учун халқлар терисининг ранги, тили, ирқи, жамиятда, ҳаётда тутган мавқеи, миллатининг аҳамияти йўқ, барчаси ягона Аллохнинг бандаси ҳисобланади. Ислом фалсафаси ва кадриятларида байналмилалликка оид фикрлар: *миллатлараро, динлараро тотувлик, дўстлик, ҳамкорлик, ўзаро ёрдам* кабилар ҳар бир мўмин-мусулмон маънавиятининг таркибий қисми ҳисобланган. Ислом фалсафасида инсонларнинг бир-бирига бўлган муносабатларида меҳр-оқибатли бўлиш, шахс ва жамиятнинг ўзаро илиқ, ҳурматга сазовор муносабатларда бўлишига чорлайдиган маънавий-ахлоқий фикрлар кенг ўрин олган. Улардан бирида шундай дейилади: *„Бир-бирингизни орангизни бузманг, бир-бирингизни орқангиздан айб қидирманг, бир-бирингизни ёмон кўрманг, бир-бирингизга ҳасад қилманг“*.² Бундай миллий, ахлоқий фазилатлар ва

¹ Каримов И.А. Оллох қалбимизда, юрагимизда. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 11-б.

² А. Мансуров, У. Жўраев, М. Лафасов. Ҳадис илми сабоқлари. — Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1999. 22-б.

исломий кадриятлар асрлар давомида халқимиз қалбидан ўрин олиб, улар маънавиятининг шаклланишига хизмат қилган. Бу фазилатларнинг, айниқса, ҳозирги ҳуқуқий демократик ва фуқаролик жамиятини қуришда муҳим аҳамият касб этади;

Ислом маънавиятининг муҳим жихатларидан бири мусулмон ахлида ижтимоий адолат руҳини тарбиялаш бўлган. Қуръонда *адолат* сўзи 57 марта тилга олинган. Бунинг сабаби исломдан олдинги „жоҳилия“ даврида мажусийлик (кўп худолик) эътиқоди ҳукм сўриб, ҳар бир қабиланинг ўзи сиғинадиган санамлари (360 таси) Маккада сақланган бўлиб, араб қабилалари байрамларда, муқаддас ҳисобланган кунларда ўз санамлари олдига бориб сиғинганлар. Демак, уларнинг маънавияти ҳам шу асосда шаклланган. Бу даврнинг аянчли жихати шунда эдики, одамлар ижтимоий ҳаётининг иқтисодий, ҳуқуқий, маънавий-ахлоқий соҳаларида ҳуқуқсизлик ва жуда кўп адолатсизликлар ҳукм сурган. Шунинг учун ислом таълимоти ва маънавияти уни тинчлик ва адолатни сеувчи, инсонларни ардоқловчи дин, деб қаралиб, *адолат* дейилганда фақат меъёру-ўлчов, тош-тарози тушунилмайди, балки адолат ва адолат мезонлари орқали исломий меҳр-мурувватлик, кишилар ўртасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган *қадрият* деб қаралиб, бу тушунчага *ижтимоий моҳият* берилади.

Қуръони қарим оятларида адолат ва яхшилик учун, ноҳақликка йўл қўймасликка, кучлилар заифларга адолатли муносабатда бўлишликка чорлайди. Яъни ҳеч бир адолатсизлик жавобсиз қолмаслиги уқтирилади. Қуръони қаримнинг Иброҳим сураси 51- оятида „*Албатта, Аллоҳ тез ҳисоб-китоб қилувчидир*“¹ дейилган. Диний манбаларда қайд этилган адолат мезонларига амал қилиш халқлар маънавиятидан ўзига ўрин олган ва жамият ижтимоий ҳаётининг ривожланишида аҳамиятли бўлган.

Ўзбекистонда янги бунёд этилаётган фуқаролик жамиятида *интеллектуал, салоҳиятли, билимдон, меҳр-мурувватли* ёшларни мустақиллик шароитида қабул қилинган қонунларга таяниб, адолат ва унинг мезонлари асосида, тарбиялашда ислом маънавиятида шаклланган адолат тушунчалари ва талаблари муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Исломнинг назарий асослари, кадриятлари ва рухий билимлар Марказий Осиёда, шу жумладан, Ўзбекистонда маданий-маърифий ишларни, айниқса, бадиий адабиёт (проза, поэзия, фольклор), санъат турларини, илм-фан соҳасида – фалсафа, ислом фалсафаси, тарих, табиий фанларнинг ривожига катта ҳисса қўшди. Шунингдек, араб тили, грамматикаси ва ёзувини, риторика, хуснихат, китобларни муқовалаш ва безаш, хусусан, тасвирий санъатни ривожланишига ўз таъсирини ўтказди. Айни замонда маънавий маданиятнинг моддий маданият билан уйғунлашуви, яъни кийиниш маданиятида янги дизайнерлик ҳаракатида,

¹ Қуръони қарим. Таржима а тафсир муаллифи Абдулазиз Мансур. – Т.: Тошкент: Ислом университети, 2007. -261 -б.

масжид, мадраса, исломий обидаларни қуришда, шахсий уйларни қуриш, безаш, жихозлаш ва бошқаларда ўз ифодасини топди.

Булар халқимиз маънавий ва моддий ҳаётдан муносиб ўрин олиб, ҳозиргача давом этиб келмоқда. „*Муқаддас динимиз маънавиятнинг таркибий қисми*“ маънавиятини шакллантиришдаги асосий мезонларидан бири сифатида, ижтимоий тараққиётда, жамият тараққиётининг ички ва ташқи муносабатларида ўз ўрнига эга бўлмоқда.

Юртбошимиз Ислом Каримов “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида маънавиятни чуқур илмий-фалсафий таърифлаб шундай деб ёзади: “Маънавият – инсонни рухан покланиши, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси ифодасини бақувват, иймон-эътиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларининг мезонидир”¹. Зеро, ислом маънавиятининг мезони: *инсонпарварлик, ватанпарварлик, миллатлар ва динлараро тотувлик, халқпарварлик, етимпарварлик, халоллик, поклик, харомдан хазар қилишлик ва оилапарварлик ҳамда меҳр-оқибат, мурувватлилик, ҳамжиҳатлилик, ахлоқ-одоб* каби эзгулик фазилатларидан иборат.

Ҳозирги мустақил Ўзбекистонда бунёд этилаётган ҳуқуқий демократик, фуқаролик жамиятини қуришда бошқа омиллар қатори муқаддас динимиз маънавияти ва исломий қадриятларидан оқилона фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Таянч сўзлар:

ботиний, зоҳирий, мўътадил, регулятив, сепаратизм, терроризм, экстремизм.

Такрорлаш учун саволлар:

1. Ислом фалсафасини шаклланишидаги объектив ва субъектив омиллар.
2. Миллий ғоянинг тарихий илдизларини қандай тушунасиз?
3. Ислом фалсафасининг миллий ғоя шаклланишига қўшган хиссаси
4. Маънавий-маданий мерос нимадан иборат?
5. Марказий осие мутафаккирларининг маънавий меросга қўшган хиссалари қандай?
6. Қандай маънавий таҳдидлар мавжуд, уни олдини олиш йўллари нимада?
7. И.А.Каримовнинг “Юксак маънавият-енгилмас куч” асарида “Муқаддас динимиз-маънавиятнинг таркибий қисми” деган фикрларини қандай тушунасиз?
8. Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг қуришда ислом маънавиятидан қандай фойдаланилади?

¹ Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008, 19-б.

Фойдаланилган атамалар изоҳи:

Авесто-зардуштийликнинг муқаддас китоби

Айседко-ислом конференцияси ташкилотининг Таълим, Фан ва Маданият масалалари бўйича тузилмаси

Антропология- (юнон.-инсон ва таълимот)-инсон табиатнинг олий маҳсули деб тушунилади.

Антропоморфизм (юнон. -инсон ва шакл)-инсонга хос бўлган хоссалар ва хусусиятларни табиатнинг ташқи кучларига кўчириш.

Анимизм- (лот.-руҳ, жон)-жонга ва руҳларга ишониш.

Апастериори (лот- сўнгидан)-тажрибадан олинган билимни тўлдирувчи.

Аскетизм (юнон.- машқ)-зоҳидлик-дунёнинг хузур-ҳаловатидан ўзини тийиш, камолотга эришиш.

Ат-тавҳид (араб.-яккаҳудолик)-исломда асосий ва марказий ақида.

Брахма-худонинг яратиш қудрати ато этилган буюк фаришта.

Брахманизм-қадимги ҳинд дини.

Ваҳй-илоҳ билан инсонларнинг пайғамбарлар орқали мулоқот йўли.

Вараъ-(парҳез)-унинг уч тил, кўз, қалб шакллари мавжуд.

“Ваҳдат ул-вужуд”-Шарқ халқлари фалсафий қарашларида кенг тарқалган оқим бўлиб, “дунё Худо демакдир” деган тамойилга асосланади. Яъни бутун борлиқ ягона илоҳий ва субстанциядан иборат.

“Ваҳдат ул-мавжуд”-Шарқ халқлари фалсафий қарашларида Худо билан моддий оламнинг бирлигини эътироф этиб, Худони оламнинг ўзида деб ҳисоблайдиган оқим.

Виждон эркинлиги-диний эътиқод эркинлиги, яъни фуқароларнинг динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга ишонмаслик ҳуқуқи.

Вишну-ҳиндуизм пантеонидаги олий худолардан бири.

Вужудийўн-Шарқда кенг тарқалган пантеистик дунёқарашни ифодалайдиган фалсафий таълимот.

Герменевтика (юнон.-шарҳловчи)-маъноси ноаниқ бўлган текстларни шарҳлаш санъати ва назарияси.

Декларация-расмий равишда эълон қилинган дастур мазмундаги ҳужжат.

Деизм (лот. -Худо)-Худо оламни яратиб, унда иштирок этмайди ва воқеа-ҳодисаларнинг харакатига аралашмайди, деган фикрни илгари сурган фалсафий қараш.

Диний эътиқод-ишонч, иймон муайян диний таълимот, қадриятларга ишонч, шу асосда шаклланган дунёқараш. Эътиқоднинг бошқа шакли билишга асосланади. Билим эътиқодни вужудга келиши учун муҳим асос вазифасини бажаради.

Диний иймон-ишонч ва эътиқод муайян диний таълимот ва қадриятларга мустаҳкам ишончдан иборат шахсдаги алоҳида руҳий ҳолат.

Динлар фалсафаси-жаҳон динлари ҳатто миллий динларда ҳам диннинг фалсафий таҳлили, унинг билишдаги илоҳиёт (теологик) назария.

Дуализм-икки ёқлама, яъни моддий ва руҳий субстанцияларни тенг ҳуқуқли асослар деб ҳисоблайдиган фалсафий таълимот.

Дўзах-жаҳаннам, яъни гуноҳкор мархумлар жазоланадиган жой.

Жаборийлар (араб.-жабр-мажбур қилиш)- VII аср охири ва VIII аср бошларида ислом илоҳиётида пайдо бўлган оқим. Унингча инсонда ҳеч қандай ирода ва фаолият эркинлиги йўқ, чунки одамнинг тақдирини Худо мутлақ олдиндан белгилаб қўйган, деган фикрга асосланади.

Жайнизм (ҳинд. “жинна”-“ғолиб”)-Ҳиндистонда эрамиздан аввалги биринчи мингйилликда юзага келган ва оламнинг асосида икки ибтидо: моддий нарсалар ва жон ётади, деб ҳисоблайдиган таълимот.

Зухд-ваъранинг давоми ҳисобланиб, таом ва ичимликдан, мол-дунёдан парҳез қилиш тушунилади.

Идеал (лот.-мезон, мукамаллик)-орзу, интилишнинг олий мақсади.

Имон (араб. -ишонч ва эътиқод)-ислом динида ақидаларга-Аллоҳга, муҳаммадга ва илоҳий ҳисобланган китобларга, тақдирга, охиратга ишониш. Бундан ташқари имон чуқур фалсафий мазмунга эга бўлиб, инсон онги ва руҳиятига сингган, ундан мустаҳкам ўрин олган ғоя ва дунёқараш сифатида ҳаракатлантирувчи куч.

Ижмоъ (араб.якдиллик билан қабул қилинган қарор)-Қуръон ва ҳадисларда аниқ кўрсатма берилмаган ҳуқуқий масалани ҳал қилишда фақиҳ ва мужтаҳидларнинг тўпланиб, ягона фикрга келган ҳолда ҳукм чиқариши.

Илоҳиёт (теология)-диний ақидалар улар ҳақидаги илоҳий кўрсатмалар билан шуғулланадиган диний таълимот.

Ислом конференцияси ташкилоти (ОИК)-45 дан зиёд мамлакатни ўз ичига олувчи давлатлараро ташкилот 1969 йили ташкил топган. Штаб квартираси Жидда шаҳрида (Саудия Арабистони) унинг мақсади-аъзо мамлакатларнинг иқтисодий, ижтимоий, маданий, илмий ва бошқа соҳаларида бирдамлик ва ҳамжиҳатлигини таъминлаш.

Истеҳсон (араб.-яхшилик, маъқуллаш)-шариат масалаларига қиёсий тадбиқ этишда мусулмонлар жамоаси учун қайсиниси яхшироқ, фойдалироқ бўлса, ўшанисини қўллаш тамойили.

Калом (араб.-сўз, нутқ) исломда муайян мантиқий далилларга таяниб диний таълимотни асослашга ҳаракат қилувчи диний фалсафий таълимот.

Карма (саскр.-ҳаракат, бурч)-ҳиндларнинг диний таълимотларида алоҳида мистик куч, трик жонзотларнинг қилмишлари, унинг кейинги турли қиёфалари бунёдга келишидаги тақдирга таъсир кўрсатади, деган “қасос” қонуни

Клерикализм-жамиятнинг сиёсий ва маънавий ҳаётида черковнинг ролини кучайтиришга интиладиган диний-сиёсий оқим.

Конфессия (лот.-этироф, этикод)-дин, диний этикоднинг айнан ўзи.

Коҳинлар-политеистик (кўп худолик) динларда кишилар билан ғайритабиий кучлар ўртасида воситачилик қилувчи кишилар гуруҳи.

Креационизм (лот.-яратиш)-дунёни Худо томонидан илоҳий қудрат орқали йўқдан бор қилиш тўғрисидаги диний таълимот.

Макруҳ (араб.-рад этилган, қораланган)-шариатда қатъий таъқиқланган аммо номақбул ҳисобланган хатти-ҳаракатлар.

Маҳзура (араб.-ман этилган)–мусулмонлар учун қатъий таъқиқланган хатти-ҳаракатлар.

Ота –Худо христиан динида уч юзли Худонинг бири.

Охриман-Зардуштийлик динида эзгуликни вужудга келтирувчи Охурамаздага қарши ёвузлик руҳи бўлиб, одамларни ёмон ишларга бошловчи ҳисобланган.

Охирамазда-Зардуштийлик динида эзгуликни қарор топтириш руҳи. У одамларга эзгуликни ёвузликдан фарқлашни ўргатади ва иймон-этикодли одам албатта эзгулик тарафида деб ҳисоблайди.

Пантеизм-Худо билан оламни айнанлаштирувчи фалсафий таълимот.

Позитивизм-Ғарб мамлакатларида кенг тарқалган фалсафа ва фаннинг ўзаро муносабати масаласига бағишланган фалсафий тафаккурнинг бир кўриниши.

Политеизм (юнон.-кўпхудолик)-қадимги динлардаги кўпхудолик тўғрисидаги таълимот.

Прагматизм-(юнон-иш, амал)- XIX асрда вужудга келган фалсафий оқим.

Регулятив-дин функцияларидан бири бўлиб, диндорларнинг диний амалларни бажаришини тартибга солиб турувчи функцияси

Сепаратизм-ажралиш (ажралиб чиқиш)га интилиш ҳозирги жаҳон динларидан ажралиб чиқиб норасмий диний гуруҳлар тузишга интилувчилар-сепаратистлар деб номланади. Масалан, диний фундаментализм, экстремизм тарафдорлари шундай деб аталади.

Синкретизм-қоришиқ ҳолат. Қадимги ҳиндларда турли диний тасаввурла шундай синкретизм ҳолатда бўлган.

Сикхизм-(санскр.-шогирд)- XVI -асрда Шимолий-Ғарбий Ҳиндистонда вужудга келган майда савдогар ва хунармандларнинг кастачилик тузуми ва феодал зулмга қарши норозилигини ифодалаган дин.

Мистика (юнон.-сирли)-табиат ва жамият ҳодисаларининг ғайритабиий моҳиятини этироф этиш.

Мистериялар (юнон-сирли, махфий)-қадимги динларнинг махфий маросимлари, унда ўзини фақат шу динга бағишлаган одамлар қатнашган.

Миссионерлар (лот.-“юбориш”, “вазифа топшириш”) –миссионерлик бир динга этикод қилувчи халқлар орасида бошқа бир динни тарғиб қилиш.

Мурид (араб.-эргашувчи)-пир ёки эшонга кўл бериб, суфийлик йўлига кирган шахс.

Муршид (араб.-тўғри йўлга етакловчи)-суфийликда муридларининг раҳнамоси.

Мўътазилийлар (араб.-ажралганлар)-ислом илоҳиётида суннийлик йўналишига маълум даражада муҳолиф сифатида ажралиб чиққан оқим.

Муқаддас рух-христиан динида уч юзли худонинг бири, яъни Ота Худо, ўғил -Худо ва Муқаддас рух.

Нирвана (санскр.-“сўлиш”) буддизм ва жайнизм диний фалсафаларига кўра, руҳнинг сансара кишанларидан тўла озод бўлиши ва олий мақомга эришиш.

Неотомизм (янги томизм) –Фома Аквинскийнинг христиан фалсафасини тиклашга қаратилган оқим.

Ортодоксия (юнон.-тўғри фикр)-муайян таълимот, дунёқараш асосларига, анъаналарига қатъий риоя қилиш.

Субстанция (лот.-моҳият)-қадимги Юнонистон, Хиндистон, Хитой фалсафаси тарихида бутун мавжудотнинг бош асосини изоҳловчи тушунча.

Терроризм-зўрлик ва жаҳолат билан амалга ошириладиган сиёсий ҳаракат.

Томизм (лот.-Фома)-Фома Аквинский таълимотини таъсири остида шакланган, илоҳиёт ва фалсафий қарашларнинг яхлит тизими.

Тотемизм- Шимолий Америка хиндларнинг тилида “тотем” –(унинг уруғи) деган сўздан келиб чиққан. Тотемизм ибтидоий жамоанинг илк динларидан бири.

Фикҳ (араб.-тушуниш)-шариат қонун-қоидаларини ўзганувчи фан.

Фетишизм (франц.-тилсим, бут)-табиатдаги нарса ва ходисаларга эътиқод қилувчи диний тасаввурлар мажмуи.

Фундаментализм-маълум дин вужудга келган илк даврига қайтиш ва бу йўл билан замонанинг барча муаммоларини хал қилиш мумкин деган фикрни илгари сурувчи оқим.

Ҳаж-ислом таълимотида беш амалий маросимчилик талабларидан бири. Ҳаж қилиш Макка ва Мадинага бориб муайян диний маросим талабларни бажариш билан амалга оширилади.

Ҳиндуизм-ҳозирги Ҳиндистонда кўпчилик эътиқод қиладиган дин. Ҳиндуизм таълимоти Ведизм ва Брахманизм ғояларининг эволюциясини натижасида милоддан аввалги икки мингинчи йилнинг ўрталарида шаклланган.

Хорижийлар (араб.-ажралиб чиққан)-исломдан илк оқим тарафдорлари халифа Али билан уммавийлар ўртасидаги кураш давомида 7-асрнинг 2-ярмида вужудга келган.

Черков (юнон-Худонинг уйи)-муайян диний фожиалар ичидаги муносабатларни ҳамда дунёвий гуруҳлар ва ташкилотлар билан

алоқаларни тартибга солиш воситаси тарзида вужудга келган диний ташкилот тури.

Шариат (араб.-тўғри йўл, қонунчилик)-исломда диний ҳуқуқ системаси бўлиб, унда соф ҳуқуқий масалалардан ташқари ахлоқий мезонлар ва амалий диний талаблар ҳам ўз ифодасини топган.

Шива –Ҳиндуизмдаги уч олий Худо тримутранинг бири. Шиизм тарафдорлари уни Коинотда ҳамма мавжудотларни йўқ қилиб, қайта яратувчи деб тушунадилар.

Экумен ҳаракат (юнон.-коинот, одам яшайдиган олам)-христианлик конфессияларини бирлаштириш тарафдорлари бўлган ҳаракат.

Экстаз-жазава, ўзини йўқотиш даражада завқланиш. Тасаввуфнинг дастлабки дарवेशлик тариқатида шундай жазова қўлланилган.

Экзистенциализм-мавжудлик фалсафанинг тушунчаларидан бири бўлиб, у инсон шахсининг борлиқ усулини билдиради.

Экстремизм (лот.-ўта,сўнгги)-ўз мақсади йўлида ҳаддан ортик, кескин тадбир-чоралар кўришга тарафдорлик. XX-аср бошларида турли экстремистик гуруҳлар майдонга келди. Улар гоҳ сиёсий, гоҳ диний, гоҳ ҳудудий шаклдаги жинойтларни содир этдилар. Инсониятнинг ижтимоий, барқарор тараққиёти учун катта хавф туғдирувчи экстремизмнинг кўринишлари жаҳон мамлакатларида ҳамон ўз таъсирини кўрсатмоқда.

Эсхатология (юнон.-сўз, билим)-олам ва инсониятнинг сўнгги тақдири, охираат ва қиёмат ҳақидаги диний таълимот.

Эътиқод (ишонч, иймон)-дунёқараш. Бирор динга эътиқод қилиш уни ҳақ деб билиб, таълимотини тан олиш.

Ўғил-Худо-христиан динида учюзли худонинг бири. Ўғил-Худо деганда Исо Масих тушунилади.

Қадрият-воқеликдаги муайян ходисаларнинг умуминсоний, ижтимоий-ахлоқий, маданий-маънавий аҳамиятини кўрсатиш учун қўлланиладиган фалсафий тушунча.

Қиёмат (араб.-“тик туриш”)-бу дунёнинг охири, деган тушунча.

Қуръон (муқаддас ёзув)-ислом динининг муқаддас китоби

Қиёс-исломда шариат манбаларидан бири. Ўхшаш масала орқали мантиқий таққослаш йўли билан ҳукм ёки фатво чиқариш.

Ҳадис (араб.-“Янги; сўз”)-Муҳаммад пайғамбарнинг айтган сўзлари, қилган ишлари ҳақидаги ривоятлар.

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

Расмий хужжатлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси.-Т.: Ўзбекистон, 2003.-36 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг “Таълим тўғрисида” ги қонуни, 1997 йил 2 август, 1998.-№ 17.-236 б.
3. Ўзбекистон Республикаси Кадрлар тайёрлаш миллий дастури.-Т.: Ўзбекистон, 1997.-75 б.
4. “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни (янги таҳрири) –Т.: Адолат, 1998. -32 б.
5. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. 6-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 1998.-429 б.
6. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан ва эркин фаровон ҳаёт-пировард мақсадимиз. 8-жилд. –Т.: Ўзбекистон, 2000. 520 й.
7. Каримов И.А. Биз танлаган йўл демократик тараққиёт йўлидир. II-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2003.-320 б.
8. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон ҳеч кимга қарам бўлмайди. 13-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2005.-446 б.
9. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари –олий қадрият. 14-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2006.-280 б.
10. Юксак маънавият-енгилмас куч.-Т.: Маънавият, 2008.-176 б.
11. Каримов И.А. Асосий мезон-ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. 17-жилд.-Т.: Ўзбекистон, 2009.-Б. 131-146.

КИТОБЛАР, РИСОЛАЛАР

12. Абдуваҳҳоб халлоф. Усулул фикҳ.-Т.: Мовароуннаҳр, 1997.-112 б.
13. Абдурахмон Ҳоя. Ислом ахлоқи.- Т.: Мовароуннаҳр, 1997.-112 б.
14. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри.-Т.: Мерос, 1993.-224 б.
15. “Авесто”. Асқар Маҳкам таржимаси.-Т.: Шарқ, 2001.-383 б.
16. Анвар Чориев. Инсон фалсафаси.-Т.: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2007.- 416 б.
17. Аҳмедова М. Фалсафа асослари.-Т.: Ўзбекистон, 2006. -414 б.
18. Амир Темур ва Темурийлар маданияти ва санъати. –Т.: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.-88 б.
19. Бунок сиймолар ва алломалар. –Т.: А.Қодирий, 1995.-104 б.
20. Вебер М.Избранные работы. –М.: Прогресс, 1994.-480 б.
21. Гегель. Философия религия. В 2-х томах. Т.1. –М.: Мысл, 1976.-532 с.
22. Гегель. Философия религии. В 2-х томах Т.2.-М.: Мысль, 1977.-576 с.
23. Диншунослик. Дарслик.-Т.: меҳнат.-2004.-295 б.
24. Диний экстремистик ташкилотларнинг Ўзбекистондаги фаолияти ва мақсадлари ҳақида.-Т.: 2004.- 2004.-78 б.
25. Ибн Сина. Избранные философские произведения. –М.: Наука, 1980. - 552 с.

26. Ислом: бағрикенглик ва мутаасисиблик.- Т.: 1998.-128 б.
27. Каримов Иброҳим. Маънавият, фалсафа ва ҳаёт.- Т.: Фан, 2001.- 214 б.
28. Маҳмудов Т. «Авесто» ҳақида. –Т.: Шарқ, 2000.-64 б.
29. Мустақиллик: изоҳли илмий-оммабоп луғат.-Т.: Шарқ, 1998.-320 б.
30. Очилдиев А. Миллий ғоя ва миллатлараро муносабатлар. –Т.: Ўзбекистон, 2004.-134 б.
31. Фалсафа қомусий луғат. (Тузувчи ва маъсул муҳаррир. Ф.ф.д. Назаров Қ.)-Т.: Шарқ, 2004.-496 б.

МУНДАРИЖА

Кириш.	3
1=мавзу. Эътиқод ва диний бағрикенглик фалсафаси.	4
2=мавзу: Виждон эркинлиги ва ислом маънавиятига қизиқишнинг ортиши.	11
3=мавзу. Динлар фалсафасининг асосий йўналишлари.	12
4=мавзу. Қадимий миллий динлар фалсафаси.	31
5=мавзу. Буддавийлик фалсафаси.	41
6=мавзу. Христианликдаги фалсафий қарашлар. Католик фалсафаси.	47
7=мавзу. Православ фалсафаси.	53
8=мавзу. Протестантлик фалсафаси.	57
9=мавзу. Ислом илми ва фалсафаси.	60
10=мавзу. Суфийлик (тасаввуф) фалсафаси.	65
11=мавзу. Шариат: мазмуни ва фалсафий таҳлил.	67
12=мавзу. Миллий ғоя ва ахлоқий маданиятнинг шакллантириш омиллари.	81
Фойдаланилган атамалар изоҳи.	99
Адабиётлар рўйхати.	104